

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“КЎЧМАС МУЛК ЭКСПЕРТИЗАСИ ВА УНИ
БОШҚАРИШ” ЙЎНАЛИШИ**

**“КЎЧМАС МУЛКДАН ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
УСУЛЛАРИ”**

модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг
2018 йил _____даги ____-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва
дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи: ТАҚИ, катта ўқитувчи, Файзиева Г.А.

Тақризчи: Е.Щипачёва – Тошкент темир йўл мұхандислари
институти кафедра мудири, т.ф.д., профессор

**Ўқув -услубий мажмуа Тошкент архитектура қурилиш институти Кенгашининг
2018 йил _____даги ____-сонли қарори билан наширга тавсия қилинган.**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	11
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	15
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	72
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	82
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	15
VII. ГЛОССАРИЙ	85
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	89

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ишчи дастур олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Ушбу ишчи дастур бугунги кўчмас мулк соҳасидаги сўнгги ютуқлар, тизимлар, усусларини. Замонавий технологиялар ёрдамида мутахасисларга бозор иқтисодиёти шароитида кўчмас мулк билан боғлиқ иқтисодий жараёнларни бошқаришни. Кўчмас мулк соҳасидаги модулни ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни. Кўчмас мулқдан фойдаланиш ва бошқариш соҳасидаги долзарб масалаларни ўз ичига олади

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни “**Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишнинг замонавий усуслари**” модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор гоялар ва маҳсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуслари билан таништиришдан иборат.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“**Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишнинг замонавий усуслари**” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака оширишдаги курс тингловчиларини таълим технологиялари ва педагогик маҳорат қўллаган холда кўчмас мулқдан фойдаланиш ва бошқаришга оид билимларини такомиллаштириш, замонавий технологиялар ёрдамида мутахасисларга бозор иқтисодиёти шароитида кўчмас мулк билан боғлиқ иқтисодий жараёнларни бошқариш, шунингдек мазкур соҳа фаолияти самарадорлигини таъминловчи имкониятлар танишиш ва уларни амалиётда қўллаш юзасидан малакаларини таркиб топтириш. “**Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишнинг замонавий усуслари**” модулининг вазифалари:

- кўчмас мулқдан фойдаланиш ва бошқаришнинг илмий-назарий масалалари бўйича тингловчиларнинг билимларни кенгайтириш;
- тингловчиларда кўчмас мулкни бошқаришдаги замонавий ёндашув, муаммолар ва уларнинг ечимларини излашни ўргатиш асосида тингловчиларнинг касбий компетентлигини, билим ва кўникмаларини шакллантириш;
- кўчмас мулқдан фойдаланиш ва бошқаришга оид олинган назарий ва амалий билимларни педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш ва режалаштиришда тадбиқ этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишнинг замонавий усуллари” модулининг ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- кўчмас мулқдан фойдаланиш соҳасидаги сўнгги ютуқлар, тизимлар, усулларни;
- кўчмас мулқдан фойдаланишни ривожлантиришнинг замонавий назариясини;
- кўчмас мулк соҳасида инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш ва жорий этишни;
- кўчмас мулкка замонавий техник хизмат кўрсатиш усулларини;
- кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишнинг сўнгги йўналишлари ва ютуқларини;
- “Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишнинг замонавий усуллари” фани билан боғиқ илғор хорижий тажрибаларни ва уларни ўкув жараёнига жорий этишни **билиши** керак.

Тингловчи:

- қонуний-меърий хужжатлардан фойдаланган ҳолда кўчмас мулкни бошқаришни баҳолаш ва ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш;
- кўчмас мулкни эксплуатация қилишни ривожлантиришда автоматлаштирилган тизимнинг устувор жиҳатларини ўрганиш ва мамлакатда автоматлаштирилган тизимнинг самарадорлигини ошириш имкониятларини таҳлил қилиш;
- кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишнинг замонавий усулларини ўрганиш бўйича электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишнинг методологик асосларини ривожлантириш;
- кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишнинг замонавий усуллари бўйича таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқаришга оид меърий хужжатлар соҳасидаги ўзгаришларни амалиётга тадбик эта олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- амалдаги қонуний-меърий хужжатлардан фойдаланган ҳолда кўчмас мулк объектларини техник-иктисодий экспертиза қилиш, баҳолаш ва бошқарув харажатларини асослашга оид талабларни белгилаш;

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

- кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш бўйича техник шартлар ишлаб чиқиш ва уларни ўрнатилган тартибда расмийлаштириш;
- кўчмас мулк объектларида турли яхшиланишларни амалга ошириш бўйича инновацион лойихаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- кўчмас мулк бозори ривожланишига таъсир этувчи омилларни аниқлашнинг услугбий асосларини ривожлантириш;
- Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг кўчмас мулк объектларини бошқаришга таъсирини ўрганиш;
- кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқаришни янада ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни белгилаш ва амалга ошириш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- амалдаги ва янги жорий этилаётган қонуний-меърий хужжатлар асосида кўчмас мулк объектларини эксплуатациясини ташкил этиш, ҳисоботларини тайёрлаш ва уларни ўрнатилган тартибда расмийлаштириш;
- кўчмас мулкни бошқариш соҳасидаги инновация лойихаларини техник экспертиза қилиш ва хулоса тайёрлаш;
- кўчмас мулкдан фойдаланишни тўғри ташкил этилишига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш усулларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этиш ва уни бошқаришга таъсирини ўрганиш;
- кўчмас мулкни бошқариш соҳасининг ривожланишидаги устувор йўналишларни белгилаш бўйича **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этишнинг замонавий усуллари” модулини ўқитиш жараёнида қуйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маъruzаларни ташкил этиш;
- амалий машғулотлар жараёнида илфор педагогик ва кейс технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Олий таълим педагогикаси ва психологияси”, “ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш”, “Замонавий қурилиш материаллари”, “Қурилиш соҳасидаги инновациялар”, “Бино ва иншоотларнинг техник эксплуатация масалалари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини ортиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг кўчмас мулк экспертизаси тизимидағи, кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги инновациялар бўйича малака ва кўнижмаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар кўчмас мулк соҳасидаги билимларини ва фанга оид педагогик маҳоратни эгаллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Жумладан		
			Жами	Назарий	Амалий	Кўчма машгулот		
1.	Кўчмас мулк обьектларининг Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатлarda таснифланиши. Тижорат кўчмас мулк обьектлари характеристикиси.	8	8	4	4			
2.	Кўчмас мулкка замонавий техник хизмат кўрсатиш. Уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш муаммолари ва уни замонавий ечимлари.	6	6	2	4			
3.	Ўзбекистонда кўчмас мулқдан фойдаланиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари	6	6	2	2	2		
4.	Кўчмас мулк обьектларини ривожлантириш масалалари. Девелопментнинг асосий тушунчалари ва тамоиллари.	8	6	2	2	2	2	
	Жами	28	26	10	12	4	2	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-маъруза: Кўчмас мулк объектларининг Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда таснифланиши. Тижорат кўчмас мулк объектлари характеристикаси.

Келиб чиқишига кўра кўчмас мулк объектларининг турлари. Кўчмас мулк объектларининг таснифланиш тизими. Кўчмас мулк объектларининг белгилари. Туар жой объектларининг умумий таснифи. Тижорат кўчмас мулк объектлари характеристикаси. Даромад олиб келувчи тижорат кўчмас мулк объектлари таснифланиши. Ижтимоий соҳа кўчмас мулк объектлари тавсифи ва гурухланиши.

2-маъруза: Кўчмас мулкка замонавий техник хизмат кўрсатиш. Уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш муаммолари ва уни замонавий ечимлари.

Ўзбекистон шароитида туар жойлар қурилишини лойиҳалашда қўйиладиган асосий талаблар. Уй-жой биноларидан фойдаланишда инновациялар ва хорижий тажрибалар. Бино ва иншоотлар қурилиши учун бошланғич-руҳсат берувчи ҳужжатлар тўплами таркиби. Уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш тузилмаси: техник хизмат кўрсатиш; санитар таъминот; объектга коммунал хизмат кўрсатиш; режавий огоҳлантирувчи таъмирлаш.

3-маъруза: Ўзбекистонда кўчмас мулқдан фойдаланиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистонда кўчмас мулкни бошқаришнинг хукуқий асослари. Ўзбекистонда кўчмас мулк фонди ҳолати таҳлили ва ундан фойдаланиш истиқболлари. Кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш Кўчмас мулк объектларига солиқ солиш тизими

4-маъруза: Кўчмас мулк объектларини ривожлантириш масалалари. Девелопментнинг асосий тушунчалари ва тамойиллари.

Девелопментнинг асосий тушунчалари. Девелопернинг профессионал – тадбиркор сифатидаги роли. Девелоперлик фаолиятининг тамойиллари. Девелопментнинг турлари. Девелопментнинг самарадорлиги. Шаҳар худудларини зоналаштириш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Кўчмас мулк объектларининг Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда таснифланиши. Тижорат кўчмас мулк объектлари характеристикаси.

Келиб чиқишига кўра кўчмас мулк объектларининг турлари. Кўчмас мулк объектларининг таснифланиш тизими. Кўчмас мулк объектларининг белгилари. Туар жой объектларининг умумий таснифи. Тижорат кўчмас мулк объектлари характеристикаси. Даромад олиб келувчи тижорат кўчмас мулк объектлари таснифланиши. Ижтимоий соҳа кўчмас мулк объектлари тавсифи ва гурухланиши.

2-амалий машғулот: Кўчмас мулкка замонавий техник хизмат кўрсатиш. Уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш муаммолари ва уни замонавий ечимлари.

Ўзбекистон шароитида туар жойлар қурилишини лойиҳалашда қўйиладиган асосий талаблар. Уй-жой биноларидан фойдаланишда инновациялар ва хорижий тажрибалар. Бино ва иншоотлар қурилиши учун бошланғич-руҳсат берувчи ҳужжатлар тўплами таркиби. Уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш тузилмаси: техник хизмат кўрсатиш; санитар таъминот; обьектга коммунал хизмат кўрсатиш; режавий огоҳлантирувчи таъмирлаш.

3- амалий машғулот: Ўзбекистонда кўчмас мулкдан фойдаланиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистонда кўчмас мулкни бошқаришнинг хуқуқий асослари. Ўзбекистонда кўчмас мулк фонди ҳолати таҳлили ва ундан фойдаланиш истикболлари. Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш Кўчмас мулк обьектларига солиқ солиш тизими

4- амалий машғулот: Кўчмас мулк обьектларини ривожлантириш масалалари. Девелопментнинг асосий тушунчалари ва тамойиллари.

Девелопментнинг асосий тушунчалари. Девелопернинг профессионал – тадбиркор сифатидаги роли. Девелоперлик фаолиятининг тамойиллари. Девелопментнинг турлари. Девелопментнинг самарадорлиги. Шаҳар ҳудудларини зоналаштириш.

Амалий машғулотларларни “Кичик гурухларда ишлаш”, “Давра сұхбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўкув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг

Күчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илгор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Топшириқ турлари	Баллар тақсимоти	Максимал балл
1.	Мавзулар бўйича кейслар	1,5 балл	2.5
2.	Мустақил иш топшириқлари	1,0 балл	

Кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари
**II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ
ТАҲЛИМ МЕТОДЛАРИ**

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникумларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Фикр: “*Кўчмас мулк бозори иқтисодий тараққиётнинг асоси*”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний холоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Күчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



Кўчмас мулқдан фойдаланиш ва уни бошқариши соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Кўчмас мулқдан фойдаланиш ва уни бошқариш соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимининг кучли томонлари	
W	Кўчмас мулқдан фойдаланиш ва уни бошқариш соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимининг кучсиз томонлари	
O	Кўчмас мулқдан фойдаланиш ва уни бошқариш соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимидан фойдаланишининг имкониятлари (ички)	
T	Тўсиқлар (ташки)	

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод Тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод Тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда Тингловчилар ёки катнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Автоматлаштирилган тизим ҳудудни тозалаши, бинога техник хизмат кўрсатиши, қўриқлаши ва б. учун сметани шакллантириши имконини беради.

Автоматлаштирилган тизимларга ҳар бир деталнинг параметри ва баҳоси, таъмирлар муддати, хизмат кўрсатиши ва алмаштириши давомийлиги, шунингдек, персонал ҳақидаги маълумотлар – ҳар бир муҳандиснинг, электрикнинг малакаси, уларнинг маоши ва б. Киритилади. Математик алгоритмлар асосида тизим, таътил, дам олиш кунлари ва байрамларни ҳисобга олган ҳолда қайси ходим қайси ишини қайси куни бажарииши лозимлиги ҳисоб-китоб қилинади.

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурухли тартибда);
 - тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
 - белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
 - ҳар бир тингловчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Флотель	кўпинча “сувдаги курорт” деб аталадиган, йирик меҳмонхона. Охирги вақтларда тез-тез бизнестурлар, конгресс-круизлар ва таълим турларини ташкил килиш мақсадида фойдаланилади.	
Мотель	шаҳардан ташқарида, автомагистралга яқин жойда жойлашадиган, оддий, бир ёки икки қаватли бинолар. Кам сонли (минимал) персоналга эга, хизмат кўрсатиш даражаси ўртача.	
Флайтель	аэромеҳмонхона ёки “учувчи меҳмонхона”. Жуда қиммат ва камсонли меҳмонхона тури. Метеорология хизмати алоқаси билан жихозланган.	
Ротель	ҳаракатланувчи меҳмонхона, ўриндиқлар жойлашган икки бўлмали вагон кўринишида бўлади. Кийиниш, ҳожатхона, ваннахона, музлатгич учун бўлмаларнинг бўлиши шарт.	
Классик ленд девелопмент	бу атроф-мухитни шакллантириш, участкалар ликвидлиги ва уларнинг инвестицион жозибадорликларини оширишdir.	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Кўчмас мулк объектларининг Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда таснифланиши. Тижорат кўчмас мулк объектлари характеристикаси.

Режа:

- 1.1.** Кўчмас мулк объектларининг таснифланиш тизими.
- 1.2.** Турар жой объектларининг умумий таснифи.
- 1.3.** Тижорат кўчмас мулк объектлари характеристикаси. Даромад олиб келувчи тижорат кўчмас мулк объектлари таснифланиши.
- 1.4.** Ижтимоий соҳа кўчмас мулк объектлари тавсифи ва гурухланиши.

Таянч иборалар: Табиий объектлар, сунъий объектлар, таун-хаус, супермаркет, гипермаркет, ихтисослашган дўконлар (универмаглар), пансион, апартамент, гарни-мехмонхона, ротель, ботель, флотель, флайтель

1.1. Кўчмас мулк объектларининг таснифланиш тизими.

Кўчмас мулк объектларини ўрганишда улар таркибидаги икки гурухга ажралувчи объектларни алоҳида олиб ўрганиш мумкин.

1. Табиий объектлар – ер участкалари, ўрмон ва кўп йиллик ўсимликлар, маҳсус сув объектлари ва ер ости бойликлари мавжуд ҳудудлар. Шунингдек уларни “табиатан кўчмас мулк” деб ҳам аташади.

2. Сунъий объектлар (қурилишлар):

а) Турар жой кўчмас мулк объектлари.

Кўп хонадонли уй – кам қаватли уй (3 қаватгача), кўп қаватли уй (4дан 9 қаватгача), юқори қаватли уй (10дан 20қаватгача), осмонўпар уй (20 қаватдан ортиқ).¹

Шунингдек, секция (подъезд), подъезддаги қават, яшаш хоналари ҳам турар жой кўчмас мулклари объектлари бўлиши мумкин.

Тура жой хонаси деб, фуқароларнинг доимий яшашлари учун яроқли бўлган ва кўчмас мулк обьекти бўлиб ҳисобланадиган алоҳида хонага айтилади.

Турар жой хоналарининг турлари:

- 1) турар жой уйи, турар жой уйининг бир қисми;
- 2) хонадон, хонадоннинг бир қисми;
- 3) хона.

Тураг жой уйи деганда, хоналар ҳамда фуқароларнинг майший ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган бошқа ёрдамчи хоналардан ташкил топган шахсий яшашга мўлжалланган бино тушунилади.

¹ Келтирилган таснифлаш Россия ва Ўзбекистонда кўлланилади. Жаҳон амалиётида бинолар қаватлар бўйича юкоридагидан фарқли таснифланади (масалан, осмонўпар уй – 50 қаватдан ортиқ бўлади).

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

Хонадон деб, кўп хонадонли уйда жойлашган маҳсус тузилмавий хоналар бирлигига айтилади. У бир ёки бир нечта хона, ҳамда фуқароларнинг шу уйда яшашлари давомида майший ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган ёрдамчи фойдаланишдаги хоналардан иборат бўлиб, ўзи жойлашган уйдаги барча умумий фойдаланиш майдонлари билан тўғридан – тўғри алоқада бўлиш имкониятини таъминлайди.

Хона деб, фуқароларнинг турар жой уйи ёки хонадонда бевосита яшаш жойи сифатида фойдаланишга мўлжалланган турар жой уйи ёки хонадоннинг бир қисмига айтилади.

Кўп хонадонли уйдаги барча хоналар функционал қўлланишига кўра турар жой ва нотурар жой хоналарига бўлинади. Тураг жой хоналари фақатгина фуқароларнинг яшашлари учун мўлжалланган, нотурар жой хоналари эса, яшаш учун эмас, балки бошқа функционал мақсадларга мўлжалланган бўлади.

Умумий мулк – бу биргалиқда фойдаланиш ва хоналарга кириш учун мўлжалланган кўп хонадонли уйнинг қисмлари, шунингдек хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган қисмлар, яъни:

- томлар;
- чордоқ хоналари;
- техник ертўлалар;
- коридорлар;
- чиқинди йиғувчи камералар;

• хонадондан ташқарида жойлашган муҳандислик ускуналари: лифтлар, сув таъминоти тизимлари (иссиқ сувни ҳисобга олган ҳолда), чиқинди қувурлари, оқава чиқарувчи қурилмалар, иссиқлик таъминоти, электр таъминоти, шамоллатиш тизими;

• умумий фойдаланиш ускуналари: сантехника, ёритгичлар, муҳандислик тизимлари, выключателлар;

• хонадон ичидаги ускуналар, уларнинг иши ёки ҳолати уйнинг бутун муҳандислик ускуналари иши ёки ҳолатига таъсир қиласи: иситиш радиаторлари, тикка оқава қувурлари, бошқа ускуналар;

- уй олди майдонлари ва ташқи ободонлаштириш унсурлари.

б) тижорат кўчмас мулк объектлари – офислар, ресторанлар, дўконлар, меҳмонхоналар, ижара учун гаражлар, омборхоналар, бино ва иншоотлар, мулк мажмуаси сифатидаги корхоналар;

в) жамоат (маҳсус) кўчмас мулк объектлари: даволаш – сағломлаштириш (касалхоналар, поликлиникалар, қариялар ва болалар уйлари, сихатгоҳлар, спорт мажмуалари ва ҳ.к.):

• таълим – тарбия (мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, лицейлар, коллежлар, институт-университетлар, болалар ижодиёт уйлари ва ҳ.к.);

• маданий – оқартув (музейлар, кўргазма мажмуалари, маданият ва дам олиш боғлари, маданият уйлари ва театрлар, цирклар, планетарийлар, ҳайвонот боғлари, ботаника боғлари ва ҳ.к.);

Кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

• маҳсус бино ва иншоотлар – маъмурий (милиция, суд, прокуратура, ҳокимият органлари), ҳайкаллар, меъморий иншоотлар, вокзаллар, портлар ва ҳ.к.;

г) **муҳандислик иншоотлари** – сугориш иншоотлари, дренаж ва ҳ.к.

Бу гурухларнинг ҳар бирини турли хил типологик мезонларга таянган ҳолдаги тақсимот асосида кичик гурухларга ажратиш мумкин.

Фуқаролик қонунчилиги қурилиши тугалланмаган обьектларни сотиб олиш ва ҳуқуқларнинг шахсдан шахсга (жисмоний, юридик) ўтиши масалаларида ҳеч қандай чекловлар қўймайди, аммо бундай обьектлар иштирокидаги битимларни фақатгина обьектга бўлган эгалик ҳукуқини рўйхатдан ўтказгандан сўнггина амалга ошириш мумкин.

1. 2. Турар жой обьектларининг умумий таснифи.

Турар жой обьектларининг умумий (кенг тарқалган) таснифланишини қўйидаги асослар бўйича кўриб чиқамиз:

1. Турар жой истеъмолчиларининг маҳсус гурухи ҳоҳишлари (*маркетинг ёндошуви*) ва уларнинг тўлов қобилияtlари даражасига қўра қўйидагилар ажратилади:

A) Юқори даражадаги кулайликларга эга (юқори нуфузли) турар жой.

Ҳар бир давр ва мамлакатда турар жойнинг юқори нуфузли даражага мос бўлишининг ўзига яраша қарашлари бор. Масалан, бир неча ўн йилликлар аввал сабиқ СССРда «Сталин» ва «ЦК» уйлари деб номланган уйлар юқори нуфузли уйлар деб хисобланган. Уларда партиянинг юқори раҳбарлари, ҳукумат арбоблари, таниқли олимлар, халқ артистлари, яъни совет жамиятининг ёрқин намоёндалари яшашлари мумкин бўлган.

Бизнинг кўчмас мулк бозори мутахассисларимиз юқори нуфузлиликнинг 8 та мезонини кўрсатиб ўтдилар. Улардан биттагинасининг етишмаслиги ҳам уйнинг юқори нуфузлилик мақомига эга бўлишини сезиларли даражада пасайтиради:

- жой – ёруғ, тоза, ижобий энергетикали. Уй олди ҳудуди албатта кўкаlamзорлаштирилган, дам олиш ва болалар майдончасига эга, нисбатан очик, аммо тўсилган ва қўриқланадиган бўлиши керак. Шаҳар хиёбонига яқин жойлашиши ва ҳ.к., деразалардан чиройли манзара: сув ёки яшил экинлар кўриниб туриши, марказга яқин бўлиши шарт;

- уй замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ишончли экологик материаллардан қурилган бўлиши, қизиқарли архитектуравий ечим ва қўп сонли хонадонларга (5 дан 30 гача) эга бўлиши лозим. Кўп ҳолларда шохоналик архитекторнинг номи билан белгиланади;

- ҳамжиҳатлик - нафақат яшаш жойи, балки ён – атрофда яшовчилар: уларнинг ижтимоий, маданий, молиявий даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Одатда, шохона уйларда шаҳарликларнинг юқори даромадга эга қатлами (“ўрта қатлам” намоёндалари эмас) истиқомат қиласди. Юқори нуфузли турар жойнинг ижтимоий – маданий бирлиги айнан уй унда яшовчилари билан

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

(келажакда – даҳа) ҳисобланади. Майдондаги хонадонлар сони иккитадан ошмаслиги керак;

- эн ergo ва иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқава чиқариш, ҳавони шамоллатиш ва мўтадиллаштиришнинг мажмуавий ечимини тақдим этувчи муҳандислик тармоқлари; электр қурилмаларни ишга тушириш икки босқичли бўлиши зарур. Иситиш қўйидаги уч хил тизимлардан бирини танлаш орқали амалга оширилади: ҳаво орқали, радиаторли, пол остидан ва уларнинг аралаш қўлланилиши. Тизимлар: спутникли телевидение, оптик толали алоқа тизими, интернет тармоқлари, замонавий қўриқлаш ва ёнғин ҳавфсизлиги сигнализациялари, ички коммуникацияларнинг кенгайтирилган тармоғи. Киришнинг замонавий электрон тизимлари, видеокузатув, компьютерлашган диспетчерлик. Етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг шовқинсиз лифтлари (*KONE, Otis, Tissen*). Бундай тизимлар лойиҳалаштириш босқичида, ривожлантириш ва кенгайтирилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, кўзда тутилиши керак. Муҳандислик тизимлари экологик тоза материалларда бажарилиши ва узоқ эксплуатация муддатига эга бўлиши керак;

- уйнинг инфратузилмаси ўз ичига қўйидагиларни олиши керак: хонадон ёки қаватга кўтарилиш мумкин бўлган ер ости авто улов тўхташ жойи, ички ҳовли ёки уй олди яшил зонаси, дўконлар, кир ювиш хоналари; консьержлар, уй тозалаш, майший хизмат кўрсатиш хизматлари; ҳовузлар, сауналар, спорт марказлари, гўзаллик салонлари, болалар ўйинхонаси, буларнинг ҳаммаси кўчмас мулк обьекти таркибига киритилган бўлиб, ташқаридан бегоналарнинг кириши таъқиқланади, бу уйда яшовчилар ташқарига чиқмаган ҳолда мазкур хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари керак;

- уйнинг нуфузи. Мазкур юқори нуфузли уй – бу унга хос хусусиятларга эга брендdir: номи, тарихи, ноёблиги, аналоглардан фарқи ва ҳ.к. Бундай уйда яшовчилар унинг номини айтганларида, унинг манзилини айтишларига ҳожат қолмайди – ҳамма қайси уй ҳақида гап кетаётганини тушуниб олади.²

- кўчмас мулкни бошқариш. Уйнинг нуфузи нафақат юқорида келтирилган мезонларга, балки яшовчилар ўзларининг юқори қатлам намоёндалари эканликларини доимо сезиб туришларини таъминловчи шароитни яратиб берувчи бошқарувчи компаниянинг даражасига ҳам боғлик;

- регионларда нархлар турличадир, масалан Тошкентда шохона уйларнинг нархи \$100-300 минг атрофида бўлса, Навоида бу кўрсаткич \$80-150 минг атрофида.

Б) Юқори қулаликларга эга уйлар “ўрта табақа” деб қабул қилинадиган фуқароларнинг талаблари ва даромадларига қараб белгиланади. Бу турдаги уй жойга бўлган истеъмол талаби қўйидагиларни назарда тутади:

² Масалан, «Жемчужина Петербурга», «Янтарный берег», «Золотая долина», «Изумрудный остров», «Гlorия парк», «Северное сияние», «Бельведер», «Консул», «Золотая гавань», «Морской каскад», «Монблан» ва бошқалар

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

- арzon панелли уйларнинг, оммавий қуриладиган жойлардан ташқари, шаҳарнинг исталган туманида жойлашиш имконияти;
- деразалардан кўриниб турувчи чиройли манзаралар;
- индивидуал лойиҳа (қаватлар баландлиги, ора ёпмалар ва бошқа конструктив қисмлар мулкдорнинг ҳоҳишига қараб ўрнатилади);
- хонадоннинг минимал ўлчами $60 - 90 \text{ m}^2$, максимал ўлчами эса буюртмачи талабига қараб аниқланади;
- турар жой ва нотурар жой (мехмонхона) зоналарга бўлиниши;
- бир нечта санузелларнинг мавжудлиги;
- юқори даражали товуш ва иссиқлик ҳимоялаш қобиги;
- самарали шамоллатиш тизими, кондиционерлар, телекоммуникация тармоқлари, юқори тезликда ишловчи лифтлар, бошқарилувчан иситиш тизими ва ҳ.к.
- шаклан квадратга яқинлаштирилган икки ва ундан ортиқ алоҳида хоналар ҳамда катта (майдони 15 m^2 дан кичик бўлмаган) ошхоналарнинг мавжудлиги;
- сутка давомида қўриқланиши. Кўриқлашнинг концепцияси ҳар бир аниқ уй учун алоҳида ишлаб чиқилиши лозим. Кўриқлаш қурилмалари мажмуининг таркибига видеокамералар, домофонлар, видеофонлар, масофадан бошқарилувчи дарвозалар ва яшовчиларга уйда ўзларини тўлиқ ҳавфсиз ҳис қилишларини таъминловчи кўплаб бошқа тизимлар киради;
- ишлаб чиқарувчининг сифати билан машхур қўш қават ойнали ёғоч ёки пластик деразалар;
- ишончли металл эшиклар;
- бетон қоплама ва иситиш тизими ёки иссиқлик сақловчи пол конструкцияси;
- металлопластикли муҳандислик коммуникациялари;
- авто улов тўхташ жойлари;
- шифтнинг баландлиги $2,8-3,2 \text{ m}$;
- уйнинг деразалари бирдан ортиқ қутбларга қарashi мўлжал қилиниши;
- албатта уй лойиҳасида шамол йўналиши “роза ветров” нинг ҳисобга олинганлиги;
- уйнинг баландлиги 9 қаватгача бўлиши;
- уй атрофида турли қурилишларнинг зич жойлашмаганлиги.

Шаҳар чеккасида жойлашган кам қаватли уйлар ўзларининг юқори мустаҳкамликлари, узоқ хизмат муддатлилиги ва деворларнинг кам иссиқлик ўтказувчанлиги, ҳамда муҳандислик тармоқларининг мавжудлиги билан ажralиб туриши керак.

B) Ананавий (типик) турар жой. Бу турдаги турар жойни “тежамкор тоифага киравчи” уй-жойлари деб ҳам аташади, унга қуйидагилар хос:

- шаҳарнинг исталган ерида жойлашиш;

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

- архитектура-режалаштириш қўрсаткичларининг замонавий қурилиш меъёр ва қоидаларига мос келиши;
- конструктив-технологик қўрсаткичларига кўра бу – панелли ва ғиштли-монолит уйлар.

Тошкент шаҳрида бирламчи кўчмас мулк бозорида панелли уйлар 44%, ғиштли ва ғиштли-монолит уйлар 45 % ни ташкил қилади.

Шаҳар четидаги кам қаватли қурилишлар учун нафақат техник қўрсаткичлар, балки ижтимоий – майший соҳанинг асосий обьектлари билан таъминланганлик ҳам хосдир.

Г) Истеъмол сифати паст бўлган турар жой (куйи эконом-класс). Бу турдаги турар жойга талаблар у қадар юқори эмас, чунки у кам таъминланган, тўлов қобилияти паст бўлган аҳоли учун мўлжалланган:

- шаҳарнинг нуфузли бўлмаган туманларда жойлашади;
- асосий транспорт коммуникацияларидан узоқда жойлашади;
- капитал таъмирлаш ва қурилиш ишлари олиб борилмаган “Эски” фонд бинолари ва индустрисал уй қурилишининг биринчи авлод уйларига мансуб бўлади;
- хонадонлар бошқа турдаги уйларнинг биринчи қаватида жойлашади;
- архитектура-лойиҳалаш қўрсаткичлари паст ва ҳ.к.

2. Шаҳарсозлик қўрсаткичлари асосида қўйидагилар ажратилади:

- революциягача бўлган даврда қурилган, тарихий, ноёб уйлари;
- 1917-1930 йилларда қурилган уйлар, архитектура-лойиҳалаш ечимларининг аниқ чегараланганлиги билан ажралиб туради, ҳозирги кунда юқори нуфузга эга бўлмасада, аммо конструктив – технологик қўрсаткичлари юқори даражада;
- саноат зоналаридан йироқда, нуфузли туманларда жойлашган “сталин” уйлари;
- паст архитектура – технологик қўрсаткичларга эга индустрисал уй қурилишининг биринчи авлод уйлари (“хрушёвкалар” 1960 йй.);
- 1970-1980 йилларда, шаҳарсозлик лойиҳаларида нисбатан юқори меъёр ва стандартлар ишлатилган даврда қурилган, индустрисал уй қурилишининг иккинчи авлод уйлари;
- қўрсаткичларнинг турли-туманлиги билан ажралиб турувчи замонавий турар жойлар.

3. Ташқи деворларининг материали бўйича бинолар қўйидагича фарқланади:

- ғишт деворли уйлар;
- панелли, монолит, ёғоч ва аралаш турдаги уйлар.

4. Фойдаланишнинг давомийлиги ва ҳарактери бўйича уйлар қўйидагича фарқланади:

- бирламчи – доимий турар жой;
- иккиламчи – белгиланган вақт мобайнида фойдаланиладиган турар жой, дала ҳовли;

Кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

- учинчи даражали – қисқа вақт мобайнида фойдаланишга мўлжалланган турар жой (мехмонхона, ётоқхона ва х.к.).

Хўзирги кунда, учинчи минг йилликнинг бошида, замонавий индувидуал лойиҳаларда **манкарда**³ қайта туғилиш даврини ўтказяпти.

Хозирги кунда, Тошкентда ҳам кўпчилик, индивидуал лойиҳа асосида қурилган, офис ва шаҳар турар жой бинолари олдиндан лойиҳалаштирилган мансардага эга. Кўпинча, кўп қаватли биноларда охирги қаватда жойлашган хонадонни ҳарид қилган инсонлар, бир йўла чордоқни ҳам сотиб олган ҳолда, уни мансардага айлантироқдалар.

Мансарда кўп қаватли хонадоннинг ташкил этувчи қисми сифатида (унда болалар хонаси, дам олиш хонаси, ётоқхона ва ҳаттоқи каминли зал жойлаштирилиши мумкин) ёки қишки боғ сифатида лойиҳаланиши мумкин, у мустақил турар жой сифатида лойиҳаланади ва тегишли равишда кўчмас мулк объекти сифатида расмийлаштирилиши мумкин.

Шаҳардан ташқаридаги кўчмас мулк объектлари учун умумий классификация қўлланилмайди⁴.

Концептуал камқаватли турар жой мажмуи классификациясини аниқловчи асосий мезонлар қўйидагилар:

- шахарсозлик мезони;
- турар жой майдони ва сифати;
- камқаватли турар жой мажмуининг ўлчамлари;
- инфратузилма.

Камқаватли турар жой мажмуалари шахарсозлик мезони бўйича қўйидаги турларга бўлинади:

- алоҳида уйлардан ташкил топувчи даҳалар;
- таун-хауслардан иборат даҳалар;
- кўп хонадонли камқаватли уйлардан ташкил топувчи даҳалар.

Амалиётда тўлалигича аниқ бир турга тегишли даҳалар кам учрайди.

Турар жой майдони ва сифати. Камқаватли турар жой мажмуаларида уйларнинг сифати турли хил бўлади: баъзилари иссиқлик сақловчи материаллар билан тўлдирилган ва қоплама билан ўралган каркасни ёки пахса деворни, баъзилари эса бир неча юз йилликларга хизмат қилувчи ҳақиқий мустаҳкам иморатни ташкил қиласди. Хонадон ва уйларнинг майдони ва тафовутлари: 150 м² майдонга эга таун-хауслар ва бир вақтнинг ўзида 400 м² майдонга эга таун-хауслар мавжуд; бир хонали хонадонларга эга ёки 200–300 м² ли апартаментларга эга камқаватли уй қуриш мумкин. Шу мезондан келиб чиқиб турларни аниқ ажратиш мураккаблашади.

Камқаватли турар жой мажмуининг ўлчамлари. Кўпчилик мажмуаларда уйлар катта бўлмаган майдонларда мужассамлаштирилган, аммо мажмуада кўп қисми қурилишлардан ҳоли бўлган жуда катта майдон

³ XVII асрда француз архитектори Франсуа Мансар «Мэзон-Лаффит» саройининг қурилишида қўшимча турар жой сифатида бир қанча чордоқ хоналаридан фойдаланишни таклиф қилган. Ечими оддий ва ноёб бўлган: у қаср томини ҳашаматли деразалар билан жиҳозлаган. Тарихда биринчи маротаба, томдаги кичкина тор хоналар апартамент мақомига эга бўлган, шу даврдан эътиборан бундай хоналарни ихтиорочининг номига мансарда деб атала бошланган.

⁴ «Загородное обозрение» журналининг № 9-11, 2005 г. Сони маълумотларидан фойдаланилган.

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

мавжуд бўлади. Хусусий ҳовлиниң энг яхши ўлчами 20-40 соток. Бу эса ўз навбатида қўшнилардан етарлича масофада жойлашиш имкониятини беради.

Инфратузилма мезони. Бу мезонга асосланган ҳолда шартли равища камқаватли қурилишнинг уч турини фарқлаш мумкин:

- инфратузилма деярли мавжуд бўлмаган, бўш майдон эса минимал даражада бўлган камқаватли мажмуалар;

- инфратузилманинг минимал унсурларини ўз ичига оловчи камқаватли мажмуалар (ҳозирги кунда қўпчиликни ташкил қиласди). Одатда, бу умумий қўриқлаш ва эксплуатация хизматларига эга бўлган бир нечта уйлардир. Кўпинча бундай мажмуалар ҳудудида дўконча, баъзида эса ҳовуз жойлашган бўлади;

- инфратузилма билан максимал даражада бойитилган камқаватли турар жой мажмуалари. Бундай мажмуаларда ижтимоий, маданий ва болалар муассасалари жойлашади, ҳамда ўзининг майший, муҳандислик ва кўнгилочар инфратузилмалирига эга бўлади. Кўриқланувчи ҳудуди катта.

“Таун-хаус” – кўчмас мулк бозорида кўп хонадонли турар жой мажмуаси маъносида амал қиласди. Кўпинча “таун-хаус”ни коттежга тенглаштирадилар, бу нотўғри фикр, чунки у шаҳардан ташқарида эмас, балки шаҳарнинг ўзида жойлашади. Ўзбекистонда “таун-хаус” атамасини алоҳида киришларга, қўшни уйлар билан битта ёки иккита умумий деворга ва умумий пойдеворга, баъзида ер улушига эга бўлган кўп қаватли уйларга нисбатан қўллаш мумкин. Одатда, уйлар 6-12 тадан қатор қилиб қурилади, уларнинг ташқи кўриниши ер участкасининг ўлчамлари ва шаклига боғлиқ бўлади. Таун-хауслар кўп хонадонли уй мақомига эга бўлганлиги сабабли, одатда уларга нисбатан бундай обьектлар ҳолатини тартибга солувчи қонунлар қўлланилади. Таун-хауслардаги мулк эгаларининг ўзаро муносабатлари ҳудди кўп хонадонли уйлар эгалари ўртасида кечадиган муносабатлардек шаклланади. Таун-хаусда яшовчиларга, умумий улушли эгалик ҳуқуқи асосида, бирдан ортиқ уйга хизмат қилувчи хона ва майдонлар тегишли бўлади, аникрофи: зинапоя майдончаси, зинапоялар, йўлаклар, чордоқлар, муҳандислик коммуникациялари ва бошқа хизмат кўрсатувчи жиҳозлар жойлашган ертўлалар, шунингдек уйнинг таянч ва таянч бўлмаган конструкцияларни ўраб турувчи девор ва томлар, уйда бинолар ташқарисида ёки ичидаги жойлашган механик, электр, санитар-техник ва бошқа ускуналар, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш элементларига эга, уй жойлашган ер участкаси, шу ер участкасида жойлашган, уйга хизмат қилиш, уни ободонлаштириш ва эксплуатация қилишга мўлжалланган бошқа обьектлар.

Индивидуал турар жой бинолари (ИТЖБ) типологиясининг асосида уйнинг мақсадли қўлланилиш соҳаси ётади.

Бунда шартли равища, ҳар бири ижтимоий муҳит, коммуникациялар тўплами, муҳандислик конструкциялари ва архитектуравий ечимларга алоҳида талаблар мажмуи сифатида намоён бўлувчи, ИТЖБнинг асосий турларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Шаҳарда жойлашган хонадонда мавжуд қулайликлар доимий яшашга мўлжалланган индивидуал уйда ҳам мавжуд бўлиши шарт. Бунда нафақат

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

муҳандислик коммуникациялари (водопровод, магистрал газ, канализация, телефон), балки (биринчи навбатда) – ижтимоий инфратузилма ҳам назарда тутилади.

Йилнинг исталган вақтида дам олиш кунларини ўтказишига мўлжалланган шаҳар ташқарисидаги дала ҳовли шаҳардаги қулайлик атрибутиларига у қадар муҳтож бўлмасада, “яхши ҳолат”да бўлиш учун ўз эгасидан доимий куч сарфини талаб қиласди. Бадавлат уй соҳиблари учун келган пайтларида мулк инвентаризациясига ва коммуникацияларни созлашга вактларини сарфламасликларини инобатга олган ҳолда турли-туман интеллектуал қўриқлаш ҳамда таъминот тизимлари йўлга қўйилган, шунингдек, бундай турдаги уй (ҳафтада 2-3 кун яшалади) қўриқланадиган дала ҳовли посёлкаси ёки боғдорчилик хўжалигида жойлашиши мумкин, аммо доимий яшовчи аҳолиси мавжуд бўлган массивларга мулқдорлар томонидан алоҳида урғу берилади. Бундай ҳовлиларда қулайлик ва коммуникациялар мажмую минималлашади (печка ёкиб иситиш, электроэнергия, ичимлик суви), шаҳар ваннаси ўрнига эса ҳаммом афзал қўрилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тобора кенг тарқалаётган *тўртинчи гуруҳга бутунлай ёки қисман тижорат мақсадида фойдаланишига мўлжалланган объектларни* киритиш мумкин.

Уларга маъмурий бинолар-офислар, ҳамда дам олиш ва хизмат вазифаси бўйича ҳамкорларни қабул қилишга мўлжалланган резиденцияларни мисол қилиш мумкин. Бундан ташқари, кичик ва хусусий бизнес вакиллари учун уйлар ҳам шулар жумласига киради. Одатда, уларнинг барчаси хўжалик хоналари ёки ички қурилишларни ўз ичига оловчи, мижозларнинг эркин киришлари мумкин бўлган бинолардир: кичик хусусий дўконлар, кафелар, спортзаллар, майший хизмат кўрсатиш хоналари, автомобиль тузатиш шоҳобчалари ва ҳоказолар.⁵ Бундай объектларни лойиҳалаштиришда “фаолиятни ташкил этиш (офислар)” ва тижорат зоналари ажратилади. Ривожланган мамлакатларда ижарага бериладиган дала ҳовлилар, кичик хусусий меҳмонхоналар, ижаракиларга ажратилган хоналарга эга уйлар ҳам айнан шу категорияга тегишилдири. Бундай объектларга максимал даражадаги фаолиятни ташкил этиш имконияти ва амалий жиҳатдан қулайлик талаблари қўйилади.

Шунингдек, шаҳар ташқарисидаги турар жой бинолари бозори нарх тоифаси бўйича ҳам таснифлаш мумкин. Турли регионларда бу бўлиниш турлича фарқланади. Аммо барча ҳудудларда жойлашган шаҳар ташқарисидаги уйларни икки қисмга ажратиш мумкин: оммавий, “қиммат бўлмаган” турар жой (Тошкент шаҳри атрофидаги, масалан Тошкент шаҳри атрофидаги Барданқўл ҳудудида бундай уй-жойнинг қиймати m^2 учун \$100-500, Тошкент вилояти Чорвоқ ГРЭси ҳудудида эса \$50-300) ва юқори даражадаги қулайликларга эга (юқори нуфузли) турар жой, m^2 учун \$1500 (юқори чегараси белгиланмаган).

⁵ Батафсил маълумот: “Малоэтажное жилищное строительство” / А. Н. Асаул, Ю. Н. Казаков, Н. И. Пасядা, И. В. Денисова – СПб.: Гуманистика, 2005. 563 с.

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

Жанубий Кореяда турар жой кўчмас мулк объектларининг тўртта асосий турини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу тўрт турдаги турар жойлар жуда ҳам ёш: улар сўнгги уч ўн йилликда пайдо бўлган.

Улардан энг нуфузлилари “апатха” (инглиз тилидан - apartment) деб номланувчи – кўп хонадонли турар жой бинолари ҳисобланади.

Иккинчи турдаги бинолар Кореяда “ёнрип” деб аталувчи бинолар ҳисобланади. Улар ҳам “апатха” лар сингари, лекин камқаватли ва примитив жиҳозланган. “Апатха” ва “ёнрип” лар ўртасидаги асосий фарқ бу уларнинг қаватлари сонида. “Апатха” ларга 5 қаватдан кам бўлмаган бинолар кирса, “ёнрип” лар 4 қаватдан ошиқ бўлмаслиги лозим.

Учинчи тур бинолар – “кўп оилали уйлар” деб номланувчи, ўз ичига 2 дан то 5-6 гача бўлган хонадонларни оловчи катта бўлмаган (2-3 қават ва битта зинапоя майдончаси) уйлар. Битта хонадонда уй эгаларининг ўзи истиқомат қиласи, қолганларини эса ижарага беришади. Ва ниҳоят, сўнгги тўртинчи турдаги турар жойлар бу расмий равишда замонавий корейс уй-жойлари деб тан олинган шахсий уй-жойлар ҳисобланади.⁶

1.3. Даромад олиб келувчи тижорат кўчмас мулк объектлари таснифланиши.

Турар жой уйлари, жамоат биноларидан бошқа ҳеч нарса бўлмаган шаҳарни бир тасаввур қилиб кўринг. Бу албатта, сокинлик, осойишталик бўлишига замин яратади, лекин зерикарли бўлган осойишта жойларни аслида шаҳар деб ҳам бўлмайди. Айнан тижорат кўчмас мулк объектлари шаҳарнинг характеристини белгилаб беради ва инсонлар умрининг энг катта қисмини шу объектлар билан боғлиқ ҳолда ўтказади.

Тижорат кўчмас мулк объектлари асосан шаҳарнинг гавжум жойларида ва шаҳар марказларида жойлаштирилади. Улар шаҳарга визуал кўрк ва фокус бағишлайди. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлаш тизимида ҳаётй муҳим бўлган тугунларни тақдим қиласи⁷.

Тижорат мақсадида фойдаланиладиган кўчмас мулк объектлари икки турга бўлинади: даромад келтирувчи – тижорат обьекти ва даромадни ишлаб чиқаришга шароит яратувчи – саноат (индустриал).

Даромад келтирувчи обьектларга дўконлар ва савдо мажмуалари, меҳмонхоналар ва кўнгилочар марказлар, бизнес субъектлари офислари каби обьектлар киради.

1. Дўконлар ва савдо мажмуалари. Ҳозирги кунда савдо ва умумий овқатланиш – иқтисодиётнинг интенсив равишда ривожланаётган соҳаларидир. Бу соҳаги обьектлар биринчилардан бўлиб давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларидан ўтганлар, бу эса

⁶ A Companion to Urban Economics. RICHARD J. ARNOTT Boston College, Massachusetts DANIEL P. McMILLEN University of Illinois at Chicago. 2010 by Blackwell Publishing Ltd

⁷ A Companion to Urban Economics. RICHARD J. ARNOTT Boston College, Massachusetts DANIEL P. McMILLEN University of Illinois at Chicago. 2010 by Blackwell Publishing Ltd

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

уларнинг бозор иқтисодиёти шароитида фаол ривожланишларига туртки бўлган.

Муҳокама предметини аниқлаштириш учун савдо обьектлари таснифланишида учраб турувчи тушунчаларга таъриф бериш керак. Кўп функцияли савдо мажмуи (КФСМ) – бу тижорат кўчмас мулк обьекти бўлиб, бунда мулкдор мустақил равишда ҳаридорга йўналтирилган савдо ёки бошқа чакана тижорат фаолиятини олиб бормайди; уни амалга оширишга тайёр ҳолатда майдонларни турли хил савдо, хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш ва кўнгилочар соҳалар ташкилотларидан ташкил топиши мумкин бўлган чакана операторларга топширади. Баъзида гипермаркетлар ва супермаркетларни, кенг истеъмол молларига ихтисослашган дўконларни ва ҳаттоқи бозорларни ҳам савдо мажмуалари деб аташади.

Супермаркет – бу алоҳида бино ёки КФСМ таркибида жойлашган, ўз-ўзига хизмат қилиш принципи бўйича ишлайдиган дўкон бўлиб, у асосан озиқ-овқат маҳсулотларига ихтисослашган бўлади. У савдо сотик жараёнининг автоматлаштирилган тизими ва ягона хисоб-китоб хизматига эга бўлади. Улар одатда 5 мингдан ортиқ турдаги маҳсулот ассортименти билан тўлдирилган бўлиб, майдони $700\text{-}1000\text{ m}^2$ дан кам бўлмайди.

Гипермаркет – бу майдони 3-4 минг m^2 дан кам бўлмаган супермаркет бўлиб, одатда алоҳида бинода жойлашади, кам ҳолатларда КФСМ таркибида учрайди, 10 мингдан ортиқ турдаги маҳсулот ассортименти билан тўлдирилган бўлади, шу ўринда ноозик-овқат турдаги маҳсулотлар ҳам ассортимент таркибиға киради.

Кенг турдаги истеъмол молларига **ихтисослашган дўконлар (универмаглар)** – бу майдони 1 минг m^2 гача бўлмаган, алоҳида бинода ёки турар жой биноси биринчи қаватига қўшимча қурилган савдо ташкилотидир. У ягона бошқарув ва ассортиментни жойлаштириш қоидалари билан бирлаштирилган, турли бўлимларга эга бўлган ҳар бир бўлим алоҳида ҳисоб-китоб-касса бўлмига эга бўлади ва дўконда алоҳида гурухга киравчи молларни реализация қилинадиган ассортимент қаторларини таклиф қиласди.

КФСМни савдо ёки бошқа чакана савдо майдонлар ижарачилари фаолият юритадиган бошқа обьектлардан фарқловчи базавий тамойил ва қоидаларини кўриб чиқамиз:

- ✓ ижарачиларга факатгина эксплуатацияга тайёр майдонларни топшириш;
- ✓ барча ҳаражатларни ижара тўлови таркибиға киритиш;
- ✓ барча КФСМ ижарачилари учун хоналар дизайнни ва маҳсулотларни тақдим этиш методларининг ягона концепцияси;
- ✓ мажмуа эгасининг ассортиментга, иш графигига, хизмат кўрсатиш сифатига ва ҳ.к.ларга бўлган талабларига ижарачиларнинг риоя қилишлари;
- ✓ КФСМ бўйича ҳавфсизлик ва маълумотлар хизматининг ягона тизимлари;
- ✓ ҳаридор ва мижозларнинг шахсий автотранспортлари учун тўхташ жойлари.

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

2. Мехмонхоналар⁸ ва кўнгилочар кўчмас мулк объектлари. Исталган мамлакатда бундай кўчмас мулк объектларининг таснифланиши моддий-техника таъминоти, кўрсатиладиган хизматлар номенклатураси ва сифати, ҳамда хизмат кўрсатиш даражасига бўлган талаблар мажмуасига асосланади.

Маиший қулайлик даражаси – меҳмонхона даражасини белгиловчи энг асосий ва ҳал қилувчи омил. Ҳар бир мамлакатда таснифлаш мезони сифатида маиший қулайликнинг ўз стандарти қабул қилинган. Бу вазият, ҳамда маданий-тарихий ва миллий қадриятлар билан шартланган бир қатор омиллар бутун дунё учун меҳмонхоналарнинг ягона таснифланиш тизимини киритиш имконини бермайди. Баъзида, ҳаттоки бир мамлакат ҳудудида ҳам таснифлашнинг бир нечта усуllibаридан фойдаланилади. Мисол учун, Буюк Британияда меҳмонхоналар сервис ва меҳмондўстлик даражаси, персоналнинг юқори нуфузи, хоналар ва жамоат зоналарини ободонлаштириш даражаси, таомлар сифати, яъни ташкилотга ўзига хос сайқал берувчи ва обьектив баҳолашга йўл қўймайдиган омилларга асосан баҳоланади.

Хозирги кунда меҳмонхоналарни маиший қулайлик даражаси бўйича таснифлашнинг 30 хил усули маълум. Улардан энг кўп тарқалганлари қўйидагилар:

- *европача усул (юлдузлар усули)* – унинг асосида меҳмонхоналарни бирдан бешгача юлдузлар билан белгиланган даражаларга бўлиш ётади, Франция, Венгрия, Миср, Хитой, Россия, Ўзбекистон ва бошқа кўплаб мамлакатларда қўлланилади;

- *ҳарфлар усули (A, B, C, D)* – Грецияда қўлланилади ($A = 4^*$, $B = 2^*$, $C = 3^*$, $D = 1^*$);

- *тоҷслар усули* – Буюк Британияда қўлланилади;

- *разрядлар усули* – собиқ СССР ҳудудида: люкс, юқори A, юқори B, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи.

Меҳмонхона турига кирувчи кўчмас мулк обьектларига, хусусан, қўйидагилар киради:

- *юқори тоифали меҳмонхона* – сифими бўйича, одатда, шаҳар марказида жойлашадиган хизмат кўрсатиш корхоналари туркумига киради. Яхши ўргатилган персонал энг нозик дидли мижозлар талабини қондира оладиган сервис даражасини таъминлайди. Нархлари юқори хоналарга уларнинг нуфузига хос турли хил хизматлар кўзда тутилади;

- *ўрта тоифали меҳмонхона* - сифими бўйича юқори тоифали меҳмонхонадан каттароқ (400-1000 ўринли) бўлади. Шаҳар маркази ёки шаҳар ичida жойлашади. Регион нархлари даражасига мос келадиган ёки бир мунча юқорироқ нархлар бўйича кенг қамровли хизматлар доирасини таклиф қиласди. Тадбиркорлар, сайёхлар бошқа турли қатлам учун конференция-анжуманлар иштирокчилари каби мижозларни қабул қилишга мўлжалланган;

⁸ Жаҳон ва Европа стандартлари бўйича ҳар бир минг шаҳар ахолиси учун 14-15 хонага эга бўлиши керак. Санкт-Петербургда 2006 йилда 18500 хонага эга 331 та меҳмонхона фаолият кўрсаётган.

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

• **апартамент-мехмонхона** – 400 тагача ўрин. Доимий аҳолига эга бўлмаган, йирик шаҳарга хос. Хоналар – хонадон типида, ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш тамойилига асосан ишлайди ва улардан вақтингчалик турар жой сифатида фойдаланилади. Нархлар, одатда, яшаш муддатларига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Апартаментлар асосан узоқ муддатга қолувчи оилавий сайёҳлар, тадбиркорлар, коммерсантларга хизмат қиласди;

• **курорт-мехмонхона** – сифими бўйича сезиларли фарқланади, ҳамда маҳсус тиббий, соғломлаштириш хизматлари ва пархезли овқатланишни ўз ичига олувчи тўлиқ хизматлар тўпламини таклиф қиласди. Коида бўйича, бундай меҳмонхоналар курорт жойда жойлашади;

• **мотель** – шаҳардан ташқарида, автомагистралга яқин жойда жойлашадиган, оддий, бир ёки икки қаватли бинолар. Улар – кичик ва ўрта корхоналар. Кам сонли (минимал) персоналга эга, хизмат кўрсатиш даражаси ўртacha. Турли хил категориядаги сайёҳлар мижоз бўла олади;

• **ВВ типидаги хусусий меҳмонхона (ётиқ ва нонушта)** – сифими кичик, баъзида ўрта. Шаҳар чеккаси ёки қишлоқда жойлашади. Коида бўйича, нонушта ва хонаки, енгил, кечки овқатлантириш хизмати кўрсатиш киради. Уларда уй шароитига интилувчи коммерсантлар ва маршрутли сайёҳлар мижоз бўладилар. Бу турдаги меҳмонхоналар АҚШ да кенг тарқалган;

• **гарни-мехмонхона** – чекланган хизматлар спектрига эга бўлади. Уларда мижозни жойлаштириш, чакана савдо хизматини ташкил этиш ва континенталь нонушталар ташкил этилади;

• **пансион** – оддий стандарт ва чекланган хизматлар спектрини таклиф қиласди. Гарни-меҳмонхоналардан фарқли равища, фақатгина уларда яшовчилар учун нонушта, тушлик ва кечки овқатлар берилади.

• **мехмонхона ҳовли** – хизматларнинг содалаштирилган стандарти, кичик сифими, бир қатор хизмат хоналарининг (холлар, вестибюллар, заллар ва ҳ.к.) йўқлиги билан ажralиб туради. Мехмонхона ҳовли структурасида ресторон ёки барнинг мавжуд бўлиши шарт;

• **ротель** – ҳаракатланувчи меҳмонхона, ўриндиқлар жойлашган икки бўлмали вагон кўринишида бўлади. Кийиниш, ҳожатхона, ваннахона, музлатгич учун бўлмаларнинг бўлиши шарт;

• **ботель** – сувда сузувлар катта бўлмаган меҳмонхона, маҳсус жиҳозланган кемадан фойдаланилади;

• **флотель** – кўпинча “сувдаги курорт” деб аталадиган, йирик меҳмонхона. Сайёҳларга шинам ва қулай хоналар, кенг қамровли хизматлар таклиф қилинади: ҳовузлар, сув чанғилари, балиқ овлаш учун жиҳозлар, сув остида сузиш ва сув ости ови учун мосламалар, тренажёр заллари, конгресс ва конференциялар учун заллар, кутубхоналар, турли хил маълумотли таъминот (телефон, телекоммуникация, телевизор ва ҳ.к.). Охирги вақтларда тез-тез бизнес-турлар, конгресс-круизлар ва таълим турларини ташкил қилиш мақсадида фойдаланилади;

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

• **флайтель** – аэромехмонхона ёки “учувчи меҳмонхона”. Жуда қиммат ва камсонлимеҳмонхона тури. Метеорология хизмати алоқаси билан жиҳозланган.

Ўзбекистонда юқори классли меҳмонхоналар, ўрта классли меҳмонхоналар, мотеллар, пансионлар, меҳмонхона ҳовлилар, ҳамда сузувчи меҳмонхоналар мавжуд. Мамлакатимизда меҳмонхоналар таснифлашнинг аралаш турига киради. Уларда асосан учта даражада мавжуд: иқтисодли, ўрта ва биринчи ёки юқори, шунингдек, КМК 97-12-36 га биноан “юлдузлар” усул элементлари ҳам учрайди.

Меҳмонхоналарга “юлдузлар” берилиши экспертиза ўтказилгандан сўнггина амалга оширилади.

Йирик шаҳарларда маданий оқартув тадбирлари ўтказиш индустрясига киритиш мумкин бўлган кўчмас мулкларнинг ривожланиши жадал тус олмоқда. Булар: маданий-ишбилармон ва маданий-хордиқ марказлари, модалар уйлари, бильярд заллари, фитнес марказлари, теннис кортлари, аквапарклар, боулинглар ва бошқа маданий оқартув обьектлари.

Рекреацион ва ижтимоий-маиший кўчмас мулк обьектлари қурилиши ҳам ривожланмоқда.

3. Офис бинолари. Ҳар бир регионда бизнес-марказларни таснифлашда бино у ёки бу синфга тегишлилигини аниқлайдиган турли хил омиллар ҳисобга олинади. Одатда, унинг жойлашган жойи; техник даражаси ва типи; бинонинг сифати (пардоз ишларининг даражаси, фасаднинг ва марказий киришининг ҳолати, лифтларининг мавжудлиги); менеджментнинг сифати (бошқарувчи компания, ижаракилар учун қўшимча хизматларнинг мавжудлиги) ва бошқалар кўзда тутилади.

Танланган категориялар вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин, чунки биноларни модернизация қилиш эҳтимоли мавжуд.

Ҳозирги кунда Тошкентда 70% дан ортиқ офис бинолари ижарага берилади ва фақатгина 20-25% и сотилади. Офис биноларининг савдо бозори ижара бозорига қараганда анча ноаниқ. Битимларнинг кўпчилиги воситачисиз амалга оширилади. Шу билан бирга иккиласми бозорда асосий ҳажимни инвестицион ҳаридлар ташкил қиласди.

Статистика бўйича, мамлакатимизда 70% га яқин ташкилотлар С категорияли офисларни афзал кўради. Булар мижозлар билан тўғридан-тўғри алоқада бўлмайдиган компаниялардир.

Саноат корхоналари яқинида ёки уларнинг ҳудудида шакллантирилган офис марказлари (D категория) нинг жозибадорлик омиллари орасида қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш лозим:

ижобий томонлари:

- паст ижара ставкалари, қўшни корхона ҳудудида хусусий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имконияти;
- заводнинг омборхоналаридан фойдаланиш имконияти;
- оғиснинг хусусий ишлаб чиқариш, омборхона, гаражга яқин жойлашиши.

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

салбий томонлари:

- шаҳар марказидан узоқлиги, юқори бўлмаган сервис даражаси;
- экологик жиҳатдан яхши бўлмаган туманларда жойлашиши;
- бинонинг олдинги мулкдор корхонаси муҳандислик инфратузилмасига тобелиги.

4. Гараж-тўхташ жойлари (автопаркинглар) тижорат кўчмас мулки обьектлари сифатида индивидуал маҳсус лойиха асосида қурилган ва вақтинчалик, қўшимча қурилиш сифатида қурилган гаражлар, ҳамда паркингларга бўлинади.

Индивидуал лойиха асосида қурилган гаражлар – автомашиналарни сақлаш учун мўлжалланган алоҳида турувчи ёки бир ҳудудда гурухланган катта бўлмаган ёпиқ бир қаватли қурилишлар (бокслар). Бундай гаражлар, одатда, стандарт ўлчамларга эга бўлади – 18 м², лекин бошқача ўлчамдаги гаражлар ҳам учрайди, шу ҳисобдан 2 автомобиль учун мўлжалланганлари ҳам.

Паркинг – бу алоҳида турувчи бир ёки кўп сатҳли ёпиқ қўриқланадиган иншоот бўлиб, у маҳсус белгиланган жойлар ёки боксларга эга, факатгина автомобиллар тўхташи ва сақланишига ихтисослашган. Юқоридаги сатҳларга автомобиллар иншоот чеккасида жойлашган серпантиналар (айланма ёки илонизили йўл) ёрдамида кўтариладилар.

Паркинглар асосан турар жой биноларига нисбатан қулай, истеъмолчиларга яқин жойларда бўлади. Паркинглар оддий гаражларга қараганда бир қатор афзалликларга эга: қурилиш майдонининг тежалиши, ташқи жозибадорлик ва ҳ.к. Паркинглар ва ер ости гаражлари нисбатан узоқ муддатга берилади.

Қўшимча сифатида қурилган гаражлар (турар жой биносининг пастки қаватига қурилган ёки унга қўшилган) - бу маҳсус белгиланган жойлар ёки боксларга эга, автомобиллар тўхташи ва сақланишига ихтисослашган иншоот. Паркинглардан фарқли равишда қўшимча сифатида қурилган гаражлар – бу бошқа мақсадда қўлланиладиган бинонинг (қисми) давомидир.

Тошкентда қўшимча сифатида қурилган гаражлардаги битта тўхташ жойининг ўртacha нархи бир йилда деярли 3 млн. сўмни ташкил қиласиди, бу эса шаҳар бўйича паркингдаги жой нархининг ўртачасидан анча юқорироқ. Нархларнинг фарқи анча каттта: битта машина-жой учун 1 млн. сўмдан 3 млн. сўмгача бўлади.

Кўшимча сифатида қурилган гаражлардаги тўхташ жойининг нархига жойни ташкиллаштириш, битта жойнинг ўлчами, чиқиши жойидан узоқлиги каби омиллар таъсир қиласиди.

Автомашина тўхташ жойи (автостоянка) – автотранспорт воситаларини жойлаштириш ёки сақлаш учун мўлжалланган бино, иншоот (бино, иншоотнинг қисми) ёки маҳсус очиқ майдон.

Одатда, шаҳарда яқин 5-6 йил ичидаги қурилишлар режалаштирилмаётган ҳудудларни вақтинчалик ижара шартномаси асосида автомашина тўхташ жойи мажмуалари учун берилади. Бундай ҳаракат билан шаҳар ҳукумати бўшлиқлар муаммосини ҳал қиласиди ва туман бюджетларини тўлдиради.

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

Кўчмас мулк бозорининг бошқа секторлари каби гараж ва автомашина тўхташ жойи бозори ҳам бирламчи ва иккиламчи турларга бўлинади, улар эса ўз навбатида – олди-сотди (товар) ва ижара (хизмат) бозори турларига ажратилади.

1.4. Ижтимоий соҳа кўчмас мулк объектлари тавсифи ва гурухланиши.

Фойдаланиш мақсадларига кўра бино ва иншоотлар икки гурухга, ишлаб чиқариш ва ноишлабчиқариш объектларига бўлинади. Ноишлабчиқариш мақсадларда фойдаланилаётган бино ва иншоотларнинг асосий қисмини ижтимоий соҳа бино ва иншоотлар ташкил этади ва улар қурилиш тармоғи меъёрий хужжатларда **туаржой-фуқаролик мақсадларида фойдаланилаётган объектлар** деб номланади.

Туаржой-фуқаролик мақсадларидан фойдаланилаётган бинолар ўз навбатида уч гурухга бўлинади. Булар:

- туаржой бинолари;
- жамоатчилик-фуқаролик бино ва иншоотлари;
- ижтимоий ва маданий - майший мақсадларда фойдаланилаётган бино ва иншоотлар.

1. Туаржой биноларига:

- а) доимий яшаш учун мўлжалланган ҳовли ва қўп хонадони уйлар;
- б) ўқиш ва ишлаш даврида яшаб туриш учун ётоқхоналар;
- в) қисқа муддатда туриш учун мўлжалланган меҳмонхоналар;
- г) меҳрибонлик уйлари (интернатлар) ва қариялар уйлари бинолари киради.

2. Жамоатчилик-фуқаролик бино ва иншоотларига:

- а) санъат муассасалари бинолари;
- б) илмий изланиш ва илмий хизматлар кўрсатиш мақсадларидан фойдаланилаётган бинолар;
- в) молиявий институтлар (банк, сугурта ва бошқа) бинолари;
- г) жамоатчилик ташкилотлари бинолари;
- д) хизмат кўрсатиш соҳасида фойдаланилаётган (умумий овқатланиш, савдо, алоқа ва бошқа) бино ва иншоотлар;
- е) қурилиш соҳаси ташкилот ва муассасалари (лойиҳа, қидиув, экспертиза ва назорат) бино ва иншоотлари киради.

3. Ижтимоий ва маданий-майший бино ва иншоотларга:

- а) таълим муассасалари бино ва иншоотлари;
- б) соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот ташкилотлари бино ва иншоотлари;
- в) маданий-оқартув муассасалари;
- г) коммунал хўжалиги ташкилотлари корхона ва муассасалари;
- д) аҳолига майший хизмат кўрсатиш бино ва иншоотлари киради.

Ижтимоий ва маданий-майший соҳада фойдаланилаётган бинолар турли кўриниши, катталиги, ҳажми, қаватлари сонидан қатъий назар қурилиш

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

технологиясига кўра асосан уч гурухга бўлинади:

1. Анъанавий усулубларда қурилган бинолар;
2. Йиғма каркасли бинолар;
3. Қўйма темир-бетон (монолит) бинолар.

Анъанавий услубдаги биноларга мураккаб технологиялар асосида тайёрланган қурилиш конструкциялари ва қурилиш материалларидан фойдаланилмаган ҳолда турли услубда (шу жумладан миллий услубда) қурилган бинолар киради. Ананавий биноларнинг девор қисми қурилишида асосан пишиқ ғишт, кум, цемент ва оҳак эритмасидан тайёрланган қоришмадан ҳамда боғловчи метал стерженлар (арматура)дан фойдаланилган бўлса, том ёпқич материал сифатида ғовак (пустотка) темирбетон плиталар, тўсинлар, швелерлар, бруслар ва бошқа ёғоч материалларидан фойдаланилади. Қурилишда хом ғишт, пахса ва ёғоч ва бошқа турдаги маҳаллий ҳомашёлардан фойдаланилган бинолар ҳам анъанавий услубдаги бинолар туркимиға киритилади.

Икки ва ундан ортиқ қаватли анъанавий услубдаги бинолар қурилишида пойдеворда, деворлар бирлашувчи бурчакларда ва қаватларнинг туташувчи қатламларида бино мустаҳкамлигини оширувчи метал асосли (белбоғли) бетон қовурғалар қуйилади.

Йиғма каркасли бинолар ўз навбатида икки гурухга бўлинади.

Биринчи гурухга қурилишда ананавий усулдан ҳамда махсус тайёрланган каркаслардан фойдаланилган бинолар киради. Бундай бинолар мустаҳкам тузилишдаги таянч армокаркас (несущий часть)га эга бўлиб, йиғма панеллар ва конструктив элементлар шу таянч армокаркасларга бириктирилади.

Иккинчи гурухга бинонинг барча конструктив элементлари уйсозлик комбинатларида ва темирбетон махсулотлари заводларида тайёрланган йиғма темирбетон қисмлардан иборат бўлган бинолар киради. Тўлиқ йиғма каркасли (панелли) бинолар бир хил стандартдаги тузилишга эга бўлиб серияли тартибда қурилади.

Қўйма темир-бетон бинолар асосан кўп қаватли бўлиб юқори мустаҳкамликка эга бўлган бинолар ҳисобланади. Қўйма темир бетон уйлар ҳам икки гурухга, қисман монолит ва тўлиқ монолит уйларга бўлинади. Қисман монолит уйларнининг бир қисм деталлари (том ёпқич плиталар, зинапоялар, девор тўсиқлари ва бошқалар) ягона стандартда заводларда тайёрланган ва монтаж қилинган бўлади. Бундай уйларнинг асосий қисмлари (таянч қисмлари ва деворлари) махсус тайёрланган темир каркаслар сиртига қолип (опалубка)лар ўрнатилиб бетон қоришмаси билан қуйиб тикланади.

Тўлиқ монолит уйлар қурилишида йиғма понеллардан деярли фойдаланилмайди. Бундай бинолар иссиқ ва қуриқ иқлимга эга бўлган маҳаллий шароитга мос келмайди. Бунга сабаб монолит уйларнинг бетон деворлари иссиқ ҳароратда қўшимча намликни талаб этади ҳамда иссиқ ва совуқ ҳароратни кўп ўтказади. Шу сабабли монолит бинолар махсус мураккаб архитектуравий-лойиҳавий ечимларни талаб этувчи ва сейсмик райёнларда қурилади.

Ижтимоий соҳада фойдаланилаётган бинолар лойиҳавий

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

шакллантириш тизимларига кўра қўйидаги гурӯхларга бўлинади:

1. Умумий каридорли лойиҳа тизими;
2. Анфилад лойиҳа тизими;
3. Зал асосли лойиҳа тизими;
4. Ячейкали лойиҳа тизими;
5. Аралаш лойиҳа тизимлари қўлланилган бинолар.

Умумий каридорли лойиҳа тизимида бинонинг алоҳида хоналар умумий девор билан каридорга бирлашган бўлиб, ҳар бир хонани умумий каридорга чиқувчи камида битта эшик бирлаштириб туради. Бундай биноларга мисол қилиб узун каридор атрофида жойлашган хоналардан ташкил топган ўқув муассасалари, шифохона биноларини келтириш мумкин.

Анфилад лойиҳа тизимида бинонинг хоналари бўғин-бўғин шаклида жойлаштирилган бўлиб уларни хонадан хонага ўтиш эшиклари туташтиради. Бундай бинолар мураккаб анфилад ва чизиқли анфилад шаклида бўлиши мумкин. Мураккаб анфилад лойиҳада бир неча хоналар ягона том остида жойлашган ва туташ деворларга эга бўлсада уларни бир эшик (ёки ўтиш жойи) бирлаштиради. Мураккаб анфилад бинога ягона йирик зали бўлмаган музей биносини келтириш мумкин. Чизиқли анфилад лойиҳа тизим асосида қурилган бино хоналари поезд вагонлари каби жойлашиб хоналарга кетмакет ўтиб борилади.

Зал асосли лойиҳа тизимида бинонинг барча хоналари ягона катта хона (зал) атрофида жойлашади. Бундай лойиҳа тизимида зал бино умумий майдонининг асосий қисмини эгаллади. Зал асосли лойиҳа тизимида кинотеатрлар, концерт заллари, сорт заллари биноларини мисол келтириш мумкин.

Ячейкали лойиҳа тизимида алоҳида кириш ва чиқиш жойларига эга бўлган бир неча бўлимлардан ташкил топган ягона бино шакллантирилади. Бундай биноларда ҳар бир бўлим бошқаси билан ягона деворда бирлашсада, бўлимлар ўртасида умумий ўтиш жойига эга бўлмайди. Бинонинг ҳар бир бўлинмасининг муҳандислик қурилмалари (сув, газ, иссиқлик таъминоти ва бошқалар) ҳам алоҳида шакллантирилади. Бундай биноларга кўп подездли туаржой биноларини келтириш мумкин.

Аралаш лойиҳа тизимлари қўлланилган бинода юқорида келтирилган лойиҳа тизимларининг камида иккитасидан фойдаланилган бўлади. Унга мисол қилиб умумий каридорга эга бўлган ўқув биносини давоми эттирувчи спорт зали жойлашган бинони келтириш мумкин.

Ижтимоий соҳа биноларини эксплуатация қилишга қўйиладиган талаблар туар жой бинолариникидан фарқ қиласди. Ижтимоий соҳа биноларини эксплуатация қилишда туар жой бинолари эксплуатациясига хос бўлмаган қатор тадбирларни бажариш зарур.

Қоида бўйича ижтимоий соҳа биноларида механик вентиляцион тизимлар ўрнатилади. Ижтимоий соҳа биноларининг вентиляция тизимларини уч ойда бир маротаба наладочно-регулировочные ишларини ўтказиш зарур.

Кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

Ижтимоий соҳа биноларининг ёнгин хавфсизлиги уларни эксплуатация қилиш даврида доимий равища ёнгин ўчириш воситаларининг тайёр туриши, шунингдек водопровод ва тутунни тортиб олувчи тизимларнинг автоматик тарзда ёқилиши билан таъминланади. Эксплуатация даврида эвакуация йўлларининг: коридор, ўтиш йўллаклари, зиналар, чиқиш жойлари ва бошқаларнинг доимий тайёр туришига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Захирадаги эвакуация йўлларида эшиклар автоматик тарзда очиладиган жиҳозлар билан таъминланган бўлиши керак.

Кўпчилик ижтимоий соҳа биноларида поллар емирилишга бардошли бўлган метериаллардан ишланган бўлиб, бунда поллар текис бўлиши, аммо сирғанчик бўлмаслиги лозим. Бинонинг вазифасидан келиб чиқиб полларга иссиқлик-техник талаблар ва товуш ўтказмаслик талаблари ҳам қўйилади; поллар санитар-гигиеник талабларга жавоб бериши керак.

Барча тўсувчи конструкциялар ичida поллар кўпинча капитал таъмирга муҳтоҷ бўлади; шунингдек, капитал таъмиргача бўлган даврдаги жорий таъмир ишлари ҳам анча салмоқли бўлади. Шунга кўра, режали таъмир алоҳида аҳамият касб этади, чунки уларни ўз вақтида таъмирламаслик, полларнинг тез емирилишига ва натижада катта майдонларини алмаштириш зарур бўлиб қолишига олиб келади⁹.

Назорат учун саволлар:

1. Табиий кўчмас мулк обьектлари нима ва уларнинг қандай турларини биласиз.
2. Сунъий кўчмас мулк обьектларига таъриф беринг.
3. Турар жой уйи, хонадон ва хона атамаларига изоҳ беринг.
4. Умумий мулк деганда нимани тушунасиз?
5. Мактабгача таълим муассасалари, мактаблар,музейлар, кўргазма мажмуалари,касалхоналар, поликлиникалар қандай кўчмас мулк обьектлари тоифасига киради?
6. Эксплуатацияга тайёрлик даражаси бўйича сунъий обьектлар қандай таснифланади?
7. Турар жой истеъмолчиларининг маҳсус гуруҳи ҳоҳишилари ва уларнинг тўлов қобилиятлари даражасига кўра қандай турлари бор?
8. Шаҳарсозлик кўрсаткичлари асосида кўчмас мулк обьектларини гуруҳларга ажратинг.
9. Тижорат мақсадида фойдаланиладиган кўчмас мулк обьектларига изоҳ беринг.
10. Тижорат мақсадида фойдаланиладиган кўчмас мулк обьектлари қандай турларга бўлинади?
11. Савдо обьектларининг таснифланишини тушунтириинг.
12. Мехмонхоналарнинг таснифланишини тушунтириинг.
13. Мехмонхоналарнинг қандай турларини биласиз?
14. Офис бинолари ҳақида тушунча беринг.

⁹ Corporate Real Estate Asset Management. by Barry Haynes, Nick Nunnington. 2012.

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

15. Гараж-тўхташ жойлари (автопаркинглар) тижорат кўчмас мулки обьектлари сифатида.

16. Нима сабабли бино ва иншоотлар қурилишини режалаштириш ва улардан фойдаланишни ташкил этишда уларнинг ихтисослик хусусиятларини инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга?

17. Таълим муассасаларининг бинолари фойдаланиш мақсадларига кўра қандай гурухланади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. A Companion to Urban Economics. RICHARD J. ARNOTT Boston College, Massachusetts DANIEL P. McMILLEN University of Illinois at Chicago. 2010 by Blackwell Publishing Ltd
2. Corporate Real Estate Asset Management. by Barry Haynes, Nick Nunnington. 2012.
3. В.У. Ёдгоров, Д.Ш. Мирджалилова “Кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш” Дарслик. Тошкент., “Чўлпон” нашриёти, 2015 йил.
4. М.М.Мирахмедов, В.У.Ёдгоров, Д.Ш. Мирджалилова, Г.А. Нигманова. “Кўчмас мулк иқтисодиёти”. Дарслик. ТАҚИ - 2013 йил.

2-маъзуза: Кўчмас мулкка замонавий техник хизмат кўрсатиш. Уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш муаммолари ва уни замонавий ечимлари.

Режа:

2.1. Ўзбекистон шароитида турар жойлар қурилишини лойиҳалашда қўйиладиган асосий талаблар.

2.2. Уй-жой биноларидан фойдаланишда инновациялар ва хорижий тажрибалар.

2.3. Бино ва иншоотлар қурилиши учун бошланғич-рухсат берувчи хужжатлар тўплами таркиби.

2.4. Уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш тузилмаси: техник хизмат кўрсатиш; санитар таъминот; обьектга коммунал хизмат кўрсатиш; режавий огоҳлантирувчи таъмирлаш.

Таянч иборалар: техник эксплуатация қилиши, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, эксплуатация жараёнини автоматлаштириши, коммунал хизмат кўрсатиш, режавий огоҳлантирувчи таъмирлаш

2.1. Ўзбекистон шароитида турар жойлар қурилишини лойиҳалашда қўйиладиган асосий талаблар.

Ўзбекистон шароитида турар уй-жойлар қурилишини лойиҳалашда қўйиладиган асосий талаблар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ўзбекистоннинг иқлим шароитида хонадонни ер сатҳи ва очик ҳаво билан боғлаш анъанага айланиб қолган. Шаҳарларнинг тез ўсиши ва ер сатхини эҳтиёт қилиш ўрта ва кўп қаватли уйларнинг қурилишини талаб этади.

2. Хонадонларни ер билан боғлаш анъанаси йўқолди. Бунинг ўрнини алмаштириш учун хонадон таркибиغا ҳар хил ёзги хоналарни лойиҳалаш ва уйларда кам қаватли уйларга нисбатан ҳар хил қулайликлар, яъни марказлашган иссиқ сув, иситиш тизими ва электр жиҳозлари ҳамда чиқиндини олиб кетиш учун қулайликлар ўрин олмоқда. Мазкур талаблар асосида Ўзбекистоннинг табиатини, иқлим-шароитини ва урф-одатларини инобатга олган ҳолда паст, ўрта ва кўп қаватли уйлар қурилишига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди.

3. Ёз пайтлардаги иссиқ ҳаво ва нисбатан юмшоқ, қисқа даврли қиши хонадонларни иссиқ ҳаводан сақлашни тақозо этади. Бу эса уйларни куёшга нисбатан тўғри қаратиш (ориентация) қилиш, яхши шамоллатиш, конструкциялар хусусиятларидан тўғри фойдаланиш, қуёшга қарши ҳимоя қурилмаларидан фойдаланиш орқали эришилади.

4. Уй-жой коммунал хўжалигига уйларнинг асосий фасадини қуёшга тўғри қаратишдан мақсад шуки, қиши пайтида хонадонлар қуёш нуридан кўпроқ фойдаланган ҳолда иситиш, ёз пайтида эса хоналарга камроқ қуёш нури тушишини таъминловчи ҳимоя конструкциялар орқали салқин сақлаш имкониятини яратиш лозим. Бунга эришиш учун қуёш тиккадан ўтганлиги сабабли қуёшга қарши кичкинагина қурилма, яъни (соябон) деразаларни иссиқ қуёш нуридан сақлайди. Қишида эса қуёш пастлаб нур сочганлиги сабабли қуёш нури тўғридан-тўғри жанубга қаратилган деразага тушади ва хона «инсолиция» си юзага келади. Инсолиция, яъни қуёшни тўғридан-тўғри тушиши фақат турар уй жойлардаги хоналарга зарур бўлиб қолмай, у ижтимоий соҳада фойдаланиладиган барча (тиббиёт, таълим ва тарбия, маданият) биноларга жуда зарур ҳисобланиб нафақат бинони иситиш, шунингдек қуёш нури орқали дизенфекциялаш ва ёритиш имконини беради. Демак, турар жой ва ижтимоий соҳа биноларини имкон қадар жануб томонга қаратиш керак. Бунда асосий хоналар жануб томонга жойлаштирилса, ёрдамчи хоналар (хожатхона, ҳаммом, ошхона ва бошқалар) шимол томонга жойлаштирилиши керак.

Ўрта Осиё шароитида бинони совитища елвизак ҳосил қилиш йўли билан бинода кундузги иссиқ ҳавони кечки салқин ҳаво билан алмаштириш мумкин. Бунинг учун кундуз куни хоналардаги деразаларни ёпиқ ҳолда ва аксинча кечкуринлари ташқаридаги салқин ҳавони киритиб, деразаларни очиб қўйиш йўли билан хонанинг ҳавосини салқинлатиб туриш мумкин.

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

Аммо хонани тезда салқинлатиш учун уни шамоллатиш зарур. Бу ҳолатни тўғридан-тўғри бурчакли елвизак ҳосил қилиш ҳисобига ташкил қилинади. Бунинг учун эса уйнинг тархини тўғри жойлаштириш лозим, яъни уни шомол йўлини ҳисобга олган ҳолда икки тарафга қаратиш талаб этилади. Ўзбекистон шароитида хонадонни бир томонга қаратиш елвизак усулини ҳосил қилишга ёрдам беролмайди ва хонадоннинг исиб кетишига сабаб бўлади. Бундай тархли турар уй жойлар Ўзбекистон иқлим шароитида қониқарсиз деб ҳисобланади ва бинони салқинлатиш учун қўшимча энергия сарфлашга олиб келади.

Табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, республикамиз ҳудудий зоналарга бўлинади. Бу умумий қўрсаткич, албатта Ўзбекистон тоғли, воҳа ва сахро ҳудудларига бўлинади ҳамда йиллик ўртача ҳаво ҳарорати бир-биридан кескин фарқ қиласди. Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари эса тез-тез эсиб турадиган иссиқ шамоли билан бошқа вилоятлардан фарқ қиласди.

Республикамизда уй жойларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш ва иситиш мавсумини бошлиш ва тугатишни тартибга солиш мақсадида Тошкент зонал илмий текшириш экспериментал лойиҳалаш институти томонидан республикамиз ҳудудларида иқлим қўрсаткичлари ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан Ўзбекистон ҳудуди З қисмга бўлинади:

1-қисм совуқ ва узоқ қиши ҳамда салқин ёзи билан ажралиб туради. Бунга Қорақалпоғистон, Хоразм ва Бухоро вилоятларининг шимолий қисми киради.

2-қисмга асосий лалмикор ва саноат вилоятлари, яъни Фаргона водийси, Тошкент, Жizzах ва Самарқанд вилоятлари киради. Бу вилоятлар юмшоқроқ қиши ва иссиқ ёзи билан ажралиб туради. Булар жуда кенг ҳудудли ва аҳолиси зич жойлашган вилоятлардир.

3-қисмга ёзи жуда иссиқ, қиши қисқа ва юмшоқроқ иқлимили вилоятлар киради. Бу ҳудуда тез-тез жанубий иссиқ шамол эсиб туради. Ҳавонинг иссиқлиги 45 даражагача кўтарилади. Бу ҳудудда иссиқ кунлар кўп бўлганлиги сабабли қишида иситиш тизимида жуда қисқа муддат фойдаланиладиган ва ёзда табиий йўл билан иссиқдан сақланиш қийин бўлган ҳудудлар ҳисобланади.

Иқтисодий томондан уй жой қурилишида ҳар йил сарфланадиган маблағлардан тежамкорлик билан фойдаланиб кўпроқ фойда олишга ҳаракат қилинади, аммо иқтисодий ёндашувдан кўра уй жой бинолари қурилишида бино сатҳидан унумли фойдаланишни ташкил этиш қурилиш жараёнидаги иқтисодий самарадан кўра бир неча марта катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Айнан қурилган бинонинг мустаҳкам, чидамли, иситиш учун кўп энергия сарф қилинмайдиган, коммунал ресурслардан тежамли фойдаланиш имконини бурувчи, тез-тез қайта таъмирлашга эҳтиёж ҳосил қилмайдиган хусусиятга эга бўлиши бинога қўйиладиган зарур талабларидан бири бўлиб унинг самараси бино фаолият кўрсатиб тугатилгунига қадар давом этади. Шу маънода тежамкорлик ва уйдан самарали фойдаланиш масалалари бир-бирига қарама-қарши категориялардир. Шунинг учун уй-жой қурилиши ва

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

унинг фаолияти давомида ушбу қарама-қарши кўрсаткичларни бир-бирига таъсирини камайтириш, яъни тежамкор ва эксплуатация даврида кам маблағ талаб этувчи технологияларни қўллаш ўта муҳим масала ҳисобланади.

Хозирги фан ва техника тараққий этган шароитда қурилишни тежамкорлик билан олиб боришда қурилиш жиҳозларини ва қурилмаларни тўғри танлаш, яъний фойдаланиш жараёнида энг тежамкор технологияларни танлаш самарадорликнинг асосий манбаи ҳисобланади. Бундан ташқари бинонинг қавати ва қурилиш ҳажмини тўғри танлаш ҳам тежамкорлик омилларидан биридир.

Республикамизда мутакилликка эришилганидан кейин архитектура-қурилиш соҳасида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда маҳаллий шароитни ва тежамкор технологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун уй-жой соҳасида бино қурилиши ҳамда капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш жараёнларида архитектура меъёрларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш зарур. Демак, лойиҳа танлашда бир неча хил лойиҳалардан техник ва иқтисодий томон юқори самарадорликка эга бўлганини танлаш яхши натижа беради.

Уй жой, коммунал хўжалиги соҳасида бинолардан фойдаланишни самарали ташкил этиш масаласи коммунал хизматлар учун тўлов миқдорини камайтириш, уй хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уй жой мулкдорларининг молиявий маблағларидан самарали фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади.

2.2. Уй-жой биноларидан фойдаланишда инновациялар ва хорижий тажрибалар.

Технологияларнинг доимий такомиллашиб бориши шароитида эксплуатация жараёни кўчмас мулк обьектини бошқаришнинг ажралмас функцияси ҳисобланади. Замонавий биноларнинг муҳандислик жиҳозлари ва коммуникациялари тизими борган сари мураккаблашиб бормоқда, бу эса ўз навбатида уларга хизмат кўрсатишнинг тор доирадаги ихтисослаштирилган билимни ва жиддий тайёргарликни талаб қиласи. Эксплуатация хизматларини кўрсатувчи бошқарувчи компаниянинг муваффақияти ва профессионаллиги – юқори малакали ва тажрибали персонал бўлган инсон омили билан аниқланади. Эксплуатация сифати ходимларнинг малакаси ва обьектга бириктирилган барча техник хизмат бўлимлари ишининг қай даражада мувофиқлаштирилганлигига боғлиқ.

Эксплуатация жараёнларининг самарадорлиги техник хизмат бўлимларининг қатъий боғлиқликда иш олиб боришива сифат назорати билан аниқланади. Кўчмас мулкни бошқаришнинг замонавий босқичида эксплуатация жараёнларини оптималлаштириш учун бинони бошқаришни автоматлаштириш тизимларини фаол ишлаб чиқилмоқда ва тадбиқ этилмоқда.

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

Эксплуатация жараёни учун маҳсус ишлаб чиқилган дастурй таъминот баҳоси жиҳатидан ҳам фойдаланиш жиҳатидан ҳам қулай бўлиб, у техник хизмат бўлимларининг ўзаро алоқасини ташкил этиш муаммосини ҳал этишга ва эксплуатация сифатини комплекс бошқаришни таъминлашга қодир.

Муҳандислик хизматлари ва жиҳозларини бошқариш автоматлаштиришнинг мураккаб бўлими ҳисобланади. Автоматизация тизимлари ёрдамида ижара объектлари ва ижарачилар, бинода муҳандислик жиҳозларидан фойдаланилувчи хоналарнинг параметрлари ҳисобини юритиш мумкин.

Автоматлаштиришнинг замонавий тизимлари шунингдек ҳар бир ижарачига кўрсатиладиган хизматлар – парковка, таъмир, чиқинди олиб кетиш, тозалаш, иссиқлик таъминоти, хаво алмаштириш, ёритиш, қўриқлаш ва шу каби қатор хизматлар ҳисобини юритишга имкон беради.

Ҳар бир хизмат тури бўйича ижара ставкаси ёки эксплуатация ҳаражатлари таркибиغا кирувчи лимит назорат қилинади, тўлов шартлари ва хизмат кўрсатиш муддати фиксирланади. Объектнинг жиҳозлари ҳисобга олинади ва ҳар бир алоҳида элемент бўйича техник паспорт юритилади. Ҳар бир техник объект, моддий қимматлилик, ижарачи график пакетнинг қаватлар бўйича лойиҳа участкасига боғланади.

Жиҳозлар паспорти маълумотлари асосида объектларга хизмат кўрсатиш графиги шаклланади. Меъёрий ҳужжатлар ва ҳақиқий ҳаражатлар асосида тизим орқали бинонинг эксплуатация қиймати ҳисобланади. Автоматлаштирилган тизим ҳудудни тозалаш, бинога техник хизмат кўрсатиш, қўриқлаш ва б. учун сметани шакллантириш имконини беради.

Автоматлаштирилган тизимларга ҳар бир деталнинг параметри ва баҳоси, таъмирлар муддати, хизмат кўрсатиш ва алмаштириш давомийлиги, шунингдек, персонал ҳақидаги маълумотлар – ҳар бир муҳандиснинг, электрикнинг малакаси, уларнинг маоши ва б. Киритилади. Математик алгоритмлар асосида тизим, таътил, дам олиш кунлари ва байрамларни ҳисобга олган ҳолда қайси ходим қайси ишни қайси куни бажариши лозимлиги ҳисоб-китоб қилинади. Тажрибали менежер бундай графикни автоматлаштирилган тизимсиз мустақил тузиши мумкин, деган фикр мавжуд. Бироқ, ташқи шартлар ўзгариши натижасида (ходимнинг касал бўлиб қолиши, жиҳознинг издан чиқиши) замонавий дастурлар ҳисоб-китобни оператив тарзда ўзгартириб, иш графикининг ўзгаришидан келадиган зарар минимал даражада бўлишини таъминлади. Бундан ташқари, дастурлар ижарачиларга хизмат кўрсатиш деталларни, сарфланадиган материаллар ва бошқа қимматга эга материаллар ўрнини ўзгартириш учун заявкаларни ҳисобга олади, техник хизмат кўрсатиш бўйича жараёнларнинг қийматини ҳисоб-китоб қиласи.

Дастурий таъминот, эксплуатация жараёнини бошқариш автоматлаштирилган тизимининг муҳим қисми ҳисобланади. Дастурий таъминотга қўйиладиган умумий талаблар қуйидагилардан иборат:

- объектларнинг лойиҳалари мавжуд бўлган қулай, график интерфейс;

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

- алоҳида объектлар ва бутун бир тизимни ҳам бошқариш имконияти;
- компьютер хотирасида оператор харакати ва ҳодисаларни (безовталиклар, биноларга кириш,) протоколлаштириш;
- операторлар имконияти ҳуқуқининг пароль билан ҳимояланганлиги;
- маълумотлар базасини таҳрирлаш, унга фойдаланувчи маълумотларни ёзиш;
- тизимдаги хабарномаларни кўриш, босмага чиқариш ва таҳлил қилишни автоматик тарзда шаклланиши.

2.3. Бино ва иншоотлар қурилиши учун бошланғич-рухсат берувчи хужжатлар тўплами таркиби.

Бинодан фойдаланишни самарали ташкил этиш масаласи бино қурилиши учун лойиха тайёрлаш жараёнида Техник иқтисодий асоснома (АРЗ) тайёрлашдан бошланади.

Техник иқтисодий асосномада бинога қўйиладиган муҳандислик ва коммунал сервис вазифалари ёритиб берилади. Айнан, бино қурилаётган ҳудуд ва ушбу ҳудудаги маҳандислик коммуникацияларининг мавжудлиги бино қурилишида хонадонларнинг ободолашганлигини таъминлаш имконини беради. Бунда бинонинг жойлашиши асосий коммунал хизматлар турлари таркибига киравчи коммуникациялари мавжудлиги ва уларга бинони уланиш имконияти мавжудлигидан келиб чиқсан ҳолда асосланиши лозим. Бу коммуникацияларга уланиш имкониятини асослаш учун мазкур хизматларни кўрсатувчи ҳар бир коммунал хўжалиги корхоналари билан бинони қурилиш жойини келишиш лозим бўлади.

Бино қурилиши жойини келишиш ишлари бино қурилишига рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тартибига асоланган ҳолда амалга оширилади.

Бино қурилишига рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 305-сон Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2001 йил 15 майдаги 1-сонли Қарори билан тасдиқланган “Инвестиция лойиҳаси учун бошланғич рухсат-бериш хужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш, келиштириш ва тасдиқлаш тўғрисидаги Низом” га мувофиқ тайёрланади.

Бино ва иншоотлар қурилиши учун бошланғич-рухсат берувчи хужжатлар капитал қурилиш ва архитектура соҳасида амал қиласидан қонунлар ва меъёрий хужжатлар асосида тайёрланадиган лойиҳа ва тендер хужжатларини ишлаб чиқиш учун зарур хужжатлар пакэтидан иборат.

Бошланғич-рухсат бериш хужжатлари таркиби қўйидагилардан иборат:

а) Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 27 майдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ноқишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш ва бериш бўйича материалларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг II бўлими 1-бандига мувофиқ ҳудудий тааллуқлилиги бўйича тегишли ҳокимиятга юридик ва

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

жисмоний шахснинг объектни жойлаштиришга ариза-хати;

б) объект қурилиши учун ер участкасини (участкалар, варианлари билан бўлиши мумкин) танлаш тўғрисидаги далолатнома;

в) қурилиш учун ер участкасини танлаш далолатномасини тасдиқлаш ваколатига эга давлат ҳукумати тегишли органининг қароридан кўчирма нусха;

г) ер участкасининг топографик-геодезик сурати;

д) архитектура-режалаштириш топширифи, I қисм (APP- I);

е) муҳандислик тармоқларига уланиш учун техник шартлар;

ж) муҳандислик коммуникациялари трассаларини ётқизиш учун ер участкасини танлаш ҳақида далолатнома;

з) муҳандислик коммуникациялари трассаларини ётқизиш учун ер участкасини танлаш далолатномасини тасдиқлаш ваколатига эга давлат ҳукумати тегишли органининг қароридан кўчирма нусха;

и) муҳандислик коммуникациялари трассаларининг топографик-геодезик сурати;

к) архитектура-режалаштириш топширифи, II қисм (APP- II).

Юқорида келтирилган бино ва иншоотлар қурилиши учун бошлангич рухсат берувчи хужжатларни тайёрлашда очиб берилиши лозим бўлган асосий кўрсаткичларга қўйидагилар киради:

1. Худудий тааллуклилиги бўйича тегишли ҳокимиятга объектни жойлаштиришга ариза-хат. Хатда Низомнинг II бўлими 4-бандига мувофиқ объектга унинг жойлашган ўрни ва ер участкасига доир асосий кўрсаткичлар ва унга қўйиладиган талабларнинг қисқача асосланиши акс эттирилади.

2. Ер участкасини танлаш далолатномаси. Далолатномада Низомнинг II бўлими 7-11-бандларига мувофиқ аҳоли пункти ёки бошқа ҳудуд тузилмасида танланадиган ер участкасининг жойлашиши, шу пайтдаги ҳолати, ерлар тавсифи ва ундан фойдаланиш, мавжуд иморатлар, кўчатлар, муҳандислик коммуникациялари ва бошқа масалалар акс эттирилади.

3. Ер участкасини танлаш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарордан кўчирма нусха Низомнинг II бўлими 17 ва 18-бандларига мувофиқ бу хужжат ер участкасининг асосий ўлчовлари ва тавсифлари, аввалги ердан фойдаланувчидан ерларни олиб қўйиш талаблари, архитектура-режалаштириш топширифи (APT-I) ни тайёрлаш, ер участкасидан фойдаланиш бўйича буюртмачига топшириклар ва бошқа талаблар кўрсатилган ҳолда тайёрланиши мумкин.

4. Ер участкасининг топографик-геодезик сурати. Ер участкасини танлаш далолатномасига биноан архитектура ва қурилиш ҳудудий органлари билан келишилган координаталар тизими, масштаб ва чегараларда бажарилади.

5. Архитектура-режалаштириш топширифи. I қисм Қорақалроғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари (бошқармалари ва бўлимлари) томонидан ишлаб чиқилади ва архитектура-шаҳарсозликнинг асосий талабларини белгилайди, унда қўйидагилар кўрсатилади:

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

- а) архитектура-режалаштириш топширигини бериш учун асослар;
 - б) аҳоли пункти (умумشاҳар марказ зоналари, тураг жой мавзеси, саноат зонаси, шаҳар атрофидаги худуд ва бошқалар) бош режасида лойиҳалаштирилаётган объектнинг жойлашган ўрни;
 - в) худуднинг муҳандислик-геологик тавсифи, сейсмиклиги (агар туманнинг микросейсмик харитаси мавжуд бўлса, унинг маълумотлари бўйича кўрсатилади) га доир дастлабки маълумотлар, еrosti сизов сувларининг мавжудлиги (жойлашганлик даражаси ва тебраниш амрлитудаси);
 - г) мавжуд иморатлар (сакланиб қоладиган, бузиб ташланадиган), келажакда бажариладиган қурилишлар ва бошқалар;
 - д) ёруғлик, шамол эсиши томонларини ҳисобга олиб аҳоли пунктининг бош режасида объектларни жойлаштиришнинг вазиятли режаси;
 - е) лойиҳалаштириш обьекти, фасадларни ташқи безатиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ечимлари ва кичик архитектура шакллари ва бошқаларга қўйиладиган асосий архитектура-режалаштириш талаблари;
 - ё) давлат назорати органлари (СЕС, ёнгиндан саклаш хизмати, йўл хавфсизлиги хизмати, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқалар) талабларини бажариш бобида лойиҳаси, қурилиш бош режаси ва лойиҳалаштирилаётган бинонинг архитектура-режалаштириш ечимини келиштириш шартлари;
 - и) мазкур меъёрий ҳужжатнинг З-банди "г" кичик бандида кўрсатилган топографик-геодезик сурат бўлмаганда топографик-геодезик ва муҳандислик-геологик ишларини олиб боришга қўйиладиган талаблар;
 - к) кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан бузиладиган нотураржой бинолар ва иншоотларни ҳамда техник инвентарлаш бюроси томонидан бузиладиган турар жой иморатлари ва кўп йиллик кўччатларни баҳолаш зарурати.
6. Объектнинг муҳандислик тармоқларига уланиши учун техник шартлар объектнинг ҳисоб-китоб қилинган талабдаги имкониятларидан келиб чиқиб, мавжуд муҳандислик тармоқларига, манбаларига уланиш, тармоқлар манбаларининг янгиларини қуриш ёки таъмирлаш жойи ва талабларини белгилайди.
7. Муҳандислик коммуникациялари трассаларини ётқизиш учун ер участкасини танлаш далолатномаси тузилади. Далолатномада Низомнинг II бўлими 7-15-бандларига мувофиқ аҳоли пункти ёки бошқа худуд тузилмасида трассанинг ўтиши, ерларнинг шу пайтдаги ҳолати, мавжуд иморатлар, кўччатлар, муҳандислик коммуникациялари, йўллар билан туташган жойлар ва бошқа масалалар акс эттирилади.
- Лойиҳа-режалаштириш ҳужжатлари билан таъминланган аҳоли пунктларида обьект қурилиши ва муҳандислик коммуникациялари трассаларини ётқизиш учун ер участкаси бир вақтда танланади ва битта далолатнома билан расмийлаштирилади.
8. Муҳандислик коммуникациялари трассаси учун ер участкасини

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

танлаш далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарордан кўчирма нусха Низомнинг II бўлими 17-19-бандларига мувофиқ ер участкалари асосий кўрсаткичлари ва тавсифлари, аввалги ердан фойдаланувчидан ерларни олиб қўйиш, архитектура-режалаштириш топшириғи (АРТ-II)ни тайёрлаш талаблари, буюртмачига ер участкаларидан фойдаланиш бўйича топшириқлар ва бошқа талабларни кўрсатган ҳолда тайёрланади.

9. Муҳандислик коммуникациялари трассаси топографик-геодезик сурати муҳандислик коммуникациялари трассаларини ётқизиш учун ер участкасини танлаш далолатномасига биноан худудий архитектура ва курилиш органлари билан келишилган координаталар тизими, масштаби ва чегараларда бажарилади.

Муҳандислик коммуникациялари трассалари ва обьект ер участкасининг топографик-геодезик сурати бир вақтда амалга оширилиши мумкин.

10. Архитектура-режалаштириш топшириғи II-кисми муҳандислик коммуникациялари трассаси ва уни ётқизишга асосий талабларни белгилайди ва унда қуидагилар кўрсатилади:

1) коммуникациялар уланган, трассировка қилинган жойлар, магистраллар, кўчалар ва тор кўчалар кесишган жойда жойлашганлиги, тармоқлар узунлиги;

2) фойдаланувчи ташкилотлар томонидан берилган техник шартлар талаблари, шунингдек аҳоли пункти бош режаси ёки батафсил лойиҳалаштириш, курилиш, мавзеларнинг лойиҳаси талаблари, курилиш меъёrlари ва қоидалари талабларининг бажарилиши шартлари;

3) лойиҳалаштириладиган коммуникацияларни ётқизиш шартлари;

4) мазкур меъёрий ҳужжатнинг топографик-геодезик сурати бўлмаганда, мавжуд еости коммуникациялари кўрсатилган ҳолда топогеодезик ишлар ва муҳандислик-геологик тадқиқотларни бажариш зарурати.

Бино қурилишини лойиҳалашда муҳандислик коммуникациялари трассаси ва уларга бинони боғловчи коммуникацияларни оптимал жойлаштириш ва қурилаётган бинода энг сўнгги фан-техника ютуқлари асосида ишлаб чиқарилган муҳандислик ускуналарининг ўрнатилиш коммунал хизматлар кўрсатишида ресурслардан энг оптимал фойдаланиш имконини беради.

Шунингдек, бинодан самарали фойдаланишни ташкил этиш бинони Давлат қабул комиссияси томонидан эксплуатацияга қабул қилиш жараёнида муҳандислик тармоқларини тўла қувватда ва мукаммал фаолият кўрсатаётган ҳолда қабул қилишга ва уларни эксплуатация қилиш ишларини бинонинг техник паспортида келтирилган меъёр ва талаблар асосида ташкил этишга боғлиқ бўлади.

**2.4. Уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш тузилмаси:
техник хизмат кўрсатиши; санитар таъминот; обьектга коммунал хизмат
кўрсатиши; режавий огоҳлантирувчи таъмирлаш.**

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

Уй-жой фонди таркибига кирувчи биноларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаш, уларга ягона техник хизмат кўрсатиш сиёсатини амалга ошириш, биноларнинг конструкцияларини муҳандислик тизимларини ва қурилмаларини, шунингдек, уларга тегишли ҳудудларни сақлаш ва таъмирлаш бўйича амалдаги меъёрларнинг бажарилишини таъминлаш ишлари биноларни техник эксплуатация қилиш билан боғлиқ тадбирлар мажмуасини ташкил этади.

Ҳар бир бинони техник эксплуатация қилиш ишлари унинг техник иқтисодий ва муҳандислик-лойиҳавий кўрсаткичларидан келиб чиқсан ҳолда ташкил этилади. Эксплуатацияни ташкил этиш билан боғлиқ техник иқтисодий ва муҳандислик-лойиҳавий кўрсаткичлари бинонинг техник паспортидан олинади.

Бинонинг техник паспорти бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиб олинганидан кейин Давлат қабул комиссияси томонидан бино эгасига доимий сақлаш учун тақдим этилган ҳужжатлар асосида тайёрланади.

Ҳар бир алоҳида ҳудуда жойлашган, таянч конструктив элементлари орқали бошқа бино билан туташмаган бино учун алоҳида Бинонинг техник паспорти тайёрланади. Бино бир нечта туташ корпуслардан, бўлимлардан ташкил топган бўлиши мумкин. Шунингдек, мавжуд бинога қўшимча (туташ) қурилиш қилинган бўлиши мумкин. Бундай қўшимча қурилиш тўғрисидаги маълумотлар асосий бинонинг техник паспортига киритилади.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида фойдаланилаётган бино ва иншоотларнинг техник паспортидаги маълумотлар тармоқлар хусусиятидан ҳамда бино ва иншоотларнинг тузилишидан келиб чиқсан ҳолда турлича бўлади.

Биноларнинг техник паспортида келтириладиган маълумотлар асосан уч қисмга бўлинади:

1. Бино ёки иншоот тўғрисидаги умумий маълумотлар;
 2. Бинонинг тузилиши, ундаги фойдаланиладиган майдонлар ва ўрнатилган ускуна ва жиҳозлар тўғрисида маълумотлар;
 3. Бинодан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш бўйича маълумотлар.
- 1) Бино ёки иншоот тўғрисидаги умумий маълумотларга:
- бино қурилиши тўғрисида чиқарилган қарор ва уни чиқарган орган, чиқарилган санаси;
 - бинонинг қурилган ва ишга туширилган саналари;
 - бино жойлашган умумий майдон ва унинг таркибий бўлиниши;
 - бинонинг техник қувватлари тўғрисидаги маълумотлар (умумий майдони, ўқув майдони, ёрдамчи майдон, мавжуд ўқувчи ўринлари ва бошқалар);
 - бош лойиҳачи ва лойиҳалаштириш ишида иштирок этган ташкилотлар;
 - бош пурратчи ва бино қурилишида иштирок этган ташкилотлар ва улар томонидан бажарилган ишлар тўғрисида маълумотлар;

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

- бинонинг техник ва архитектуравий қурилиши бўйича хulosалар;

- бинонинг баланс қиймати (қурилиш ишлари қиймати, ўрнатилган ускуна ва жиҳозлар қиймати алоҳида кўрсатилган ҳолда) ва бошқалар молиявий кўрсаткичлар киритилади.

2) Бинонинг тузилиши ва ундаги фойдаланиладиган майдонлар тўғрисида маълумотларга қўйидагилар киради:

- ер майдони ва унда жойлашган бинонинг кадастр чизмаси, аниқ чегаралари (йўл ва йўлаклар, ер, экинзор, дараҳтзор ва бошқалар) кўрсатилган ҳолда;

- бинонинг қаватлар кесимидағи кадастр чизмаси;

- бинонинг ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланиши чизмаси (қаватлар кесимида);

- бинода ўрнатилган ускуна, машина ва механизмларнинг ҳар бирига алоҳида техник-эксплуатацион характеристика берилган ва доимий фойдаланиш учун техник хизмат кўрсатиш технологияси келтирилган далолатномалар;

- бинонинг ички мухандислик тизимлари чизмаси (тармоқ ва қаватлар бўйича);

- бинонинг ташқа мухандислик тизимлари чизмаси ва бошқалар.

3) Бинодан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш бўйича маълумотларга:

- бинодаги ёнгин хавфсизлиги тизими ва унинг тузилиши;

- бинодаги хабар бериш (сигнализация) тизими ва ишлаш принципи тўғрисидаги маълумотлар;

- бинонинг сейсмик чидамлилиги тўғрисидаги маълумотлар ва бошқалар киритилади.

Бинонинг техник паспортига бинода амалга оширилган капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари тўғрисидаги маълумотлар киритиб борилади. Биноларнинг техник паспортини сақланиши ва тўлбириб борилиши учун бош мұхандис масъул ҳисобланади.

Биноларни техник эксплуатация қилиш ўз таркибига қўйидаги вазифаларни олади:

1. Бинолардан фойдаланишини бошқариш:

а) биноларнинг эксплуатациясини ташкил этиш;

б) турли хизмат кўрсатувчи ва мол етказиб берувчи ташкилотлар билан муносабатларни олиб бориш;

в) бинолардан фойдаланувчилар ва хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги муносабатларни ташкил этиш.

2. Бинонинг қурилиши конструкциялари ва мухандислик конструкцияларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш:

а) техник хизмат кўрсатиш ҳамда диспетчерлик ва авария хизмати;

б) бинони режали назоратдан ўтказиш;

в) мавсумий эксплуатацияга тайёргарлик;

г) жорий таъмирлаш;

д) капитал таъмирлаш.

3. Тозалик санитария ишлари:

- а) умумий фойдаланиш майдонларида тозаликни таъминлаш;
- б) бино ҳудудида тозаликни таъминлаш;
- в) кўкаламзорлаштириш ва дараҳтларга ишлов бериш.

Ўзбекистон Республикасида уй жой фонди таркибиға кирувчи қўп хонадонли бинолардан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш Хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатлари (ХУЖМШ) томонидан амалга оширилади. ХУЖМШлар нодавлат ва нотижорат ташкилот ҳисобланиб ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сонли Қарори билан тасдиқланган “Хусусий уй жой мулқдорлари ширкатининг намунавий Устави”¹⁰ га мувофиқ ташкил этади.

Маҳаллар ва қишлоқ жойларидаги алоҳида ҳовли жойлардан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш бевоста уй эгасининг зиммасида бўлади.

а. ХУЖМШлар биноларнинг эксплуатациясини ташкил этиш ишлари бинонинг техник паспортида белгиланган меъёрлар ва Ўзбекистон Республикасида “Турар жойлар, коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа обьектларида таъмирлаш, қайта тиклаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш ишларини ташкил қилиш” тўғрисидаги ШНҚ 1.04.03-05 га асосан амалга оширилади.

Биноларнинг эксплуатациясини ташкил этишда бажариладиган ишлар икки гурухга бўлинади, биринчи гурухга домимий: ҳар кунлик ва ҳафта давомида бажариладиган ишларга киради. Бундай ишлар таркибиға бинонинг умумий фойдаланиладиган майдонлари ва ҳудудни тозалаш, санитар ишлов бериш, ободонлаштириш, тарнов ва грязовикларни тозалаш, қаттиқ майший чиқиндиларни олиб кэтиш кабилар киради. Иккинчи гурухга муддатли ва мавсумий ишларни амалга оширувчи ташкилотлар билан шартномалар тузиш кириб, уларга иситиш тизимини ювиш ва босим остида синаш, ёнгин хавфсизлиги ва электр тармоқларини синовдан ўтказиш, куч берувчи ва хизмат кўрсатувчи усукна ва курилмалар (лифт, насос, компрессор, вентэляторлар кабилар)га хизмат кўрсатиш киради.

б. Турли хизмат кўрсатувчи ва мол этказиб берувчи ташкилотлар билан муносабатлар уч томонлама ва икки томонлама шартномалар тузиш орқали амалга оширилади. Бевоста уй-жойга кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун уй-жой мулқдорлари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида шартномалар тузилади. Бинонинг умумий фойладаниладиган майдонларига санитар ишлов бериш, лифтлар, ускуна жиҳозлар, кўчаларни ёритиш, ҳудудни тозалаш ва майший чиқиндиларни олиб кэтиш каби ишларни бажариш ХУЖМШлар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларга асосан амалга оширилади.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сонли “Хусусий уй жой мулқдорлари ширкатининг намунавий Устави ни ҳамда Хусусий уй жой мулқдорлари ширкати билан куп квартирали уйдагитурар жойга мулжалланмаган бино мулқори уртасидаги намунавий шартномани тасдиқлаш тугрисида” ги Қарори

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

в. Уй-жой мулқдорлари хонадонларидан ташқари туаржой биносида ва ХУЖМШ ҳудудида жойлашган барча ижарачилар, шу жумладан коммунал хизматлар ва ресурслардан фойдаланувчилар ҳамда хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида ташкил этиш. Шартномалар Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30- майдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган “Хусусий уй-жой мулқдорлари ширкати билан кўп квартирали уйдаги турар жойга мўлжалланмаган бино мулқдори ўртасидаги намунавий шартнома” ХУЖМШ ва фойдаланувчи ташкилотлар ўртасида тузилади.

Бинога техник хизмат кўрсатиш бино элементлари ва бино ички тизимларини соз ҳолатда сақлаш, унинг конструкцияларини, жиҳозлар ва техник қурилмаларини белгиланган кўрсаткичларда ва режимда сақлаш билан боғлиқ ишлар мажмуасидан ташкил топади.

Биноларга техник хизмат кўрсатиш тизими белгиланган миқдордаги материаллар ва молиявий маблағлардан фойдаланган ҳолда бино ва муҳандислик тизимларининг ўрнатилган хизмат кўрсатиш муддати давомида соз ҳолатда фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Бинога техник хизмат кўрсатиш унинг ҳолатини назорат қилиш, техник соз ҳолатда бўлишини таъминлаш, муҳандислик тизимларини таъмирлаш, созлаш ва ишга яроқлилигини таъминлаш каби ишлардан ташкил топади. Бинонинг техник ҳолати режали ва режадан ташқари текширишлар ўтказиш орқали назорат қилинади.

Режали текширув ўз навбатида икки турга: умумий режали текширув ва қисман (бинони кузатиш режалаштирилган қисмини) текширишга бўлинади. Бинони умумий текшириш ҳар йили икки марта – баҳорда ва кузда, иситиш тизимини ишга тушириш олдидан ўтказилади.

Бинога техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар бинонинг қурилиш ва муҳандислик лойиҳасидан келиб чиқиб, бажарилиш муддатлари кўрсатилган ҳолда режалаштирилиб, унда ҳафталик, ойлик ва йиллик иш ҳажми белгилаб берилади.

Назорат учун саволлар:

1. Аҳолининг ҳаёт кечиришлари давомида уй-жой фонди билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган эҳтиёжларни қондириш мақсадида яратилган шарт-шароитлар қандай гурухларга бўлинади?

2. Уй-жой фондидан фойдалнишни ташкил этиш ва коммунал хизматлар кўрсатиш учун яратилган шарт-шароитлар билан боғлиқ кўрсаткичлар қандай гурухларга бўлинади?

3. Уй-жойлар уларга аҳолини жойлаштириш усулига қараб қандай гурухланади?

4. Туарар уй-жойлари конструктив тузилишига кўра ва ердан фойдаланиш усулига кўра қандай гурухланади?

5. Қаватлар миқдорига кўра туар жой бинолари қандай турларга бўлинади?

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

6. Ўзбекистон шароитида турар уй-жойлар қурилишини лойихалашда кўйиладиган асосий талаблар таркибига нималарни киритиш мумкин?
7. Уй-жой қурилишида тежамкорлик ва бинолардан фойдаланишни самарали ташкил этиш ҳақида нималарни биласиз?
8. Биноларни техник эксплуатация қилиш жараёнининг таркибига қандай вазифалар киради?
9. Уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш деганда нимани тушунасиз?
10. Биноларни техник эксплуатация қилиш таркибига нималар киради?
11. Хусусий уй-жой мулқдорлари ширкати, меъёрий-хуқуқий асоси ва аҳамияти

Фойдаланилган адабиётлар:

1. A Companion to Urban Economics. RICHARD J. ARNOTT Boston College, Massachusetts DANIEL P. McMILLEN University of Illinois at Chicago. 2010 by Blackwell Publishing Ltd
2. Corporate Real Estate Asset Management. by Barry Haynes, Nick Nunnington. 2012.
3. В.У. Ёдгоров, Д.Ш. Мирджалилова “Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш” Дарслик. Тошкент., “Чўлпон” нашриёти, 2015 йил.
4. М.М.Мирахмедов, В.У.Ёдгоров, Д.Ш. Мирджалилова, Г.А. Нигманова. “Кўчмас мулк иқтисодиёти”. Дарслик. ТАҚИ - 2013 йил.

3-маъруза: Ўзбекистонда кўчмас мулқдан фойдаланиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Режа:

- 3.1. Ўзбекистонда кўчмас мулкни бошқаришнинг хуқуқий асослари.
- 3.2. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш
- 3.3. Кўчмас мулк обьектларига солиқ солиш тизими

Таянч иборалар: жамоат ҳуқуқлари, хусуий ҳуқуқлар, давлат даражасидаги қонунлар, уй жой ҳуқуқи, уй жой муносабатлари, турар жой ижараси бўйича муносабатлар, фуқароларни турар жой билан таъминлаш соҳасидаги муносабатлар, давлат қонун ҳужжатлари, регионал қонун ҳужжатлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳақидаги қонун ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтказиш, ер солиги, жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиги

3.1. Ўзбекистонда кўчмас мулкни бошқаришнинг хуқуқий асослари

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

Ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ва ижтимоий-иктисодий характерда ишлаб чиқариш омилларига (капитал, меҳнат, тадбиркорлик фаолияти) нисбатан мулкчиликка оид муносабатлар мухим роль ўйнайди.

Мулкчилик муносабатларини нима характерлайди? Бу – ишлаб чиқариш соҳасидаги иктисодий муносабатларни, уларнинг ишлаб чиқариш омилларига муносабатларини ўзиники каби ўрнатувчи иктисодий агентлар ўртасида ўзлаштирилишидир. Бунга қарама-қарши тушунча эса бегоналаштириш муносабатларидир.

Мулкчилик муносабатларини кўриб чиқаётганда қўйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

- мулкчиликнинг юридик (хуқуқий) муносабатлари;
- мулкчиликнинг иктисодий муносабатлари.

Юридик муносабатлар – мулкчилик субъектлари (мулкдорлар)нинг мулкчилик объектлари (мулк)га муносабатини характерлайди. Мулкдорларнинг юридик хукуқлари ўз ихтиёрича хукуқ сифатида қўйидагича белгиланади:

- мулкка эгалик қилиш
- мулқдан фойдаланиш (сотиш, алмаштириш, мерос қолдириш, ижарага бериш, тақдим этиш)

Шахсий мулк мулкчилик муносабатлари, ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш борасида ишлаб чиқариш иштирокчилари муносабатларини характерлайди ва қўйидаги муносабатларни қамраб олади:

- хусусийлаштириш;
- моддий ресурсларнинг хўжалиқда ишлатилиши;
- иктисодий реализация қилиш;

Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнига унинг омилларидан фойдаланиш (ўзлаштириш) жараёни сифатида қаралади.

Ўзлаштириш ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу субъекти манфаатига биноан амалга оширилади. Мулкчиликнинг иктисодий муносабатлари характери, мулқдан тушган фойдани ишлатиш йўналиши билан белгиланади. Мулкчиликнинг иктисодий муносабатлари фақатгина, мулк даромад манбай сифатида ишлатилгандагина вужудга келади.

Агар ишлаб чиқариш қўйидагиларнинг манфаатларини қўзлаган ҳолда амалга оширилса:

- а) якка шахс, у ҳолда бундай иктисодий муносабатлар шакли шахсий мулкчиликдан;
- б) гурух, у ҳолда бундай иктисодий муносабатлар – жамоавий ўзлаштиришдан;
- с) жамият – жамият мулки (жамият ўзлаштириши);

Мулкчиликнинг хуқуқий ва иктисодий муносабатлари ўз мустақил йўналишига эга, аммо ўз навбатида улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Мулкчиликнинг хуқуқий муносабатлари, қонунлар, меъёрий хужжатлар билан мустаҳкамланади. Бу ишлаб чиқариш қатнашчилари орасида вужудга келадиган иктисодий алоқаларнинг ўзиdir.

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

Мулкчиликни юридик жиҳатдан аниқлашда мулкчилик ҳуқуқи субектлари ва уларнинг фуқаролик ҳуқуқи обьектлари аниқланади.

Қонуний тартибда мулкчилик ҳуқуқи субектлари қўйидагилар ҳисобланади:

а) фуқаро (жисмоний шахс);

б) юридик шахс – ташкилот (шахслар уюшмаси), фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятлари субекти ҳисобланувчи.

с) давлат ва маҳаллий ташкилотлар

Қонунчиликда фуқаролик ҳуқуқи обьектларига қўйидагилар киради:

1) кўчмас мулк (ер участкаси, сув обьектлари, ўрмонлар, бинолар, қурилмалар ва бошқалар)

2) кўчар мулк (пул, қимматли қофозлар ва бошқа кўчмас мулкка тегишли бўлмаган буюмлар)

3) интеллектуал мулк

Миллий қонунчиликка биноан¹¹, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир¹².

Мулкдор ўзига тегишли кўчмас мулкга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериши , аммо айни пайтда унинг эгаси бўлиб қолиши мумкин¹³, масалан ижарага беришда. Кўчмас мулкни бирор шахсга унга эгалик ҳуқуқи ўтмайдиган ҳолатда ишончли бошқаришга бериш, шунга асосланади. Ишончли бошқаришга бериш мулк эгасининг кўчмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини ишончли бошқарувчига ўтишига олиб келмайди. *Ишончли бошқарув мулкдорнинг ўзига тегишли ҳуқуқларни амалга ошириш усули яъни – тасарруф этиши ҳуқуқини реализация қилиши шаклларидан бири бўлиб, у асло кўчмас мулкка бўлган янги эгалик ҳуқуқини ўрнатилишини англатмайди.*

Кўчмас мулк обьектлари хўжалик эгалик ҳуқуқида ҳам, оператив бошқариш ҳуқуқида ҳам бўлиши мумкин. Мулкий муносабатларда кўчмас мулк обьектларини оператив бошқариш ҳуқуқида мулкдорнинг вазифа ва мақсадларига мувофиқ тарзда уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш мумкин (буни биринчи ҳолатда амалга ошириш мумкин эмас).

Эгалик ҳуқуқи субъектлари бўлиб, ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқи субъектлари, жисмоний ва юридик (унитарий ва мулкдор томонидан молиялаштирилаётган ташкилотлардан ташқари) шахслар, давлат ва муниципал ташкилотлар ҳисобланиши мумкин. Фақатгина фуқаролик (мулкий) субъект ҳуқуқига эга бўлмаганлар: унинг қатнашчилари мулкидан бошқа мулкка эга бўлмаган меҳнат ва бошқа уюшмалар, турли хил жамиятлар ва х.к, фуқаролар (жисмоний шахслар) уюшмалари бундай ҳуқуқка эга бўлмайдилар. Бундай мулк яратиш ва уни ажратиб олиш

¹¹ ЎзР ФК 164-модда

¹² Эгалик ҳуқуқининг бундай талқини Рим ҳуқуқида шаклланган.

¹³ ЎзР ФК 165-модда

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

фақатгина қонуний йўл билан, рўйхатдан ўтган юридик шахс яратиш орқали амалга оширилади. У ҳолда гап берилган юридик шахс мулки тўғрисида боради.

Эгалик ҳуқуқини олиш турларини бошланғич ва ортиргага ажратиш қабул қилинган. Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини олиш ва унга эгалик қилишда, қўчмас мулк обьекти эгасига қўйилувчи қўшимча оғирликлари мавжуд. Масалан, олдин давлат ёки муниципал мулк ҳисобланган ер участкасини рўйхатдан ўтказиш учун олдин уни чегаралаб олиш керак. Уй қуриш учун эса, чегаралаб олиш ва қурувчи ҳуқуқларини рўйхатдан ўтказишдан ташқари, уй қуришга рухсатнома, ёнгин хавфсизлиги, санитария, қурилиш ва бошқа қоида ва меъёрларга риоя этиш керак. Белгиланган тартибда кўчмас мулкка ҳуқуқлар қўлга киритилгандан сўнг, мулқдорга солик тўлаш юклатилади.

Ер ва бошқа табиат ресурсалрига эгалик ҳуқуки ўзига хос хусусиятларга эга. Берилган кўчмас мулк обьектларига нафакат давлат ва муниципал ташкилотларнинг, балки хусусий мулқдорларнинг ҳам конституцион эгалик қилиш ҳуқуқи, обьектларнинг бир мулқдордан иккинчи мулқдорга ўтишини, яъни ер участкаси ва ер ости бойликларининг айланмасини назарда тутади.

Шундай қилиб мулқдор табиат хавфсизлиги (экологик) мажбуриятлари ва таъқиқларни, ушбу обьектларнинг мақсадли йўналтирилганлигини, уларнинг ўринли ишлатилиши бўйича қонун мажбуриятлари, учинчи шахс (фойдаланувчи) ҳуқуқ ва манфаатлари ва ҳ.к.ларни инобатга олиши керак. Бу унинг мулкга бўлган ҳуқуқларини чекламайди, балки унинг фойдаланишидаги чегараларни аниқроқ ўрнатади, ҳар ҳолда у чексиз бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси 16 –моддасига биноан, ер давлат мулки – умуммиллий бойликдир, ундан ўринли фойдаланиш керак, у қонун билан қўриқланади ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари билан қўрсатилган ҳолатлардан ташқари уни сотиш ва сотиб олиш, ҳадя этиш ва гаровга қўйиш мумкин эмас.

Ернинг чекли табиий ресурс сифатидаги алоҳида тартиби ўрнатилган. Хусусан, муниципал ва шахсий мулкка тўғридан-тўғри берилмаган барча ер давлат мулки ҳисобланади, яъни ернинг эгасиз бўлишини инкор этувчи, давлат мулкининг ерга презумпцияси ўрнатилган. Шу сабабли жамоат манфаати кўзланган ҳолда ернинг бозорда олди-сотдиси қонун билан чекланган.

Ер – энг муҳим таббий ресурс бўлгани сабабли, ерга ҳуқуқ эгаси бўлиш, фуқаролик ва ўрмон, сув ва табиат ҳимояси қонунчилиги инобатга олинган ҳолда ер ҳуқуқи билан аниқланади.

Кўчмас мулк ҳисобланадиган квартиralарнинг ўзига хос тарафлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Олди-сотди обьекти фақат шахсий мулк ҳисобланадиган квартира бўлиши мумкин. Муниципал квартира олди-сотди жараёни бўлишидан олдин хусусийлаштирилиши керак. Умумий мулк, қачонки бир кўчмас мулк обьектига (масалан, квартитра) бир неча фуқаро

Кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

эгалик қилсагина вужудга келади. Умумий мулк, улушли ёки қўшма бўлиши мумкин.

Улушли мулкда улушлар шартнома асосида аниқланиши (масалан, турар жой эгалари орасида пропорционал), ёки умуман аниқланмаган бўлиши мумкин, у ҳолда улар тенг ҳисобланади. Шуни инобатга олиш керакки, улушлардан бири сотилганда ҳиссадорлар худди шу нархга сотиб олишда устунликларга эгадирлар. Улуш ҳадя қилинганда қолган ҳиссадорлар ҳеч қандай устунликка эга эмаслар. Аммо агар улуш болага тегишли бўлса, уни ҳадя қилиш мумкин эмас, фақатгина бошқа турар жойда тенг жой ажратиш ўрнига (масалан, сотиб олиш ёки ота-онадан бирига рўйхатдан ўтказиш) сотиш мумкин. Қўшма мулкнинг улушидан фарқи шундаки, қўшма мулкни фақатгина бутунлай ишлатиш мумкин, бу шуни ҳоҳлаган мулкдор қолганларнинг рухсати билан ёки барчаси амалга ошириши мумкин.

3.2. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши

ЎзР Фуқаролик Кодекси кўчмас мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини яратди ва ЎзР Адлия Вазирлиги томонидан қабул қилинган 07.01.1998 й. №387 сонли “Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ҳақида қўлланма” нинг жорий қилиниши билан Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказишнинг моҳияти ва ҳуқуқий оқибатлари аниқланди, рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарор қабул қилиши тартиби ва асослари ўрнатилди.

ЎзР Фуқаролик Кодексида (84 модда) “кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш” ибораси доимо “давлат” сўзи билан биргаликда учрайди. Бундан, кўчмас мулк обьектларини рўйхатдан ўтказиш давлатнинг функцияларидан бири эканлиги кўриниб туради. Тегишли равища, давлат ҳам функцияларини фақатгина ўз органлари ва ташкилотлари орқали амалга оширади.

Кўчмас мулк обьектини рўйхатдан ўтказиши ва ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиши – бу умуман турлича усуллар ва турли соҳадаги билимларни талаб қилувчи икки хил фаолият туридир. Шундай қилиб, кўчмас мулк обьектларининг, уларга бўлган ҳуқуқларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, таърифи техник билимларни, уларга ҳуқуқларни жорий қилиш эса юридик билимларни талаб қиласди.

Кўчмас мулк обьектини рўйхатдан ўтказиши ва унга бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш обьектга бўлган ҳуқуқий мулкчилик муносабатлари ва шу муносабатнинг ўзи ўртасидаги алоқадорликка боғлиқ. Ҳуқуқий муносабатлар кўчмас мулк субъектларининг обьектлар бўйича ўзаро алоқалари билан тавсифланади. Кўчмас мулк обьектисиз ҳуқуқий муносабатлар предметига эга бўлмайди, шу пайтнинг ўзида, кўчмас мулк обьекти борасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг бўлмаслиги унинг мавжудлигини инкор эта олмайди.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва битимларини давлат рўйхатидан ўтказиш – бу ЎзР ФК га мувофиқ кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни пайдо

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

бўлиши, чекланиши, бир шахсдан иккинчисига ётиши ёки тугатилишини давлат томонидан тан олиш ва қайд этиш борасидаги ҳукуқий ҳаракат. Бу фуқаролик битимлари ва уларда юзага келувчи ҳукуқ ва мажбуриятларнинг, ҳамда ҳукуқ ва мажбуриятлар юзага келиши учун бошқа асосларининг легаллашувиdir. Ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ҳукуқий таҳлили бу фаолиятнинг асосий таркибини ташкил қиласи.

Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида қўлланма рўйхатидан ўтказишни батафсил регламентлайди ва кетма-кетлик босқичларини аниқлаган ҳолда тартибини белгилайди. *Давлат рўйхатидан ўтказиши тартиби – бу рўйхатга оловчи орган шаклидаги давлат ва рўйхатдан ётиши учун мурожсаат қилган шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга соловчи меъёрлар ийгинидисидир.*

Мулкий ҳукуқлар абсолютdir, яъни бундай ҳукуқлар субъектлари ўз ҳукуқларини учинчи шахслар кўмагисиз, мустақил равиша амалга ошира оладилар. Шунинг учун, ЎзР ФК да регламентация қилинган ҳар қандай мулкий ҳукуқ рўйхатдан ўтган бўлиши шарт.

Давлат рўйхатидан ўтказишининг асосий мақсади – бу фуқаролик муносабатлари иштирокчиларининг кўчмас мулк обьектларига бўлган мулкий ҳукуқларини муҳофазалаш. Ҳеч қандай мулкдор рўйхатдан ўтмай туриб, ўзининг кўчмас мулк обьектига бўлган ҳукуқларнинг ҳақиқийлигига амин бўла олмайди. Шунингдек, кўчмас мулк билан боғлиқ муносабатлар соҳасидаги ҳукуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш ва тўхтатиши хам давлат рўйхатидан ўтказиш институтининг вазифаси ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтганлик - барча шахслар учун рўйхатга олинган ҳукуқнинг мавжудлигини (агар у суд тартибида нотўғрилиги исботланмаган бўлса) исботловчи ягона далилдир.

Турап жой бино ва иншоотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун техник инвентаризация бюроси (БТИ) ҳар бир шаҳар ва шаҳарча, шаҳарларда эса ҳар бир туман бўйича реестр китобларини, нотуар жой бино ва иншоотлари учун эса давлат кадастр хизматлари – туман, шаҳар кадастр китобларини юритади.

Маҳфийлик режимига эга бино ва иншоотлар маҳсус кадастр китобида рўйхатдан ўтади. Уни юритиш хусусиятлари ва бу обьектларнинг рўйхатдан ётиш маълумотларидан фойдаланиш шартлари Қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Давлат рўйхатидан ўтилаётганда кадастр (реестр) китобида бино ва иншоотларга бўлган эгалик ҳукуки ёки бошқа мулкий ҳукуқлар (пайдо бўлиши, чекланиши, бир шахсдан иккинчисига ётиши ва тугатилиши), ҳамда обьектни тавсифловчи бошқа маълумотлар қайд қилинади.

Кадастр ва реестр китобидаги қайдномалар кадастр участкалари бўйича олиб борилади. Ҳар бир бино, иншоот учун алоҳида кадастр раками берилади.

Рўйхатдан ётиш вақтида номаълум бўлган, бино, иншоотнинг рўйхатдан ўтганлик ҳукуқини аниқлашга катта таъсир қиласидиган шароитларни

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

оидинлаштиришда хуқуқнинг рўйхатдан ўтганлигини бекор қилиш суд тартибида амлга оширилади.

Кадастр ва реестр китобларига, ҳар бир фонд учун алоҳида, маҳсус реестрлар юритилади.

Бино ва иншоотларни мулқдорлари ҳисобига давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулк кадастри хизмати ёки БТИ да, ҳақиқий, хуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда амалга оширилади.

Бино ва иншоотларга бўлган хуқуқнинг пайдо бўлиши, бир шахсдан иккинчисига ўтиши ёки бошқа мулкий хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун юридик шахслардан энг кам иш ҳақининг иккidan бир қисми миқдорида, жисмоний шахслардан эса ўндан бир қисми миқдорида тўлов ундирилади. Эгалик хуқуқининг ёки бошқа мулкий хуқуқлар субъекти ўзгаришини келтириб чиқармайдиган, объектнинг хуқуқий ҳолатини ўзгариши шароитида кўрсатилган миқдорнинг ярми ундирилади. Давлат рўйхатидан ўтиш ҳақидаги гувоҳнома бланки учун алоҳида тўлов амалга оширилади.

Бундан ташқари, бино ва иншоотнинг бирламчи рўйхатдан ўтиш жараёнида мулқдорга 02.06.97. да қабул қилинган №278 сонли ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк давлат кадастрини юритиш ҳақида” ги Қарори билан тасдиқланган шаклида бино ва иншоотнинг давлат рўйхатдан ўтиганлиги ҳақидаги гувоҳнома берилади.

Кўйидаги ҳолатлар аниқланганда рўйхатдан ўтказувчи органнинг мажбуриятлари:

а) мулқдорларида қонуний расмийлаштирилган ҳужжатлар мавжуд бўлиб, бино ва иншоот давлат рўйхатидан ўтмаган бўлса, уни умумий шартларда рўйхатдан ўтказиш;

б) бино ва иншоот мулқдорларида қонуний расмийлаштирилган ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолда, уларга умумий тартибида ҳужжатларни расмийлаштиришни таклиф қилиш;

в) эгаси бўлмаган ёки номаълум бўлган бино ва иншоотларни давлат мулкига ўтказиш масаласини қўтариш;

г) ўзбошимчалик билан барпо этилган бино ва иншоот ҳақида туман, шаҳар ҳокимияти ёки хуқуқи поймол этилган шахсга, тегишли чора кўрилиши учун хабар бериш.

Кўчмас мулк давлат кадастри хизмати, БТИ томонидан рўйхатдан ўтказилмайдиган, қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни бегоналаштириш тегишли шаклдаги маълумотномалар берилмайди. Бу ҳолатда кўчмас мулк давлат кадастри хизмати ёки БТИ нинг қурилишнинг тайёрлиги ва унинг қиймати ҳақидаги ҳужжати асосида туман, шаҳар ҳокимияти томонидан бегоналаштиришга рухсат берилади. Бино ва иншоотга умумий улушли хуқуқ асосида эгалик қилинса, маълумотномада хуқуқларни белгиловчи ҳужжатларга мувофиқ ҳар бир мулқдорнинг улуси кўрсатилиши керак, бунда бино, иншоотнинг қисмини бегоналаштирувчи шахс биринчи бўлиб кўрсатилиши шарт.

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

Эгалик хуқуқи битим тузилган вақтдан эмас, балки унинг давлат рўйхатидан ўтган вақтидан бошлаб пайдо бўлганлиги сабабли, айнан кўчмас мулк обьектига хуқуқининг ўтиши текширилиши лозим.

Рўйхатга олиш жараёни рўйхатга олувчи томонидан аризачининг хужжатлари қабул қилиниши билан ва давлат пошлинасининг тўланишидан сўнг бошланади.

Бундан ташқари, ҳар бир битим турига мувофиқ хужжатлар мажмуаси ва аризачи имзоси билан тасдиқланган рўйхат тақдим этилиши керак бўлади.

3.3. Кўчмас мулк обьектларига солик солиш тизими

Кўчмас мулк соҳасидаги солик солиш обьектлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади: юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки, ер участкалари, кўчмас мулк обьектини сотишдан тушган даромадлар, кўчмас мулк соҳасидаги алоҳида фаолият турлари (ишончли бошқарув) ва бошқалар. Битта кўчмас мулк обьекти бир турдаги соликка бир маротаба тортилади. Бундай солиқларнинг сўзсиз устунлиги шундаки, солик базаси¹⁴ нисбатан турғун ҳамда макроиқтисодий рақамлар ва иқтисодиётдаги фаолликка боғлиқ бўлмайди.

Ер солиғи. Ердан фойдалангандик учун икки шаклдаги тўловлар белгиланган: *ер солиғи* (кўчмас мулк солиғи қучга киргунгача) ва *ижара тўлови*. Ер учун тўловнинг жорий қилинишидан мақсад – рационал фойдаланишни, ерларни қўриқлаш ва ўзлаштиришни, ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишни рағбатлантириш, турли хил сифатга эга ерларда хўжалик юритишнинг ижтимоий-иктисодий шароитларини тенглаштириш, ахоли пунктларида инфратузилмани ривожлантиришни таъминлаш, бу тадбирларни молиялаштириш учун маҳсус фонdlарни шакллантириш.

Солик кодексига кўра кўчмас мулкка эга бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг ер участкалари майдонига доир маълумотномалари солик солинадиган база бўлиб ҳисобланади.

Бир йил ичida ерга эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи солик тўловчига ўтган бўлса, бундай ерлар учун солик солиш базаси ер участкасига нисбатан тегишли хуқуқларнинг вужудга келгандан сананинг кейинги оидан бошлаб ҳисобланади. Ер участкаси майдони кичрайиши ҳолатида солик солиш базаси ер участкаси майдони кичрайиши рўй берган ойдан бошлаб кичиклашади.

Ер солиғи ставкалари, ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Қонунга мувофиқ белгиланади.

Ер участкаларини ижарага берилган ҳолатда, ер учун тўлов ижара тўлови кўринишида олинади. Ижара тўлови ер солиғига тенглаштирилади. Ерни ижарага олган шахслар, ер солиғи тўловчиларига белгиланган тартибда, бюджетга ер учун ижара тўловини тўлайдилар.

Ер участкаси эгасининг ер солиғини тўлаш мажбурияти шу ерга эгалик хуқуқи давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб пайдо бўлади. Шу билан

¹⁴ Солик солиш обьектининг қўймат, жисмоний ёки бошқа тавсифи назарда тутилади.

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

бирга, учатканинг сотувчиси, эгалик ҳуқуқи тугатилиши давлат рўйхатидан ўтадиган вақтгача, ер солиғи тўловчиси бўлиб қолади.

Ер солиғидан қўйидаги юридик шахслар озод қилинади:

1) маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари, бўйсунувидан қатъи назар, ўз зиммаларига юклangan вазифаларни амалга ошириш учун уларга ажратилган ер участкалари учун;

2) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, “Нуроний” жамғармаси ва “Ўзбекистон Чернобилчилари” ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёров фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно. Кўрсатилган имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқини аниқлашда ишчиларнинг умумий сонига штатдаги ишчилар киритилади;

3) қайта ташкил этилган дехқон (фермер) хўжаликлари - давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

4) тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, ер участкаларидан тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдаланаётганларидан ташқари.

Солиқ солинмайдиган ер участкаларига қўйидаги ерлар киради:¹⁵

- шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, ариқ тармоқлари, қабристонлар ва бошқалар);

- жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигининг, жамоа гаражларининг умумий фойдаланишдаги ерлари;

- табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ерлар (давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар, ов қилишга мўлжалланганлари бундан мустасно, табиат ёдгорликлари), ихота дараҳтзорлари эгаллаган ерлар;

- тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (тарихий-маданий қўриқхоналар, хотира боғлари, саваналар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар);

- сув фонди ерлари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, дengizlар, музликлар, ботқоқликлар, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув ҳавзалари соҳилидаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар);

- электр узатиш линиялари, подстанциялар, умумдавлат алоқа линиялари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, темир йўлларнинг умумий тармоғи, умумий фойдаланишдаги шаҳар электр транспорти (шу жумладан метрополитен) ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

¹⁵ ЎзР СК 101 модда

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

•спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари, оналар ва болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

•магистрал сув қувурлари, нефть ва газ қувурлари, иссиқлик трассалари, магистрал канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, шунингдек сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа объектлар эгаллаган ерлар; (ЎзР 25.12.1998 й. 729-І-сон Қонуни тахриридаги банд)

•самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, шу жумладан уларни ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари жойлашган ерлар;

•Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар - қурилишнинг норматив муддати даврига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилган объектлар эгаллаган ерлар; (ЎзР 25.12.1998 й. 729-І-сон Қонуни тахриридаги банд)

•гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

•илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари;

•янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган сугориладиган ерлар-лойихада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга;

•захирадаги ерлар;

•рекреацион аҳамиятга молик ерлар (аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмини ташкил этиш учун тегишли муассасаларга берилган ерлар: ўрмон боғлари, боғлар, хиёбонлар, пляжлар ва бошқалар);

•соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (касалликларнинг олдини олиш ва одамларни даволаш ишини ташкил этиш учун қулай табиий омилларга эга бўлган ерлар);

•якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида белгилangan нормалар доирасида берилган ерлар - ер участкалари берилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

•солик тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектлар эгаллаган ерлар. (ЎзР 25.12.1998 й. 729-І-сон Қонуни тахриридаги банд)

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи, ҳудди ер солиғи каби маҳаллий соликларга киради ва бевосита кўчмас мулк обьекти мулқдоридан ундирилади. Кўчмас мулк (турап жой уйлари, хонадонлар, дала ҳовлилар, гаражлар ва бошқа қурилмалар, бино ва иншоотлар) эгалари, мулкларидан фойдаланиш-фойдаланмасликларидан қатъий назар жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар бўлиб ҳисобланishiadi.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкини инвентаризация қилиш қиймати солик солинадиган база бўлиб ҳисобланади ва у техник инвентаризациялаш органлари томонидан аниқланади.

Инвентаризация қилиш қиймати – бу эскириш ва қурилиш маҳсулотлари, иш ва хизматларга бўлган нархларнинг ўсиш динамикасини ҳисобга олган ҳолдаги обьектнинг қайта тиклаш қиймати.

Агар жисмоний шахсларнинг мол-мулки баҳоси тегишли ваколатли идоралар томонидан аниқланмаган бўлса, бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан мол-мулкнинг шартли қиймати белгиланади ҳамда ўрнатилган ставкалар асосида солиқка тортилади.

Агар бир нечта обьектнинг солик тўловчиси битта жисмоний шахс бўлса, у ҳолда солик солинадиган база ҳар бир обьект бўйича алоҳида ҳисобланади.

Солик қонунчилигига кўра қуидаги жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган иморатлари, бинолари ва иншоотларига солик солинмайди:

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Мехнат қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг мулки. Ушбу имтиёз тегишли равишда «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлик ҳақида гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Мехнат қаҳрамони китобчаси, орден китобчаси ёки ҳавфсизлик ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва партизанлари, уларга тенггластирилган шахслар, ички ишлар ва давлат ҳавфсизлиги органлари таркибида хизмат қилган шахсларнинг, ҳаракатдаги армия таркибиға кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда штатдаги лавозимларни эгаллаган шахслар, Ленинград шаҳри қамалида бўлганларнинг ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўкув ва синов йигинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг мулки. Ушбу имтиёз тегишли равишда уруш ногирони гувоҳномаси ёки ҳавфсизлик ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси, бошқа ногиронларга – имтиёзга ҳуқуки боригини тасдиқловчи гувоҳнома асосида берилади;

3) ўн нафар ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларнинг мулки. Ушбу имтиёз берилишига фарзандларнинг мавжудлигини тасдиқловчи, ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан берилган маълумотнома асос бўлади;

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

4) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар олаётган фуқароларнинг (шу жумладан, у ерга вақтинча ёки хизмат сафарига юборилган фуқароларнинг) мулки. Ушбу имтиёз тегишли равишида врачлик-мехнат эксперт комиссияси томонидан берилган маълумотнома, маҳсус ногиронлик гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирокчиси гувоҳномаси, ваколатли давлат органлари томонидан берилган бошқа ҳужжатлар асосида тақдим қилинади;

5) солик солинмайдиган майдон ўлчами доирасида нафақахўрларнинг мулки. Ушбу имтиёз нафақахўрлик гувоҳномаси асосида берилади;

6) I ва II гурӯҳ ногиронларининг мулки. Ушбу имтиёз нафақахўрлик гувоҳномаси ёки врачлик-мехнат эксперт комиссияси томонидан берилган маълумотнома асосида берилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик давлат солик хизмати органлари томонидан, солик тўловчининг яшаш жойидан қатъий назар, объектнинг жойлашган жойи бўйича, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиги уларнинг ҳар йил 1 январдаги ҳолати юзасидан техник инвентаризациялашнинг ҳудудий кадастр бюролари тақдим этадиган инвентаризация қийматига доир маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқарилади, бундай маълумотлар бўлмаган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланган мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

Мол-мулк солигини тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномалари тўловчиларга давлат солик хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Ҳисобланган йиллик солик миқдори жисмоний шахслар томонидан солик даври учун teng улушларда бир йилда икки марта:

- ҳисобот йилининг 15 июнь санасигача,
- ҳисобот йилининг 15 декабр санасигача тўланади.

Назорат учун саволлар:

1. Кўчмас мулк соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатлар қандай гурӯҳларга ажратилади?
2. Давлат ғазнасига мулкни ўтказиш ҳуқуқи қандай ҳуқуқлар гурӯҳига киради?
3. Кўчмас мулк соҳасидаги ҳуқуқ манбалари қайсилар?
4. Уй-жой муносабатларига таъриф беринг ва уларнинг асосий гурӯҳларини санаб беринг.
5. Давлат уй жой фондини хусусийлаштиришнинг асосий тамойиллари қандай?
6. Ер қонунбузарликларини содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга органлар қайсилар?

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

7. Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида нималарни биласиз?
8. Ер солиғидан қандай юридик шахслар озод қилинади?
9. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг солиқ солиши базаси нима?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. A Companion to Urban Economics. RICHARD J. ARNOTT Boston College, Massachusetts DANIEL P. McMILLEN University of Illinois at Chicago. 2010 by Blackwell Publishing Ltd
2. Corporate Real Estate Asset Management. by Barry Haynes, Nick Nunnington. 2012.
3. В.У. Ёдгоров, Д.Ш. Мирджалилова “Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш” Дарслик. Тошкент., “Чўлпон” нашриёти, 2015 йил.
4. М.М.Мирахмедов, В.У.Ёдгоров, Д.Ш. Мирджалилова, Г.А. Нигманова. “Кўчмас мулк иқтисодиёти”. Дарслик. ТАҚИ - 2013 йил.

4-маъруза:Кўчмас мулк обьектларини ривожлантириш масалалари. Девелопментнинг асосий тушунчалари ва тамоиллари

Режа:

- 4.1. Девелопментнинг асосий тушунчалари
- 4.2. Девелоперлик фаолиятининг тамоиллари
- 4.3. Девелопментнинг турлари
- 4.4. Девелопментнинг самарадорлиги

Таянч иборалар: Девелопмент, девелопер, инвестор, девелопмент функциялари, девелопернинг мажбуриятлари, девелоперлик лойиҳаси, девелоперлик (бошқарувчи) компания, Fee-девелопер, классик ленд-девелопмент, шаҳар ҳудудларини функционал зоналаштириши, маъмурий-бошқарув нуқтаи назаридан зоналар, ҳудудий-иктисодий зоналаштириши.

4.1. Девелопментнинг асосий тушунчалари

Ер участкалари, ҳудудлар, иншоотлар ва бошқа кўчмас мулк обьектларини ўзлаштириш ва ривожлантириш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти кўчмас мулк бозорида алоҳида аҳамият касб этади. Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда бу фаолият “девелопмент” деб аталади.¹⁶ Девелопментнинг намоён бўлиш моҳиятини қуидагича кўрсатиш мумкин:

¹⁶ Development (ингл.) – ривожланиш, иқтисодий ва ижтимоий тузилмаларни камраб олувчи, сифатли баҳоланишни талаб қилувчи узоқ муддатли жараён.

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

1) Моддий жараёнларни қайта шакллантириш натижасида даромад олиш мақсадидаги тадбиркорлик фаолиятининг муҳим тури;

2) Бинолар, иншоотлар ёки ер участкасида қурилиш (таъмирлаш) ва бошқа ишлар оиб бориш натижасида қўчмас мулк объектиning қайта шакллантирилиши ёки уни янги нисбатан каттароқ қийматга эга қўчмас мулк объектига ўзгартериш.

Девелопмент тадбиркорлик фаолиятининг шакли сифатида лойиха иштирокчилари гурухини тузиш, бозорни ўрганиш, маркетинг, лойиҳалаш, қурилиш, молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби, мулкни бошқариш ва бошқаларни ўз ичига оловчи қўчмас мулк обьекти ривожланиши (шаклланиши) нинг инвестицион жараёнида намоён бўлади. Бундай фаолият соҳаси узоқ ҳаёт циклига эга анчагина катта инвестицияларни талаб қиласди ва қўчмас мулк обьектлари узоқ вақт давомида пул маблағларининг доимий оқимини таъминлаб туришлари мумкин. Шундай қилиб, девелопмент инвестицион лойиҳанинг бир тури бўлиб ҳисобланади.¹⁷

Девелопер – бу лойиҳани молиялаштириш ва шакллантирилган қўчмас мулк обьектини реализация қилишни ўз ичига оловчи қўчмас мулк обьектларини ривожлантиришнинг мавжуд вариантларидан энг мақбулини ташкил этувчи тадбиркордир.

Собиқ совет иқтисодиётида келтириб ўтилган вазифаларнинг баъзилари буюртмачи томонидан, баъзилари эса бош пудратчи ролидаги қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилар эди. Аммо, ҳар иккала тараф ҳам давлат томонидан молиялаштириш ва моддий – техник таъминот ишлари кафолатланган шароитларда ҳаракат қилганлар. Улардан инвестицияларни бошқариш талаб қилинмаган – барча иқтисодий фаолият ҳисбот ва бухгалтериянинг хизмат вазифаларига киритилган.

Миллий амалиётда девелопмент, ўзининг классик кўринишида, Тошкентда ўтган асрнинг 90 – йилларида, шаҳарда “банк уйлари” деб номланувчи уйлар қурилиши бошланган вақтда юзага келган. Турли хил банкларнинг кредитлари ҳисобига шаҳарда турар жой уйлари қурилган. Битта ер участкасининг ўзида бир нечта уйлар ёки бутунлай алоҳида даҳалар қурилиши режалаштирилган. Ернинг муҳандислик тайёргарлиги марказлаштирилган ҳолда бажарилган, худудлардаги қурилиш регламенти ишлаб чиқилган, табиий монополиячилар билан келишувлар амалга оширилган, кейин эса даҳаларни лотларга бўлиб, “ким ошди савдолари” га тақдим этилган. Ер сотиб олган қурилиш ташкилотлари эса дарҳол қурилиш ишларига киришишлари мумкин бўлган.

Барча ўзига хос девелопментни юритиш йўналишига эга. Бунда собиқ қурувчилар (“СУ-12”, “СУ-159”, “СУ мосстрой”, “Габус”), ишбилармон риэлторлар, йирик молия – саноат гуруҳлар бўлинмалари ёки компаниялар ривожланиб бормоқдалар. Уларнинг барчаси ягона стратегияга таянадилар:

17 «Проект – целенаправленное ограниченное во времени мероприятие, направленное на создание уникального продукта или услуги» (Управления проектами: Основы профессиональных знаний, национальные требования к компетенции специалистов. – М.: Изд-во «Консалтинговое агентство “КУБС Групп Кооперация, Бизнес-Сервис”», 2001.

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

асосий фондларни фаол ўстириш ва инвестиция – қурилиш жараёнининг барча босқичларининг тўлиқ назоратини амалга оширувчи тизимни ташкил этиш. Инвестицион капитални ўстириш девелоперларга нисбатан йирик лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, инвестицион фаолият девелоперларга асосий даромадни келтирса, девелопмент ўз навбатида фаолият сифатида фойдани максималлаштириш имкониятини яратиб беради. Инвестор ва девелопер функцияларининг битта шахсада жамланиши – бу фаолият турларининг энг самарали бирлаштирилишидир.

Ҳозирги кунда, турар жой қурилиши билан шуғулланувчи деярли барча қурилиш ташкилотлари ўзларини ҳақли равишда девелопер деб атashади, чунки қурилиш олиб бориш мумкин бўлган кўпгина ер участкалари қурилишга бутунлай тайёрланмаган ҳолда бўлган: участкалар юридик расмийлаштирилмаган, муҳандислик тизимлари бўлмаган ва х.к. Қурилиш ташкилотлари ер участкаларини қурилишга тайёрлаш бўйича ҳам меҳнат қилишга ҳам мажбур бўлганлар, бунда уларнинг ҳар бири ўз бизнесига хос равишда девелопмент билан шуғулланган: тайёрланган ерда қурилиш ташкилоти турар жой барпо этган, унга инвестицияларни жалб қилган, оқибатда қуриб битирилган обьектларга хизмат кўрсатишни ташкил этган.

Миллий амалиётда эгалик ёки ижара хуқуқи асосида ер участкасига эга бўлган, обьект қурилиши ёки реконструкцияси ҳақида қарор қабул қилган, қурилиш (реконструкция) ни молиялаштириш тартибини аниқлайдиган ва лойиҳа олди босқичидан то обьектни ишга туширишгacha бўлган муддатда уни реализация қилиш бўйича ишларни тақсимлайдиган юридик ёки жисмоний шахс буюртмачи деб аталади. Шунда ўринли савол туғилади: бу тушунчалар ўзаро эквивалентми?

Сўзсиз, йўқ! Бу ҳолатда девелопмент функциялари буюртмачи томонидан бажарилади.

Девелопернинг профессионал – тадбиркор сифатидаги роли унинг функциялари орқали аниқланади. Улардан энг муҳими – кўчмас мулк обьектини ривожлантиришнинг мумкин бўлган вариантларидан энг мақбулини танлаш, кўчмас мулк обьектлари ривожланиши лойиҳасини молиялаштиришнинг оптимал тартибини таъминлаш, лойиҳа реализацияси, ҳамда сотиш, ижарага бериш ва бошқалар орқали яратилган кўчмас мулк обьектини реализация қилиш.

Одатда, девелопернинг мажбуриятларига қуидагилар киради: лойиҳанинг концептуал тижорат ғоясини танлаш ва аниқлаш; концептуал ғояга оптимал даражада мос келувчи майдонни танлаш ва унга бўлган хукуқларни қўлга киритиш; маркетинг; инвесторларни жалб қилиш механизmlарини излаш (шу билан бирга, колектив инвестициялаш тартибини ривожлантириш ва молия бозори билан алоқаларни мустаҳкамлаш орқали ҳам); лойиҳани молиялаштиришни ташкил қилиш; лойиҳалаш ва қурилишни ташкил қилиш ва бошқариш; қурилиши тугалланган обьектни кейинги эксплуатация шарти билан ижарага бериш ёки сотиш. Функционал

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

йўналтирилганлик бўйича офис, савдо, турар жой, меҳмонхона, спорт, кўнгил очар, рекреацион ва аралаш девелопмент турлари фарқланади.

Аммо, бозор иқтисодиётининг асосий тамойилига биноан, девелопер инвестицион лойиҳани реализация қилмай, балки уни қурилиш ишларини бошлаш учун юқори тайёрлик даражасига етган вақтда сотиб юбориши ва бошқа инвестицион лойиҳа билан шуғулланиши мумкин.

Девелопмент – бу шундай йўналишки, унга бизнеснинг бошқа даромадли йўналишлари ўз даромадларининг салмоқли қисмини ўтказадилар, қарзга олинган воситаларнинг эркинлиги, уларнинг оборотга киритилиш механизмининг ривожланиши ва молиявий инструментларнинг хилма хиллиги девелопментнинг ривожланиши ва амал қилишига қулай муҳит яратиб беради. Шу билан бирга, девелопмент, тадбиркорликнинг бошқа турлари каби нафақат региондаги инвестицион иқлимга, балки мамлакатдаги сервис маданиятига ҳам боғлиқдир.

Девелопментнинг моҳияти – бу кўчмас мулк соҳасида инвестицион лойиҳаларини бошқариш бўлиб, у ўз ичиға қуидагиларни олади:

- иқтисодий самарали бўлган девелоперлик лойиҳасини танлаш;
- лойиҳани амалга ошириш учун энг оптимал вақтни танлаш;
- лойиҳани амалга ошириш учун тегишли органлардан керакли рухсатномаларни олиш;
- инвестицияларни жалб қилиш шартларини аниқлаш, керак вақтда уларни қайтариш механизми ва шаклларини ишлаб чиқиш;
- инвестрларни қидириш ва жалб қилиш;
- пудратчиларни танлаш, уларнинг фаолиятини молиялаштириш вайшларини назорат қилиш;
- қурилиш “ноу-хау” ларидан фойдаланиш;
- яратилган кўчмас мулк обьектини реализация қилиш ёки уни буюртмачига фойдаланишга топшириш.

Девелопмент бир нечта ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланади:

- ишнинг натижалари учун комплекс жавобгарлик;
- лойиҳаларнинг юқори даражадаги капитал талаблиги;
- инвестицион циклнинг узоқ муддатлилиги;
- лойиҳанинг бўлинмаслиги;
- инновацион характер;
- хизматлар/товарларнинг максимал комплексланиши;
- фаолиятнинг молиявий натижаларини яхшилаш;
- ишларнинг юқори сифатини таъминлаш.

Қуида девелопмент тушунчаси билан яқиндан алоқадор тушунчаларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Девелоперлик лойиҳаси – бу лойиҳани амалга оширишни бошқаришга бўлган комплекс ёндашувни назарда тутувчи инвестицион лойиҳа. Ушбу тушунча буюртмачининг ўзи томонидан амалга ошириладиган шахсий лойиҳасига тенгглаштирилади.

Кўчмас мулкдан фойдаланиши ташкил этишнинг замонавий усуллари

Девелоперлик (бошқарувчи) компания – бу буюртмачининг (бош буюртмачи, инвестор) буюртмасига биноан лойиха циклиниң барча босқичларида - бозорни ўрганиш ва инвестицияолди тадқиқотларидан тортиб то лойихани тугатишгача - қурувчи вазифаларини комплекс тарзда бажарувчи компания (фирма, корхона).

Лойихаларни бошқариш – бу лойиханинг ҳаёт цикли давомида инсон ва моддий ресурсларни ташкиллаштириш, режалаштириш, бошқариш, координациялаш усули бўлиб, у замонавий усуллар, бошқариш техника ва технологияларини қўллаш йўли билан мақсадларга самарали эришишга йўналтирилган.

4.2. Девелоперлик фаолиятининг тамойиллари

Кўчмас мулк девелопменти иккита ўзаро боғлиқ мақсадларни кўзлади:

- жамоат инфратузилмасининг ривожланиши учун ер ресурсларидан рационал фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий ҳарактердаги;
- қўйилган капиталнинг қийматини ошириш билан боғлиқ тижорат ҳарактеридаги.

Шунинг учун у бир томондан инвестицион лойихалаш тамойиллари ва усуллари, ердан фойдаланиш қоидалари ва тегишли мамлакат ва регионларда қабул қилинган шаҳарсозлик регламентларига асосланса, бошқа томондан – бозор конъюктураси, рақобатчилик муҳити ва кўчмас мулкнинг энг юқори қийматига эришиш шартларини ўрганиб чиқишига асосланади. Бундан ташқари, профессионал девелоперлар ўзларининг шахсий ва миллий амалиёт натижаларига ҳамда юзлаб амалга ошган лойихаларда ўз тасдифини топган тамойилларга ҳам таянадилар.

Хорижий ва миллий тажрибаларни ўрганиб чиқиш асосида девелопментнинг қуйидаги асосий тамойилларини шакллантириш мумкин:

- бозордаги талаб ва эҳтиёжларга жавобан хизмат кўрсатишида сегментлаш, локаллаштириш ва даврлаштириш тамойили, бунда девелопментнинг муваффақиятлилиги бозорнинг маълум сегменти ҳаридорларига маълум жойда ва маълум муддатда хизмат кўрсатиш билан аниқланиши назарда тутилади;
- девелопмент ривожланишининг даврийлик тамойили унинг иқтисодий цикл босқичлари билан боғлиқ равишда нотекис активлигини билдиради;
- босқичма-босқич амалга оширилиш тамойили девелопмент жараёнининг хар бир босқичи аввалги босқичдаги ишнинг сифатига боғлиқлигини билдиради;
- лойиханинг уни амалга ошириши шартларига мослашии тамойили лойихани деталлаштириш ва назорат қилиш даражаси ўзгарувчан маълумотлар оқимининг сифатига мос бўлиши кераклигини билдиради;
- ташкилий ва молиявий мувофиқлик тамойили лойихани амалга оширувчи гурухнинг тўғри ташкил этилишини ва қўйилган мақсад

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

шартларига жавоб берувчи ҳажм ва муддатларда капитал жалб қилиш имконини назарда тутади;

– номутаносиблик тамойтили лойиха масштаби ва уни амалга ошириш учун кетган энергия сарфининг номутаносиблигини билдиради.

4.3. Девелопментнинг турлари

Катта молиявий ресурсларга, маъмурият аро алоқаларга эга компаниялар fee-девелопер¹⁸ деб аталувчи маҳсус компаниялар хизматидан фойдаланган ҳолда девелоперлик лойиҳаларини инвестициялашлари мумкин.

Fee-девелопер – бу ўз молиявий қўйилмаларисиз, буюртма асосида девелоперлик лойиҳасини амалга оширувчи компания. Хизматлар мажмуи (loyihanning маркетинг нонцепцияси, лойиҳаолди келишувлари, архитектуравий блок, қурилиш, босқичлар стратегияси, сотув ва х.к.) ни тўлиқ таъминлаган ҳолда fee-девелопер бутун лойиҳа қийматининг 10-20% миқдорида комиссия пули олади. Бу инвестор ва девелопернинг вазифалари аниқ ажратилган бизнес моделидир. Ғарбий Европа ва АҚШда ҳамма девелоперлар орасида fee-компаниялар салмоғи 50% дан ортиқ.

Ўзбекистонда ҳам fee-девелоперлар сегменти мавжуд. Аммо бу ўта ёпиқ бозор ва осонликча келиб, ўзига fee-ҳамкор танлаш жуда мушкул, бироқ мумкин. Аутсорсингда девелопментнинг тўлиқ мажмuinи олиб борувчи компаниялар ҳақида маълумот етарли эмас.

Кўчмас мулк соҳасида fee-девелопментнинг фаол ривожланишини инвестицион ва девелоперлик бизнесларининг даромад кўрсаткичлари тенглашган ҳолатдагина кузатишимиш мумкин. Кўчмас мулкни инвестиациялашдан келадиган даромад пасайиб, fee-девелоперлар комиссиясининг миқдори эса, аксинча, ўсиб бораётганини бунга исбот тариқасида келтириш мумкин. Fee-девелопментнинг рентабеллиги ўсиб боргани сайин, бозор иштирокчиларининг кўпчилиги бу йўналиш билан асосий бизнес сифатида шуғулланмоқдалар.

Миллий кўчмас мулк соҳасидаги инвестициялар ҳажмининг ўсиши, айниқса, тижорат қурилиши бўйича ер участкаларига бўлган талаб ва нархларнинг кўтарилишига олиб келди. Бунинг оқибатида эса, асосий мақсади – худудни қурилиш жараёнини бошлаш учун тайёрлаб бериш бўлган ленд – девелопментнинг фаол ривожланиши кузатилди.

Классик ленд-девелопмент – бу атроф-мухитни шакллантириш, участкалар ликвидлиги ва уларнинг инвестицион жозибадорликларини оширишdir.

Хорижлик ва ўзбек девелопер ҳамда инвесторлар ери бир категориядан бошқасига ўтказиш масаласига вақт сарфлашни ҳоҳламай, хусусий мулқдорларнинг манфаатларини, улардан ер участкаларини сотиб олиш жараёнида, бирлаштирадилар ёки муҳандислик тармоқларига уланишнинг потенциал имкониятларини аниқлайдилар.

¹⁸ ингл. fee - "тақдирламок"

Кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

Ўзбекистон шароитида **ленд – девелопмент** атамасининг ўзи кенг маънони англатади – ерларни қишлоқ хўжалик категориясидан чиқаришдан то ҳудудларни мажмуавий ривожлантиришгача, ленд – девелопментнинг натижаси эса – бу биринчи навбатда, инвестицион маҳсулот, яъни қурилиш жараёнини бошлаш учун тайёрланган ер участкаси.

Бу натижага эришиш учун учта масалани ҳал қилиш лозим:

- биринчиси – концепцияни ишлаб чиқиш (ер участкасидан фойдаланишнинг энг самарали вариантини танлаш);
- иккинчиси – ер участкасини ҳуқуқий таъминлаш, шу ерларнинг категориялари ўзгарганини ҳисобга олган ҳолда¹⁹;
- учинчиси – муҳандислик-техник, бунга муҳандислик коммуникацияларига уланиш, йўл ва тармоқлар қурилиши, ҳамда жихозлаш ишлари киради.

Мутахассис ленд – девелоперлар ўzlари учун консалтинг, маркетинг, юридик хизматлар, лойиҳани бошқариш ёки лойиҳалаш кабиларни асосий фаолият тури сифатида танлаб, қолган хизматларни аутсорсингга олган ҳолда (пудрат ташкилотларни жалб қилиш), тўлиқ хизматлар доирасига ихтисослашган бўладилар, камдан – кам ҳоллардабутун ер участкасидаги қурилиш билан шуғилланадилар. Улар ерларнинг муҳандислик жиҳатидан тайёрлайдилар, тарх лойиҳасини амалга оширадилар ва шундан сўнг кичик – кичик ер участкаларини лотларга бўлган ҳолда, бошқа девелоперларга сотадилар.

Яқин келажакда, миллий кўчмас мулк бозорида ҳуқуқий, молиявий, ташкилий ва келишув масалаларини ҳал қилиш бўйича мажмуавий хизматлар кўрсатувчи, яъни битим тузилишидан то эгалик ҳақида гувоҳнома олиш ва объектни фойдаланишга топширишгача бўлган барча масалалар билан шуғулланувчи компаниялар пайдо бўлади.

Кўчмас мулк обьектининг янги, ўзгача қўлланиш соҳасига эга обьектга ўзгартириш натижасида кўчмас мулк обьекти қийматининг ўсиши билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти ғарбий иқтисодиётда **редевелопмент**, яъни иккиласми қурилиш деб аталади. Миллий амалиётда, тадбиркорлик фаолиятининг бу йўналиши “худудларни ривожлантириш” дейилади. Худудларни ривожлантириш жараёнида бир қатор жисмоний ва юридик шахслар иштирок этади. Редевелопер – бу худудларни ривожлантириш жараёнини бошқарувчи шахс. Ўзбек тилида маъно жиҳатдан энг мос келадиган тушунчалар – шаҳарсоз ва қурувчи, баъзида бујортмачи. Функционал хусусиятлари бўйича шаҳарсоз қўп ҳолларда шаҳар архитектори билан тенглаштирилади.

Худудларни инвестицион ривожлантириш концепцияси Республика (шаҳар, муниципал ёки бошқа ҳудудий бирлашмалар) субъектининг иқтисодий ва инвестицион ривожланиши умумий стратегиясининг қонун томонидан белгиланган асосий тамойилларига мос бўлиши керак.

¹⁹ Агар ер қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга эмаслиги исботланса, ерларни ўтказиш жараёни 8 дан то 14 ойгача муддатни қамраб олади. Акс ҳолда, ўтказиш қийинлашади, баъзида мумкин бўлмайди.

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

Худудларни ривожлантиришнинг стратегик режаси ҳудудий бирлашмаларнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини аниқлаш асосида шакллантирилади ва инвестицион лойиҳалар мажмуини ўз иига олади.

4.4. Девелопментнинг самарадорлиги

Девелопмент лойиҳасининг самарадорлиги турли нуқтаи назарлардан баҳоланиши мумкин:

- девелопер ва инвестор нуқтаи назаридан (тижорат самарадорлиги);
- иқтисодий ривожланишга таъсир нақтаи назаридан (иктисодий, халқ хўжалиги самарадорлиги);
- бюджет манфаатлари нуқтаи назаридан (бюджет самарадорлиги);
- ҳаёт фаолияти шартларига таъсир нуқтаи назаридан (ижтимоий самарадорлик).

Девелопмент лойиҳаларининг тижорат самарадорлиги ҳаражатлар ва натижаларнинг ўзаро нисбати, лойиҳанинг талаб этилувчи даромадлилигининг меъёрини таъминлаш билан аниқланади. Тижорат самарадорлигини баҳолаш – лойиҳани таҳлил қилишнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Девелопментнинг иқтисодий самарадорлиги иқтисодий жараёнларга бўлган кўчмас мулк ривожланишининг ижобий таъсирида намоён бўлади ва у қиймат кўринишида ифодаланиши мумкин. Иқтисодиётга девелопментнинг шартли позитив таъсирини икки нуқтаи назардан қараш мумкин: ҳудудий ва тармоқ.

Девелопментнинг таъсирига ҳудудий нуқтаи назардан қараганда, кўчмас мулкнинг ривожланиши фақатгина обьектлар сифатининг ўзгаришига эмас, балки уларнинг атроф-муҳитини ҳам ўзгаришига олиб келади. Бунда кўчмас мулкнинг ривожланиши мумкин бўлган вариантлардан энг яхшиси бўлиши керак. Фақатгина шу ҳолда девелопментнинг ҳудудлар ривожланишига бўлган ижобий таъсири максимал даражада бўлади ва уларнинг аҳамиятини имкон қадар ошишига ёрдам беради.

Девелопментнинг атроф-муҳитга таъсири ҳам локал (микро даражада), ҳам регионал, ҳаттоқи, миллий (йирик масштабли лойиҳаларда) аҳамиятга ҳам эга бўлади.

Девелопментнинг ҳудудлар ривожланишининг сифатига бўлган ижобий таъсирини максималлаштириш ҳудудларни ўзлаштириш масаласи юзасидан алоҳида кўчмас мулк обьектлари ривожланишини бошқа обьектлар билан комплекс равишда қарайдиган ташкилий-иктисодий шаклларни қўллаган ҳолда ёндашган ҳолда эришилади. Бундай шаклларга мисол сифатида ҳудудларни ривожлантириш агентликларини келтириш мумкин. Ҳудудларни ривожлантириш агентликлари (ХРА) кўчмас мулк обьектларидан энг самарали фойдаланиш мақсадида турли хил қўлланиш соҳасидаги кўчмас мулк обьектларининг ҳудудларида жойлашган мажмуаларнинг ва мулк шаклларининг ўзаро боғлиқ бўлган ривожланишини таъминлашга қаратилган. Самарадорлик кўчмас мулк жойлашган ҳудуд бозор қийматининг

Кўчмас мулқдан фойдаланиши ташкил этишнинг замонавий усуллари

ва даромадлилигининг ошиши, давлат бюджетига солиқ ва солиқсиз тўловлардан тушадиган тушумнинг ўсиши, ва асосийси, ҳудуд ва шаҳар (янги иш жойларининг пайдо бўлиши, ижтимоий инфратузилма обьектларининг ривожланиши, ҳудудни ободонлаштириш ва ҳ.к.) ахолиси фаровонлигининг яхшиланиши билан белгиланади.

Девелопментнинг иқтисодиётга бўлган таъсирига тармоқ (макроиктисодий) нуқтаи назардан қараш кўчмас мулк соҳасидаги юқори фаоллик таъсири билан белгиланади. Кўчмас мулкка киритиладиган инвестициялар иқтисодиётнинг турли тармоқлари (қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда, уй-жой коммунал хўжалигида, истеъмол товарларини ишлаб чиқаришда ва ҳ.к.)даги фаолликнинг ўсиши ва охир-оқибатда ялпи маҳсулот ва мамлакатдаги иш билан бандлик ўсишининг таъминланишига олиб келади.

Девелопментнинг бюджет самарадорлиги ўзини иккита асосий аспект, яъни тўғри ва эгри томондан намоён қиласи. Кўчмас мулкни ривожлантириш лойиҳаларининг тўғри бюджет таъсири девелопмент лойиҳаларини реализация қилиш жараёнида бевосита юзага келадиган тўловлар ва солиқларда ўз ифодасини топади. Бундай бюджет даромадларига қуриш ҳукуқи учун тўловлар, ер участкалари ижара тўловлари, қурувчи ва инвесторларнинг даромад солиғи, лойиҳани реализация қилиш жараёнида қатнашган ишчиларнинг иш ҳақидан солиқлар киради.

Эгри бюджет таъсири – бу яратилган кўчмас мулк обьектининг амал қилиш жараёнида бюджетга тушадиган даромадлар (ёки бюджет иқтисоди) бўлиб, уларга корхона даромадларидан солиқлар, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва ҳ.к., шунингдек, ахоли бандлигининг ўсиши, уларнинг даромадлари ўсиши ва ҳ.к.лар билан боғлиқ иқтисодлар киради.

Девелопментнинг ижтимоий самарадорлиги кўчмас мулк фонидаги ўзгаришлар таъсири остида яшаш муҳити ва фаолияти, даромадлари, ахоли ҳаёт сифатининг яхшиланиши кабиларда намоён бўлади.

Бизнес ва ахолининг маълум эҳтиёжларини қондирадиган кўчмас мулк обьектининг яратилиши ва моддийлик, узоқ муддатлилик, юқори капиталталаблилик каби тавсифлари бўйича бир қатор такрор ишлаб чиқариш босқичларида қатнашиш девелопментнинг натижаси бўлиб ҳисобланади.

Девелопмент лойиҳаларининг иқтисодий ва ижтимоий жараёнларига бўлган ижобий таъсири билан бир қаторда бу лойиҳаларни реализация қилиш негатив ташқи таъсиrlар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Улар вақтинчалик (қурилиш ишларини олиб бориш билан боғлиқ қулайсизликлар) ёки доимий (қурилишларнинг ҳаддан ташқари зич бўлгани сабабли яшаш муҳити сифатининг пасайиши, экологиянинг ёмонлашуви ва ҳ.к.) бўлиши мумкин. Бу негатив таъсиrlарни минималлаштириш девелопментнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Девелопментнинг ташқи негатив таъсиrlарни минималлаштириш бўйича назорат воситалари сифатида, биринчи навбатда, шаҳар ҳудудларини зоналаштиришдан, шунингдек, жамоат фикри, лойиҳаларнинг оммавий

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

тақдимоти, давлат стандартларининг жорий этилиши ва ҳ.к.лардан фойдаланилади.

Шаҳар ҳудудларини функционал зоналаштириш – меъёрий параметрлар (участканинг асосий вазифаси, унинг ўлчамлари, қурилиш билан банд ерларнинг коэффициенти, кўкаламзорлаштирилган ва очиқ кенгликлар улуши ва шу каби) мажмуини ўз ичига оладиган ердан оқилона фойдаланишнинг турли талабларини ҳисобга олишнинг умумий шакли.

Зоналаштиришда шаҳарсозлик тизимининг тузилмани шакллантирувчи ва локал ҳудудлари унинг амал қилишидаги турли аспектлар нуқтаи назаридан кўрилади: транспорт-функционал, визуал, табиий-экологик, тарихий-маданий, инженер-техник.

Маъмурый-бошқарув нуқтаи назаридан зоналар – умумий шаҳар, туман вазифасини бажарувчи, саноат зоналари, селитоб туманлар ва рекреацион зоналар, ахоли туаржой зоналарига ажратилади.

Функционал зоналаштириш – бу шаҳар ҳудудларини фойдаланиш ҳарактери, яъни функционал вазифаси бўйича фарқлаш. Функционал зоналарни ажратиш шаҳар ахолиси ҳаёт фаолиятининг асосий шакллари – меҳнат, майший ҳаёт, дам олиш учун энг яхши шарт-шароитларни яратишга имкон беради, модомики, бу фаолият турларининг ҳар бири шаҳар кенгликларини жойлаштириш ва ташкил этишга бўлган ўзига хос талабларни ўртага ташлайди.

Функционал зоналаштиришда асосий зоналар қуидагилар ҳисобланади:

- селитоб, туаржой ва жамоат биноларини жойлаштириш учун мўлжалланган;
- саноат – саноат, энергетика, транспорт ва бошқа обьектларни жойлаштириш учун;
- коммунал-омбор – омборларни, гаражларни, автобазаларни, транспорт деполарини, сув тўсиқларини, тозалаш иншоотлари, канализациялар, қабристонлар ва бошқаларни жойлаштириш учун;
- транспорт, алоқа ва муҳандислик коммуникациялари;
- рекреация – ҳиёбонлар, пляжлар ва бошқа дам олиш масканлари.

Шаҳарни функционал зоналаштириш, масалан, Тошкент шаҳрида қуидаги қўринишда ўтказилган:

Тошкент шаҳрида ерлар жами – 139936 минг гектар

Улардан: туаржой застройкаси – 8522 (3,1%)

жамоат застройкаси – 0 467 (7,5%)

жамоат фойдаланишидаги

саноат, тижорат ва

коммунал-омбор застройкаси – 7333 (5,2%)

транспорт, алоқа ва муҳандислик коммуникациялари – 8290 (5,9%)

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган – 29 449 (21%)

махсус қўриқланадиган ерлар – 2967 (2,1%)

рекреация ерлари – 36244 (25,9%)

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

сув объектлари – 5337 (3,8%)

ҳарбий ва бошқа режим объектлари – 6461 (4,6%)

шаҳарсозлик ёки бошқа фаолиятга жалб қилинган – 8276 (5,2%)

Кўпинча иқтисодий зоналаштиришдан фойдаланилади.

Худудий иқтисодий зоналаштиришни шаҳарни кадастр бўлиниши билан боғлаш мақсадга мувофиқ. Шаҳарни туманлаштиришни одатда, БТИ кварталлари билан боғлашади. Шаҳарни иқтисодий зоналарга ажратишда турли хил ёндошувлар мавжуд. Масалан, Тошкент шахрида 13 та зона ва яна бир қанча подзоналар ажратилган. Ҳар бир зона учун ўзининг солиқ ставкалари ўрнатилган.

Зоналар сони, турли шаҳарсозлик қийматига эга бўлган ҳудуд қисмлари сонига мувофиқ келиши керак. Бу зоналар орасидаги фарқ биринчи навбатда яшаш қулайликларидадир, бунга мос равишда аналог объектларнинг баҳоси иқтисодий зоналарда турлича бўлади.

– бу шаҳар ҳудудини унинг комплекс иқтисодий баҳоланишини ҳисобга олган ҳолда зоналарга ажратиш.

Худудий-иқтисодий баҳолаш зоналари (ҲИБЗ) –табиий ёки сунъий тўсиқлар билан чегараланган ва маълум бир сифатли, иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий қийматга эга бўлган шаҳар ҳудудининг бир хил типдаги участкалари. Улар шаҳар қурилиши босқичлари, архитектуравий-планировка тузилмаси ва асосий магистраллар тизими, муҳандислик таъминоти даражаси, транспорт таъминоти, коммунал хизмат, табиий омиллар билан фарқланади.

ҲИБЗ қўйидаги белгилар бўйича классификацияланади:

- шаҳар лойиҳасидаги ҳолати бўйича;
- функционал ва шаҳар қурилиши бўйича зоналаштириш нуқтаи назаридан қурилишларнинг ҳарактери бўйича;
- қурилишнинг техник ҳолати бўйича;
- ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш даражаси бўйича;
- маданий-маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш даражаси бўйича;
- аҳолини доимо ўзига тортадиган жойларга ва шаҳар маркази тизимининг элементларига транспортнинг қулайлиги;
- қурилишнинг архитектуравий-бадиий сифати бўйича;
- табиий-географик шароитлар бўйича;
- жойлашган ерининг нуфузи бўйича;
- ижтимоий инфраструктура объектларига тўйинганлик зичлиги бўйича;
- экологик ва санитар-гигиеник шароитлар бўйича.

Баҳолаш зоналари ер солигининг базавий ставкалари ва ижара ҳақи бўйича ҳарактерланади. Зарур бўлганда базавий ставкаларга тузатиш коэффициентлари тизими киритилади, бунда, шаҳар ерларини баҳолашга таъсир қиласидиган ва баҳолаш зоналари ичida кенг ўзгарадиган динамик кўрсаткичлар инобатга олинади.

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

Бу кўрсаткичларни ҳисобга олиш худудий-иктисодий баҳолаш зоналаштиришда тўла равишда мумкин эмас.

Тузатиш коэффициентлари тўловларнинг яқуний ўлчамларига (солиқ ва ижара ҳақи) таъсир қилиши, шунингдек, бошланғич баҳони ҳисоблашда, танловларни ташкил қилишда, ижара ҳуқуқи бадалида ҳисобга олиниши шарт.

Девелопментнинг яна бир томони ҳақида айтиб ўтиш лозим. Юқорида таъкидланганидек, девелопмент – бу фақатгина кўчмас мулк обьектларини ривожлантириш жараёни эмас, балки профессионал тадбиркорлик фаолияти ҳамdir. Профессионал фаолият сифатида девелопмент нафақат бозор иктисодиёти шароитида, балки кўчмас мулк обьектлари сотиш (ижарага бериш, бошқаришга топшириш) учун яратиладиган, яъни бозор учун яратиладиган муҳитда ҳам мавжуд бўлади. Шу маънода “девелопмент” атамасини олдиндан маълум бўлган фойдаланувчи учун “буортма асосидаги” қурилиш ҳолатида ишлатиб бўлмайди, ҳолбуки бу ерда кўчмас мулк ривожланиши моддий-ашёвий жараён сифатида мавжуд бўлса ҳам.

Бозор иктисодиёти шароитида девелоперни буюртмачидан фарқлай билиш керак. Қиймат, муддат ва сифат бўйича буюртмачи фаолиятининг лойиҳа талабларига мувофиқлигини таъминлаган ҳолда, ташкилий-иктисодий ва техник вазифаларни бажарувчи буюртмачи фаолиятидандан фарқли равиша, девелопернинг фаолиятида лойиҳанинг молиявий-иктисодий жиҳатлари – тижорат нуқтаи назаридан самарали лойиҳани танлаш, инвестицияларни жалб қилиш, лойиҳанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш - асосий ўринда туради.

Назорат учун саволлар:

1. Кўчмас мулк бозори профессионал иштирокчиларининг фаолият турлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Девелопментнинг намоён бўлиш моҳиятини тушунтиринг.
3. Девелопер ва унинг иш фаолиятининг моҳиятини очиб беринг.
4. Ҳозирги кунда, нима учун турар жой қурилиши билан шуғулланувчи деярли барча қурилиш ташкилотлари ўзларини девелопер деб аташади?
5. Fee-девелопмент, ленд-девелопмент атамаларига таъриф беринг.
6. Кўчмас мулк бозорида девелопмент деганда қандай фаолият тури тушунилади?
7. шаҳар ҳудудларини зоналаштиришнинг девелопмент фаолиятига таъсирини изоҳланг.
8. Шаҳар ҳудудларини функционал зоналаштириш нима?
9. Ҳудудий иктисодий зоналаштиришга таъриф беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. A Companion to Urban Economics. RICHARD J. ARNOTT Boston College, Massachusetts DANIEL P. McMILLEN University of Illinois at Chicago. 2010 by Blackwell Publishing Ltd
2. Corporate Real Estate Asset Management. by Barry Haynes, Nick

Кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этишнинг замонавий усуллари

- Nunnington. 2012.
3. В.У. Ёдгоров, Д.Ш. Мирджалирова “Кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш” Дарслик. Тошкент., “Чўлпон” нашриёти, 2015 йил.
 4. М.М.Мирахмедов, В.У.Ёдгоров, Д.Ш. Мирджалирова, Г.А. Нигманова. “Кўчмас мулк иқтисодиёти”. Дарслик. ТАҚИ - 2013 йил.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Кўчмас мулк объектларининг Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда таснифланиши. Тижорат кўчмас мулк объектлари характеристикаси.

Ишдан мақсад: Кўчмас мулк объектларининг таснифланиши тизими ва тижорат кўчмас мулк объектлари турлари ҳақида маълумотга эга бўлиш.


Масаланинг қўйилиши: Табиий ва сунъий кўчмас мулк объектларининг ва тижорат кўчмас мулки таркибига кирувчи меҳмонхоналар турларини ажратиш.

Амалий машғулотларни “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Давра сухбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илгор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

Кичик гуруҳлар учун топшириқлар


1 топшириқ

«Нима учун?» техникасидан фойдаланиб саволнинг жавобларини жадвал-схемаларига ёзиб тўлдириш.



2 топшириқ

Даромад олиб келувчи тижорат кўчмас мулк объектлари (1) ва фойда олиш учун шарт-шароит яратувчи тижорат кўчмас мулк объектлари (2) ни Венн диаграммаси ёрдамида таҳлил қилинг.



Венна диаграммаси – умумий хусусиятларга эга бўлган 2-3 томонларини солиштириш /қарама-қарши қўйиш /таққослаш учун қўлланилади
изчил тафаккур қилиш, солиштириш, қарама-қарши қўйиш ва таққослаш малакаларини ривожлантиради;

Венна диаграммасини тўлдириш қоидаси билан танишади. Индивидуал / жуфтликда Венна диаграммасини ишлаб чиқади, доираларнинг кесишимаган томонларини тўлдиради (x).


Жуфтликлар ҳосил қилиб, ўз диаграммаларини солиштиради ва тўлдиради

Доиралар кесишиган жойини ҳодиса ёки предметнинг, 2-3 доиранинг ўхшашлик томонлари, ҳар иккаласига (ёки учаласига) тааллуқли бўлган умумий хусусиятлари қайд этилиб, тўлдирилади

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

З топшириқ

Қуйидаги расмларда меҳмонхоналарнинг қандай турлари келтирилган.
Уларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари нималардан иборат?



Назорат саволлари:

1. Табиий кўчмас мулк объектлари нима ва уларнинг қандай турларини биласиз.
2. Сунъий кўчмас мулк объектларига таъриф беринг.
3. Тураг жой уйи, хонадон ва хона атамаларига изоҳ беринг.
4. Мактабгача таълим муассасалари, мактаблар,музейлар, кўргазма мажмуалари,касалхоналар, поликлиникалар қандай кўчмас мулк объектлари тоифасига киради?
5. Эксплуатацияга тайёрлик даражаси бўйича сунъий объектлар қандай таснифланади?
6. Тижорат мақсадида фойдаланиладиган кўчмас мулк объектлари қандай турларга бўлинади?
7. Савдо объектларининг таснифланишини тушунтиринг.
8. Мехмонхоналарнинг таснифланишини тушунтиринг.
9. Мехмонхоналарнинг қандай турларини биласиз?
10. Офис бинолари ҳақида тушунча беринг.

2-амалий машғулот: Кўчмас мулкка замонавий техник хизмат кўрсатиш. Уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш муаммолари ва уни замонавий ечимлари.

Ишдан мақсад: Кўчмас мулкка замонавий техник хизмат кўрсатиш ва уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш тўғрисида билимга эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: уй-жой фондини эксплуатация қилишнинг оддий ва замонавий усулларини таққослаш, уларнинг афзаллик ва камчилик томонларини кўрсатиб бериш.

Амалий машғулотларларни “Кичик гурӯхларда ишлаш”, “Давра сұхбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

Кичик гурухлар учун топшириқлар

1 топшириқ

Эксплуатация жараёнини автоматик тарзда бошқаришни таҳлил қилинг. Инсерт жадвалига тегишли белгиларни қўйинг.

Автоматлаштирилган тизим ҳудудни тозалаш, бинога техник хизмат кўрсатиши, қўриқлаш ва б. учун сметани шакллантириши имконини беради. Автоматлаштирилган тизимларга ҳар бир деталнинг параметри ва баҳоси, таъмирлар муддати, хизмат кўрсатиши ва алмаштириши давомийлиги, шунингдек, персонал ҳақидаги маълумотлар – ҳар бир муҳандиснинг, электрикнинг малакаси, уларнинг маоши ва б. Киритилади. Математик алгоритмлар асосида тизим, таътил, дам олиши кунлари ва байрамларни ҳисобга олган ҳолда қайси ходим қайси ишини қайси куни бажариии лозимлиги ҳисоб-китоб қилинади.

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

2 топшириқ

Уй-жой фондини эксплуатация қилишни бошқаришнинг оддий ва замонавий усусларини “Резюме” усули ёрдамида изоҳлаб беринг.

Уй-жой фондини эксплуатация қилиш усуслари			
Оддий тизим		Автоматлаштирилган тизим	
афзаликлар	камчиликлар	афзаликлар	камчиликлар

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

Назорат саволлари:

1. Аҳолининг ҳаёт кечиришлари давомида уй-жой фонди билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган эҳтиёжларни қондириш мақсадида яратилган шарт-шароитлар қандай гуруҳларга бўлинади?
2. Уй-жой фондидан фойдаланишни ташкил этиш ва коммунал хизматлар қўрсатиш учун яратилган шарт-шароитлар билан боғлиқ қўрсаткичлар қандай гуруҳларга бўлинади?
3. Уй-жойлар уларга аҳолини жойлаштириш усулига қараб қандай гуруҳланади?
4. Турар уй-жойлари конструктив тузилишига кўра ва ердан фойдаланиш усулига кўра қандай гуруҳланади?
5. Қаватлар миқдорига кўра турар жой бинолари қандай турларга бўлинади?
6. Ўзбекистон шароитида турар уй-жойлар қурилишини лойиҳалашда кўйиладиган асосий талаблар таркибига нималарни киритиш мумкин?
7. Уй-жой қурилишида тежамкорлик ва бинолардан фойдаланишни самарали ташкил этиш ҳақида нималарни биласиз?
8. Биноларни техник эксплуатация қилиш жараёнининг таркибиغا қандай вазифалар киради?
9. Уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш деганда нимани тушунасиз?
10. Биноларни техник эксплуатация қилиш таркибига нималар киради?
11. Хусусий уй-жой мулқдорлари ширкати, меъёрий-хукуқий асоси ва аҳамияти

3- амалий машғулот: Ўзбекистонда кўчмас мулқдан фойдаланиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ишдан мақсад: Кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш, кўчмас мулк обьектларига солиқ солиш тизими тўғрисида билимга эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш нима учун керак. Кўчмас мулк обьектларига солинадиган солиқ турларини таҳлил қилиш.

Амалий машғулотларларни “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Давра сұхбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараённида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда


Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илфор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

1 топшириқ

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш хақидаги фикрларингизни “Балиқ скелети” ёрдамида ёритиб беринг.

“Балиқ скелети” схемаси



2 топшириқ

Кўчмас мулк обьектларига солинадиган солик турларини БББ усули ёрдамида тахлил қилинг.

Биламан	Билишини ҳоҳлайман	Билиб олдим
Ер солигини	Ер солиги солинмайдиган ер участкаларини	Ер солиги бўйича имтиёзларни

Назорат саволлари

1. Кўчмас мулк соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатлар қандай гурухларга ажратилади?
2. Давлат ғазнасига мулкни ўтказиш ҳукуқи қандай ҳукуқлар гурухига киради?
3. Кўчмас мулк соҳасидаги ҳуқуқ манбалари қайсилар?
4. Уй-жой муносабатларига таъриф беринг ва уларнинг асосий гурухларини санаб беринг.
5. Давлат уй жой фондини хусусийлаштиришнинг асосий тамойиллари қандай?
6. Ер қонунбузарликларини содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга органлар қайсилар?
7. Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида нималарни биласиз?
8. Ер солиғидан қандай юридик шахслар озод қилинади?
9. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг солиқ солиш базаси нима?

4- амалий машғулот: Кўчмас мулк объектларини ривожлантириш масалалари. Девелопментнинг асосий тушунчалари ва тамойиллари.

Ишдан мақсад: :“Кўчмас мулк объектларини ривожлантириш масалалари. Девелопментнинг асосий тушунчалари ва тамойиллари” мавзуси доирасидаги билимларни мустаҳкамлаш.

Масаланинг қўйилиши: Кўчмас мулк бозорида девелопмент фаолиятининг аҳамиятини таҳлил қилиш.

Амалий машғулотларларни “Кичик гурухларда ишлаш”, “Давра сұхбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

1 топширик

Девелопмент фаолиятини тўлиқ очиб бериш учун “Кластер” график органайзерини тузинг.

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш






2 топшириқ

Девелопмент фаолиятининг “SWOT” таҳлил жадвали




S <i>Девелопментнинг афзаллик томонларини келтиринг</i>	O <i>Девелопментнинг ўзига хос томонларини келтиринг</i>
W <i>Девелопментнинг камчилик томонларини келтиринг</i>	T <i>Девелопментнинг турларини келтиринг</i>

3 топшириқ

“Девелопментнинг асосий тушунчалари ва тамойиллари” мавзусини Нилуфар гули ёрдамида ёритиб беринг.



Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари



4 топширик

“Девелоперларнинг вазифалари ва мажбуриятлари нималардан иборат?” саволини ФСМУ технологияси ёрдамида таҳлил қилинг.

Савол	Девелоперларнинг вазифалари ва мажбуриятлари нималардан иборат?
(Ф) Фикрингизни баён етинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

Назорат саволлари

1. Кўчмас мулк обьектларини ривожлантириш тушунчаси.
2. Миллий амалиётда девелопментнинг аҳамияти.
3. Девелопернинг профессионал – тадбиркор сифатидаги роли.
4. Девелопментнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.
5. Девелоперлик фаолиятининг тамоиллари.
6. Ленд – девелопмент ва fee-девелопмент.
7. Девелопментнинг иқтисодий, бюджетва ижтимоий самарадорлиги.
8. Шаҳар худудларини зоналаштириш - девелопментнинг ташқи негатив таъсирларни минималлаштириш бўйича назорат воситаси сифатида.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс №1

Модул номи: “Кўчмас мулкдан фойдаланиши ташкил этишнинг замонавий усуслари”.

Мавзу: Кўчмас мулк объектларининг Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда таснифланиши. Тижорат кўчмас мулк объектлари характеристикиаси.

Берилган case study мақсади: Кўчмас мулк объектларининг гурухланиши ва турларига умумий тавсиф беради, Тингловчиларга баҳо бериш мезонлари тушунтирилади, гурухчалар ташкил қиласди, кейс стадининг индивидуал босқичида бажариш учун мавзу берилади. Тингловчиларга кейс дафтарчалари тарқатадилади. Мавжуд адабиёт билан таништирилади.

Кутилаётган натижалар: Тингловчилар ушбу мавзуни ўрганиш жараёни орқали кўчмас мулк объектларининг таснифланиш тизими, тижорат кўчмас мулк объектлари ва ижтимоий соҳа кўчмас мулк объектлари турлари, характеристикиаси ва улардан фойдаланиши ташкил этиш ҳақида тушунчаларга эга бўладилар.

Case study-ни муваффақиятли бажариш учун Тингловчи қўйидаги билимларга эга бўлиши лозим:

Тингловчи билиши керак:

Тураг жой, тижорат, ижтимоий соҳа объектларининг таснифланиш тизими. Мехмонхоналар турлари ва уларнинг умумий ҳамда бир-биридан фарқли жиҳатлари. Ижтимоий соҳа объектларидан фойдаланиши ташкил этиш.

Тингловчи амалга ошириши керак: мавзуни мустақил ўрганади, муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; фояларни илгари суради, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади, ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий холоса чақаради, маълумотларни таққослайди, танқидий холоса чиқаради, тахлил қиласди ва умумлаштиради.

Case study-да ишлатилган маълумотлар манбай:

“Кўчмас мулкдан фойдаланиши ташкил этишнинг замонавий усуслари” модули бўйича адабиётлар.

Case study-нинг типологик хусусиятларга кўра характеристикиаси:

Case study кабинетли тоифага кириб сюжетсиз хисобланади, case study маълумотларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, ҳамда таҳлил қилишга қаратилган.

Муаммолар: Табиий кўчмас мулк объектлари нима ва уларнинг қандай турларини биласиз.

Кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

Сунъий кўчмас мулк объектларига таъриф беринг.

Тураг жой уйи, хонадон ва хона атамаларига изоҳ беринг.

Умумий мулк деганда нимани тушунасиз?

Тижорат мақсадида фойдаланиладиган кўчмас мулк объектлари қандай турларга бўлинади?

Савдо объектларининг таснифланишини тушунтиринг.

Меҳмонхоналарнинг таснифланишини тушунтиринг.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил иш жараёнида тингловчилик модулга доир адабиётлар, услугий қўлланмалар билан танишадилар. Ўқитувчи томонидан берилган мавзу бўйича топшириқни мустақил бажарадилар. Уларни мустақил иш сифатида расмийлаштириб тармоқ марказига топширадилар. Бундан ташқари, маъруза машғулотлари материаллари ҳамда қўшимча адабиётлар бўйича тайёрланиб рейтинг балларини тўплайдилар.

1. Кўчмас мулк обьектлари, хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатлари
2. Кўчмас мулк ва ундан фойдаланишни ташкил этишнинг илгор тажрибалари
3. Жамоат биноларидан унумли фойдаларишни илмий-назарий асослари ва амалий имкониятлари
4. Кўчмас мулк бозорини бошқариш мақсади, тамойиллари ва замонавий ҳолатининг таҳлили
5. Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишнинг хорижий тажрибаси
6. Кўчмас мулкни бошқариш фаолиятининг ривожланиши ва келажак истиқболлари.
7. Девелопментнинг асосий тушунчалари ва тамойиллари.
8. Кўчмас мулк обьектларини техник хизмат кўрсатишдаги илгор хорижий тажрибалар
9. Кўчмас мулк обьектларига солиқ солиш тизими.
10. Кўчмас мулк обьектларининг ички ва ташқи бошқарувини такомиллаштириш масалалари.

Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этишнинг замонавий усуллари

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<i>Kўчмас мулк</i>	устида бинолар, иншоотлар ва бошқа баъзи қурилишлари бор ер участкалари.	
<i>Кўзгалмас мулк</i>	ер ҳамда унда жойлашган бино ва иншоотлардан ташкил топган ҳар қандай мулк.	
<i>Лойиҳалаши босқичи</i>	ўз ичига қўйидагиларни олади: молиявий схемани ишлаб чиқиш, молиялаштиришни ташкил қилиш, муҳандис-архитектура гурӯхини танлаш, лойиҳалашни бошқариш.	
<i>Қурилиши босқичи</i>	пудрагчини танлаш, қурилиш ишларини олиб боришни мувофиқлаштириш, ҳамда қурилиш сифатини, харажатлар сметасини ва бошқа харажатларни назорат қилишни ўз ичига олади.	
<i>Эксплуатация қилиши босқичи</i>	объектларни эксплуатация қилиш, уларга хизмат қилиш ва таъмирлашларни назарда тутади.	
<i>Объектни тугатиши босқичи</i>	бу объект билан боғлиқ бошланғич ва кейинчалик ҳосил қилинган функцияларини бутунлай йўқ қилишдир, яъни уни бузуб ташлаш ёки тамомила янгидан шакллантириш учн шароит яратишидир.	
<i>Табиии объектлар</i>	ер участкалари, ўрмон ва қўп йиллик ўсимликлар, маҳсус сув объектлари ва ер ости бойликлари мавжуд ҳудудлар. Шунингдек уларни “табиатан кўчмас мулк” деб ҳам аташади.	
<i>Сунъий объектлар</i>	инсон меҳнати ёрдамида яратилган кўчмас мулк объектлари.	
<i>Мотель</i>	шаҳардан ташқарида, автомагистралга яқин жойда жойлашадиган, оддий, бир ёки икки қаватли бинолар. Улар – кичик ва ўрта корхоналар. Кам сонли (минимал) персоналга эга, хизмат кўрсатиш даражаси ўртача. Турли хил	

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

	категориядаги сайёхлар мижоз бўла олади.	
<i>Гарни-меҳмонхона</i>	чекланган хизматлар спектрига эга бўлади. Уларда мижозни жойлаштириш, чакана савдо хизматини ташкил этиш ва континенталь нонушталар ташкил этилади.	
<i>Пансион</i>	оддий стандарт ва чекланган хизматлар спектрини таклиф қилади. Гарни- меҳмонхоналардан фарқли равишда, факатгина уларда яшовчилар учун нонушта, тушлик ва кечки овқатлар берилади.	
<i>Ротель</i>	ҳаракатланувчи меҳмонхона, ўриндиқлар жойлашган икки бўлмали вагон кўринишида бўлади. Кийиниш, ҳожатхона, ваннахона, музлатгич учун бўлмаларнинг бўлиши шарт.	
<i>Ботель</i>	сувда сузуви катта бўлмаган меҳмонхона, маҳсус жиҳозланган кемадан фойдаланилади.	
<i>Флотель</i>	кўпинча “сувдаги курорт” деб аталағиган, йирик меҳмонхона. Сайёхларга шинам ва қулаги хоналар, кенг қамровли хизматлар таклиф қилинади: ҳовузлар, сув чангилари, балиқ овлаш учун жиҳозлар, сув остида сузиш ва сув ости ови учун мосламалар, тренажёр заллари, конгресс ва конференциялар учун заллар, кутубхоналар, турли хил маълумотли таъминот (телефон, телефон, телекоммуникациялар ва х.к.). Охирги вақтларда тез-тез бизнес-турлар, конгресс- круизлар ва таълим турларини ташкил қилиш мақсадида фойдаланилади.	
<i>Флайтель</i>	аэромехмонхона ёки “учувчи меҳмонхона”. Жуда қиммат ва камсонликеҳмонхона тури. Метеорология хизмати алоқаси билан жиҳозланган.	
<i>Кўчмас мулк бозори</i>	барча кўчмас мулк сотувчилари ва харидорларининг айни вақтда	

Кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этишининг замонавий усуллари

	мавжуд бўлган барча талаб ва таклифлари орасидаги ўзаро боғлиқлик юзага келадиган ва кўчмас мулк билан боғлиқ барча жорий операциялар йиғиндиси амалга ошириладиган иқтисодий-хуқуқий худуд.	
<i>Девелопер</i>	лойиҳани молиялаштириш ва шакллантирилган кўчмас мулк обьектини реализация қилишни ўз ичига олувчи кўчмас мулк обьектларини ривожлантиришнинг мавжуд варианtlаридан энг мақбулини ташкил этувчи тадбиркор.	
<i>Брокер</i>	бу бевосита мижозлар билан ишлайдиган ва улар билан юридик шахс номидан ёки индивидуал тадбиркор сифатида, ҳамда кўчмас мулк обьектларига бўлган хуқуқларининг ўзгариши, ўрнатилиши ёки тугатилиши билан боғлиқ шартнома тузадиган жисмоний шахс.	
<i>Агент</i>	бу бевосита мижозлар билан ишлайдиган ва брокер томонидан мижозлар билан кўчмас мулк обьектларига бўлган хуқуқларининг ўзгариши, ўрнатилиши ёки тугатилиши билан боғлиқ шартнома тузишга зарур бўладиган барча тайёргарлик ишларини олиб борадиган жисмоний шахс.	
<i>Девелоперлик (бошқарувчи) компания</i>	бу буюртмачининг (бош буюртмачи, инвестор) буюртмасига биноан лойиҳа циклининг барча босқичларида - бозорни ўрганиш ва инвестициялди тадқиқотларидан тортиб то лойиҳани тугатишгacha - қурувчи вазифаларини комплекс тарзда бажарувчи компания (фирма, корхона).	
<i>Fee-девелопер</i>	бу ўз молиявий қўйилмаларисиз, буюртма асосида девелоперлик лойиҳасини амалга оширувчи компания.	

Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш

<i>Классик ленд-девелопмент</i>	бу атроф-мухитни шакллантириш, участкалар ликвидлиги ва уларнинг инвестицион жозибадорликларини оширишдир.	
---------------------------------	--	--

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар:

1. William L, Jr.Ventolo, Martho R. Williams,SD. Fundamentals of Real Estate Appraisal. Dearborn. USA,May 2013, English
2. A Companion to Urban Economics. RICHARD J. ARNOTT Boston College, Massachusetts DANIEL P. McMILLEN University of Illinois at Chicago. 2010 by Blackwell Publishing Ltd
3. Corporate Real Estate Asset Management. by Barry Haynes, Nick Nunnington. 2012.
4. В.У. Ёдгоров, Д.Ш. Мирджалилова “Кўчмас мулқдан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш” Дарслик. Тошкент., “Чўлпон” нашриёти, 2015 йил.
5. М.М.Мирахмедов, В.У.Ёдгоров, Д.Ш. Мирджалилова, Г.А. Нигманова. “Кўчмас мулк иқтисодиёти”. Дарслик. ТАҚИ - 2013 йил.

Интернет ресурслари:

1. <https://www.csiamerica.com/products>
2. <http://www.statpro.com>
3. <http://www.ansys.com>
4. <http://www.etaps.com>